ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

Улуғбек Йўлдошев

БАДИИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Монография

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти
Самарқанд – 2022

УЎК 82-3 А/Я 02
Й 31

Улуғбек Йўлдошев. Бадиий таржиманинг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари. Монография. Самарқанд: – “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2022. – 170 бет.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишга, жаҳон ҳамжамияти билан бевосита мулоқот қила оладиган мутахассислар тайёрлашга, турли соҳаларга оид адабиётларни хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга бевосита таржима қиладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Мазкур монографияда бадиий таржимада учрайдиган таржима муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида батафсил сўз юритилган.

Монографияда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, магистрлар, талабалар ҳамда малака ошириш курсларининг тингловчилари фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:
Самарқанд давлат чет тиллари институти доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) **З.Бозоров**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) **Ш.Акбарова**

Монография Ўзбекистон халқаро ислом академияси Кенгашининг 2021 йил 29 декабрдаги 5-сонли мажлис баённомасида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-8229-1-7

© “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2022

КИРИШ

Жаҳон таржимашунослигида халқларнинг миллий маданияти, тарихи, урф-одатлари, турмуш тарзи, анъаналари ва миллий қадриятларини ўзида мужассам этган асарларни хорижий тилларга таржима қилишга ва шу орқали халқаро адабий алоқаларни ўрнатишга катта эътибор қаратилмоқда.

Яқин ўтмишгача ўзбек адабиётининг сара намуналари ўзбек тилидан хорижий тилларга, жаҳон адабиёти дурдоналари эса ўзбек тилига билвосита таржима қилинган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишга, жаҳон ҳамжамияти билан бевосита мулоқот қила оладиган мутахассислар тайёрлашга, турли соҳаларга оид адабиётларни хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга бевосита таржима қиладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда эса мазкур соҳада бевосита таржима амалиётларини янада юқори босқичга олиб чиқиш эҳтиёжи туғилмоқда.

Таржима-бир тилда яратилган муайян асарнинг ўзга бир халқ маънавий эътиёжига хизмат қилдирадиган, ундан бадиий завқ олиши учун имконият яратувчи коммунитакив воситадир. Таржима матни ҳам аслият матнига тенг бўлиб, у билан бир яхлитлик тасаввурини уйғотиш керак. Шунга биноан, таржима вазифаларидан бири-таржима матн аслиятнинг тўлиқ коммуникатив ўрнини эгаллаши ва аслият ўқувчиси имкониятига тенг даражадаги бадиий завқ ва уйғун мувозанатни таржима ўқувчисига тадқим этишдир.

Маълумки, матнлар услуб жиҳатидан беш турга таснифланади: сўзлашув, публицистик, илмий, расмий ҳамда бадиий услуб. Булардан биринчиси оғзаки;

қолганлари ёзма ва оғзаки нутққа хосдир. Масалан, илмий асар ёки илмий маъруза матни ёзма нутққа, илмий маърузанинг ўзи эса оғзаки нутққа хос. Шунингдек, бадиий услубнинг ҳам ёзма ва оғзаки (халқ оғзаки ижоди) кўриниши мавжуд.

Таржимашуносликда матнларни услуб жиҳатидан айнан бадиий услубдаги матнларни таржима қилиш энг мураккаб жараёнлардан ҳисобланади. Чукни бадиий услубдаги матнларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудки, булар таржима жараёнида таржимонга баъзи таржима қийинчиликларини келтириб чиқариши табиий.

Бу жараёнда таржимондан бадиий матнда қўлланадиган стилистик воситаларни таржима қилиш стратегиялари, миллий-маданий коннотацияга эга бўлган лексик бирликларни таржима қилиш усулларини борасида етарли билим ва малакага эга бўлиш талаб этилади.

Мазкур монография бадиий таржиманинг лингвостилистик ва лингвокультурологик аспектларига бағишланган бўлиб, унда бадиий матнда қўлланган метафора, метонимия, киноя, оксиморон, шахслантириш, аллюзия каби стилистик воситалар ҳамда миллий маданий коннотацияга эга бўлган лексик бирликларни таржима қилиш усуллари ва уларнинг таржимасида қўлланадиган таржима стратегиялари ва усуллари ҳажвий матнлар, хусусан, ўзбек халқ латифаларнинг инглиз тилига таржималарини таҳлил қилиш орқали очиб берилган.

I БОБ. ЖАҲОН ТАРЖИМАШУНОСЛИГИДА ҲАЖВИЙ МАТНЛАР ТАРЖИМАСИ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

1.1. Тилшуносликда ҳажвий матнлар таржимасининг ўрганилиш тарихи

Жаҳон таржимашунослигида Е.Найда, И.Граам, Р.Белл, П.Ньюмарк, С.Баснет, К.Малмкер ва В.Кевин[1] каби олимлар таржима назарияси борасида тадқиқотлар олиб борган ва турли қўлланмалар яратган. Бу таржимашунос олимлар таржима қонуниятлари, эквивалентлик ва адекватлик назариялари каби таржиманинг муҳим аспектларини ўз ишларида кенг ёритиб берган.

Россия олимлари ҳам таржимашунослик соҳасида бир қанча тадқиқот ишлари олиб боришган. Жумладан, Л.С.Бархударов, В.Н.Комиссаров, В.В.Виноградов, А.Д.Швейцер, Н.Гарбовский, Ю.Илюшкина[2] ва бошқалар таржиманинг умумлексикологик муаммолари, таржимада эквивалентлик, таржимада фразеологик бирликлар ва

[1] Nida E. Towards a Science of Translating. – Leiden, 1964. – 331 p, Graham I. Difference in Translation. – Carnell University Press, 1985. – 256 p; Roger.N.Bell. Translation and Translating, (Theory and Practice). – London, New York, 2001. – 80 p; Newmark P. A Textbook of Translation. – London, 2002. – 292 p; Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York: Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p; Malmkjer Kristen and Kevin Windle. The Oxford Handbook of Translation Studies. – Oxford: Oxford University Press, 2011. – 256 p.

[2] Бархударов Л.С. Общелингвистическое значение теория перевода//Теория и критика перевода. – М.: Изд-во ЛГУ, 1962//Язык и перевод. – М.: ИМО, 1975. – С. 196; Комиссаров В.Н. Слово о переводе. – М.: ИМО, 1973. – С. 215// Лингвистика перевода. – М.: ИМО, 1980 – С. 167 // Общая теория перевода. – М., 2003. – С. 136, Современное переводоведение. – М., 2004. – С. 424; Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. – М.: Изд-во МГУ, 1978. – С.174.// Перевод: Общие и лексические вопросы. – М.: Книжные дом, Университет, 2006. – С.236; Швейцер А.Д. Теория перевода: статус, проблемы, акспекты. – М.: Наука, 1988. – 250 с; Гарбовский Н. Теория перевода. – М., 2004. – 554 с; Илюшкина М.Ю. Теория перевода: основные понятия и проблемы. – Екатеренбург, 2015. – 84 с.

контекст масаласи, эмоционал-экспрессивликни ифодалаш ва таржимада миллий-маданий хусусиятга эга сўзларни таржима қилиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбекистонда Ғ.Саломов, Қ.Мусаев, Ю.Пўлатов, М.Холбеков, Р.Файзуллаева, Ю.Нормуродов, Ҳ.Кароматов, О.Мўминов, И.Ғафуров, Н.Қамбаров[3] каби олимлар бадиий таржиманинг ўзига хос муаммолари, таржиманинг прагматик муаммолари, стилистик хусусиятлари, таржимада миллий колоритни сақлаб қолиш масалалари, фразеологик бирликларни таржима қилиш муаммолари борасида тадқиқот ишлари олиб боришган. Кейинги йилларда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида О.Мўминов, И.Ғафуров, Н.Қамбаров муаллифлигида “Таржима назарияси”, “Таржимонлик мутахассислигига кириш”, “History of Translation (Europe and Central Asia)”, “A Guide to Consecutive Translation”, “English for Translators”, “Practical Course in Translation”[4]

[3] Саломов Ғ. Тил ва таржима. –Т., 1966. – 103 б // Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 152 б // Адабий анъана ва бадиий таржима. – Т.: Фан, 1980. – 124 б // Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 102 б // Таржима ташвишлари. –Т., 1983, – 138 б; Мусаев Қ. Стилистические вопросы художественного перевода с английского языка на узбекский. Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Самарканд, 1967 – 25 с // Таржима назарияси асослари.– Т.: Фан, 2005. - 352 б; Пўлатов Ю. Бадиий асарда номлар таржимаси. –Т.: Фан, 1967. – 68 б; Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1972. – 148 с; Сулайманов М. Опыт научного обобщения проблемы художественного перевода в аспекте сопоставительной стилистики: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1974. – 152 с; Нормурадов Ю. Проблема научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1982. – 148 с; Караматов Х.С Истоки, оригинал и узбекский перевод. Трагедия К.Марло «Тамерлан великий»: Дисс. ... канд. филол. наук. Т., 1990; Мўминов О. History of Translation (Europe and Central Asia). –Т.: Меҳридарё, 2008. – 128 р // A Guide to Consecutive Translation. – Т.: Tafakkur bo’stoni, 2013. – 320 b; Ғофуров И. Таржимон мутахассислигига кириш. – Т.: Меҳридарё, 2008. – 118 б; Қамбаров Н. Инглизча-ўзбекча универсал луғат – маълумотнома. – Т., 2014. – 188 б.

[4] Ғафуров И, Мўминов О, Қамбаров Н. Таржима назарияси. –Т.: Тафаккур-Бўстон, 2012. – 216 б.; Ғафуров И. Таржимон мутахассислигига кириш. – Т.: Меҳридарё,

каби бир неча дарслик, ўқув қўлланмалар яратилдики, бу манбалар Ўзбекистонда таржима соҳасини, айнан инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига таржима ишларини олиб боришда жуда катта аҳамиятга эга. Олимларнинг тадқиқот ишларига, дарслик ва ўқув қўлланмаларига таяниб таржиманинг лингвостилистик ва лингвокультурологик жиҳатларига эътибор қаратиб мазкур диссертацияни тайёрлашга ҳаракат қилдик.

Ҳажвия, ҳажвий матн ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ҳажвий матнлар ва уларни таржима қилиш юзасидан хориж ва Ўзбекистонлик бир қанча олимлар илмий изланишларни амалга оширишган. Жумладан, хорижда В.Раскин, А.Салвадоре, Ж.Сузанна, С. Ди Маио, А.Димитрис, Ф. Христиан, А.Росс, Л.Бродер[5] ва бошқалар ҳажвия механизмлари, ҳажвия назариялари, ҳажвий матнларни таржима қилиш муаммолари ва стратегиялари борасида илмий тадқиқот ишларини олиб

2008. – 118 б.; Muminov O. History of Translation (Europe and Central Asia). –T.: Мехридарё, 2008. – 128 p.; Muminov O. A Guide to Consecutive Translation. – T.: Tafakkur bo'stoni. 2013. – 320 b.; Muminov O, Kuldoshev A, Khoshimov U. English for Translators. – T.: Шарқ. 2005. – 384 б.; Mominov O, Xodjayeva M, Mirzamuhamedova R, Alimova Z ... Practical Course in Translation. – T.: O'zbekiston Milliy kutubxonasi, 2011. – 192 b.

[5] Raskin Victor. Semantic Mechanisms of Humor. – Dordrecht, Boston, Lancaster: D. Redial Publishing Company. 1985. – 308 p; Attardo Salvadore. From Linguistics to Humor Research and Back: Applications of Linguistics to Humor and Their Implications for Linguistic Theory and Methodology. PhD thesis. – Indiana: Purdue University, 1991. – 136 p; Jaskanen, Susanna. On the Inside Track to Loser Ville, USA: Strategies used in Translating Humour in Two Finnish Versions of Reality Bites. MA Thesis.– Helsinki: University of Helsinki, 1999. – 82 p; Sara Di Maio. Structured Resource for Computational Humor. PhD thesis. The University of Siena, 2000. – 134 p; Asimakoulas Dimitris. Subtitling Humor and the Humor of Subtitling. A theoretical Approach to the Translation of Verbal Humor and Subtitling with Respect to the Greek Subtitled Versions of Airplane and Naked Gun. Master's thesis, University of Manchester, Institute of Science and Technology, 2001. – 95 p; Hempelmann, Christian F. Paronomasic Puns: Target Recoverability towards Automatic Generation. PhD thesis. –Indiana: Purdue University, 2003. – 132 p; Alison Ross. Language of Humour. –London and New York, 2005. – 129 p; Broeder L. Translating Humor: The Problems of Translating Terry Pratchett. Master of Arts Thesis. 2007. – 112 p.

борганлар. Хусусан, Виктор Раскиннинг тадқиқоти ҳажвиянинг моҳияти, ҳажвиянинг акти деб аталган компонентлари, ҳажвияни тадқиқ қилишда фойдаланилган асосий концепциялар, “кулгу турлари” ва ҳажвиянинг ўзини категорияларга ажратиш муаммолари ва ҳажвия назарияларига бағишланган. Аттардо Салвадоре оғзаки ҳазилларнинг олти даражали иерархик репрезентация моделини таклиф этган бўлиб, улар тил, баён қилиш стратегияси, нишон, вазият, мантиқий механизм, ёзувлар қарама-қаршилигидир. Аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, икки хил миллатга мансуб халқларнинг латифаларини таржима қилишда ижодий таржима методидан фойдаланиб, таржима тилида аслият ҳажвий матнига эквивалент бўла оладиган ҳажвий матнни яратиш мумкин. Бунда таржимон мана шу репрезентация моделига мурожаат этади. Алисон Росс кулгининг ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқда яратилиш йўлларини ўрганди, ҳажвия ва ижтимоий муносабатлар ўртасидаги алоқаларни, ҳажвчи ва томошабиннинг мақсадини кўриб чиқди, ҳажвнинг ижтимоий аспектларига эътибор қаратди[6].

Россия олимлари ҳам ҳажвий матнлар, айнан латифалар ва уларни таржима қилиш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, Е.М Александрова анекдот таржималарида таржима эквивалентлиги ва адекватлиги параметрлари, таржима ва воситачилик орқали тиллараро алоқадорлик ҳодисаларида таржимон вазифаларини тадқиқ этган[7].

Эквивалентлик ва адекватлик латифаларни таржима қилишда ҳамма вақт ҳам самарали бўлавермайди. Чунки,

[6] Alison Ross. Language of humour. – London and New York, 2005. – 129 p.

[7]Александрова Е.М. Перевод анекдота: проблемы адекватности и эквивалентности: на материале французских и русских анекдотов. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2005. – 25 с.

латифалар ҳар бир миллатнинг ўз маданияти, руҳияти, менталитетидан келиб чиқиб яратилади. Бу француз ва рус маданиятидаги ўзаро қарама-қаршиликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳол эса анекдотлар таржимасида аслиятдаги кулги таржима тилига таъсир этмай қолиши ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.

Е.М.Родина немис тили матнида қисқа ҳажвий эртакларнинг социопрагмалингвистик хусусиятларини аниқлаган. Бундан ташқари, илмий тадқиқот ишида социопрагмалингвистик нуқтаи назардан ҳажвий матннинг зарурий талқинини асослаш, лингвистик ва экстралингвистик факторлар, ҳажвий матнларнинг прагматик йўналишларини амалга оширишни кўриб чиқиш, кўрилаётган матнларга оид матнни ташкил этувчи воситалар ва уларнинг лингвистик вазифаларини кўрсатиш, қисқа ҳажвий эртакларни матн тури сифатида аниқлаш, таҳлил этилаётган матнларни ўрганиш методлари ва усуллари талқинини ишлаб чиқиш масалалари таҳлил этилган[8]. Диссертацияда қисқа ҳажвий эртакларнинг лингвистик ва экстралингвистик омилларига катта эътибор қаратилган бўлиб, бу омиллар ҳажвиянинг лингвокультурологик хусусиятларини ҳам қамраб олади.

А.А.Проскурина эса ҳажвий дискурсда ўхшаш матнларнинг семиотик вазифасига кўра тушунчаларни, умумий хусусиятларини, матнлараро алоқани алоҳида матн тушунчаси сифатида ифодалаш, ўхшаш матнлар тушунчаси хусусиятларини аниқлаш, ҳажвий дискурснинг хусусиятлари ва унинг жанрини ифодалаш, ҳажвий дискурс моҳиятининг шартлари ва мезонларини очиб бериш, инглиз тили ҳажвий дискурсида ўхшаш

[8]Родина Е.М. Лингвостилистические особенности короткого юмористического рассказа: опыт социопрагмалингвистической интерпретации: на материале немецкого языка. Дисс. ... канд. филол. наук. –Пятигорск, 2002. – 196 с.

матнларнинг вазифавий концепцияларини таҳлил қилиш масалаларини кўриб чиққан[9].

Чан Тхань Тунг рус ҳажвий матнининг лингвокультурологик хусусиятлари аниқлаган ва вьетнам маданиятида ўзлаштирилиши кўриб чиқган[10]. Диссертация ишида муаллиф яна ҳажв ва ҳажвий матнларни турли аспектларда кўриб чиқиб, ҳажвий матнларнинг миллий-маданий хусусиятларини турли йўналишларда очиб берган. Бундан ташқари, рус ҳажвий матнларининг семантик ва грамматик хусусиятларини таҳлил қилиш, рус ва вьетнам кулгили лингвокультуремаларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, рус ҳажвий матнларидаги кулгили ҳолатларнинг вьетнам лингвокультуремаларида ифодаланишини тасвирлаш хусусиятларини ўрганиш, рус ҳажвий матнида фикрни етказиб беришнинг асосий йўлларини вьетнам тилида яратиш жиҳатлари тадқиқ этилган. Тадқиқот ишининг асосий предмети ҳажвий матнларнинг миллий - маданий хусусияти бўлиб, муаллиф рус ва вьетнам халқлари маданиятини ўзаро қиёсий тадқиқ қилган.

Фикримизча, ҳажвий матнлар таржимасида халқларнинг маданияти катта аҳамиятга эга. Тадқиқотимизда ўзбек ва инглиз маданияти чоғиштирма аспектда ўрганилиб, ўзбек миллий-маданий хусусиятга эга сўзлар орқали кулги келиб чиқиш ҳолатларини инглиз тилида акс эттириш масаласи энг аҳамиятли масалалардан ҳисобланади. Бу борада маданий бирликларни таржима қилиш усуллари, миллий руҳ ва менталитетни таржимада акс эттириш воситалари тадқиқот жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

---

[9] Проскуруна А.А. Прецедентные тексты в англоязычном юмористическом дискурсе. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самара, 2004. – 18 с.

[10] Чан Тхань Тунг. Русский юмористический текст на фоне вьетнамский лингвокультурной традиции. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2004. – 18 с.

Ҳажвия, ҳажвий матн ва уларни таржима қилиш масалаларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари ўзбек олимларининг ҳам тадқиқот объекти бўлган. Хусусан, латифаларнинг инглиз тилига қилинган таржималари хусусида Б.Шамсиеванинг номзодлик диссертациясида ҳам муносабат билдириб ўтилган. Мазкур тадқиқотда ўзбек халқ латифаларининг инглиззабон мамлакатлардаги таржималари ва уларнинг ўрганилиши тасвирий-амалий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Б.Шамсиева ўзининг илмий изланишларида, асосан, ўнга яқин латифаларни ўрганади, фақатгина таржима таҳлилини беради ва йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида тўхталиб ўтади. Бироқ Афанди латифаларининг рус тилидаги вариантидан фойдаланган муаллиф сарлавҳалардаги камчиликларни изоҳламай, фақат таржима таҳлилини бериш билан чекланади[11].

Ш.Абдураҳмонов бадиий нутқда кулги қўзғатувчи лисоний воситаларни ўрганган ҳамда уларнинг кулги ҳосил қилишдаги ўрни, имкониятларини аниқлаган. Кулги ҳосил қилувчи лингвистик бирликларнинг ички алоқадорлиги, сўзларнинг яширин маънолари ва уларнинг кулги қўзғашдаги ўзига хос хусусиятларини ўрганган. Муаллиф кулги ҳосил қилувчи лингвистик воситаларга полисемантик сўзлар, пресуппозиция (яширин маъно) ҳамда оксюморон, ирония, метафора, метонимия, шахслантириш стилистик воситалари, фразеологик бирликлар, инсонларга хос хусусиятлар ва қариндошликни ифодаловчи сўзларни ҳайвонларга нисбатан қўллаш ва жинслараро нутқ фарқланишининг кулги ҳосил қилиш хусусиятларини тадқиқ этган[12].

---

[11] Шамсиева Б. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении. Дисс. … канд.филол.наук. – Т., 1974. – 342 с.

[12] Абдураҳмонов Ш.А. Ўзбек бадиий нутқида кулги қўзғатувчи лисоний воситалар: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 1997. – 23 б.

Ушбу тадқиқот иши ўзбек тилида кулги қўзғатувчи лисоний воситаларга бағишланганлиги билан бизнинг тадқиқот ишимизга алоқадор, чунки ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига қилинган таржималарини тадқиқ этиш жараёнида кулгининг қандай стилистик восита орқали келиб чиқиши ва таржима матнида ўша кулгини сақлаб қолиш муаммоси таржимада ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бу пресуппозиция асосида кулгининг келиб чиқиши ҳолатларида яққол намоён бўлади. Мазкур тадқиқот натижаларидан ишимизда фойдаланишни мақсад қилдик, чунки ўзбек тили матнидаги кулги инглиз тилида ҳам ўша восита орқали кулгили чиққан ёки чиқмаганлигини аниқлаш, агар кулги йўқолган бўлса қайси таржима усулларидан фойдаланиш лозимлиги тадқиқотимизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Б.Сувонқуловнинг тадқиқот ишида ўзбек халқ латифаларининг шаклланиш даври, тарихий тадрижи, жанри, сюжети, композицияси ва конфликти ҳамда нутқ шаклларига хос хусусиятлари ўрганилган. “Латифа” тушунчасининг моҳияти, луғавий ва истилоҳий маънолари изоҳланган. Муаллиф латифанинг келиб чиқиш тарихини ўрганиб, унинг тараққиёт босқичларини белгилаган, бошқа насрий жанрларга қиёслаш орқали латифанинг жанр хусусиятлари, латифаларнинг композицион таркиби, хусусан, сюжет ва унинг яхлитлигини таъминловчи элементлар тизимини аниқлаган. Шунингдек, конфликт, унинг мазмуни, функцияси ва латифа сюжети таркибида тутган ўрни белгиланиб, латифалардаги бадиий нутқ шаклларининг қўлланишидаги ўзига хос белгилар аниқланган[13].

[13] Сувонқулов Б.М. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2008. – 26 б.

Бундан ташқари, ҳажвия ва унинг таржимасига алоқадор фикрларни А.Намозов[14], С. Махсумхонов[15], Ҳ.Юсупова[16]ларнинг ишларида кўришимиз мумкин. Ҳ.Юсупова тадқиқотида ўзбек халқ оғзаки насри намуналари ҳисобланган эртаклар ва латифаларни таржима қилишда миллий колоритнинг ифодаланиш масалалари ўрганилган. Муаллиф асосан хорижий туркологлар томонидан инглиз тилига таржима қилинган эртаклар ва латифаларнинг инглиз тилидаги таржималарида миллий колоритни ифодалаш муаммоларини очиб берган. Аммо Ҳ.Юсупова латифаларни таржима қилишнинг лингвостилистик хусусиятларини ўрганмаган. Олиманинг тадқиқот ишида миллий-маданий хусусиятга эга сўзларнинг таржималари бўйича таржимонлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар очиб берилган ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар кўрсатилган.

Демак, таржимашуносликда таржиманинг лингвостилистик ва лингвокультурологик аспектлари хусусида тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган. Соҳанинг ушбу аспектлари тадқиқот ишимизга қўйилган вазифаларни амалга оширишда, яъни ҳажвий матнлар, хусусан, латифаларни таржима қилиш муаммоларини ёритиб беришда ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай миллат кулгиси ўша халқ тилининг ўзига хос тасвирий ифодавийлиги ва халқнинг миллий маданияти асосида яратилади.

---

[14] Намозов А.Н. Ҳозирги ўзбек драматургиясининг комик табиати (Саид Аҳмад ва Ўлмас Умарбеков комедиялари асосида): Филол. фан. ном ... дис. автореф. – Самарқанд, 2002. – 28 б.

[15] Махсумхонов С. Абдулла Қодирий ижодида ҳажвий характер муаммоси (кичик насрий асарлар мисолида): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2006. – 23 б.

[16] Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши(эртаклар, латифалар мисолида): Филол. фан. номз. диссертация. – Т., 2011. – 149 б.

1.2. Ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига таржималари тарихи

Хар бир халқнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини ифода этиб турувчи халқ оғзаки ижоди бўладики, унинг характери, белгиси фақат ўша халқнинг ўзигагина тегишли бўлади. Ана шундай фольклор турларидан бири латифадир.

Латифа – ўзбек фольклорининг кенг тарқалган мустақил эпик жанрларидан бири. У ҳажман кичик, мазмунан лўнда бўлади ва бир ёки икки эпизоддан ташкил топади. Ўзбек латифаларининг сюжетини ташкил этувчи эпизодлар – фош этувчи, ўткир ҳажв ёки енгил юмор, танқидий эстетик вазифани адо этади ҳамда воқеа-ҳодиса ечимида ҳал қилувчи роль ўйнайди – қаҳрамоннинг ғалабасини, айни пайтда қарши томоннинг кулги ҳолатидаги мағлубиятини таъминлайди[17]. Латифаларда халқ турмушидаги хато-камчилик, нуқсон-иллатларни йўқотиш мақсадида улар кучли ҳажвий кулги остига олинади. Бу орқали келгуси авлодни адолат, одоб-ахлоқ, умуман, ёмонликка қарши яхшилик руҳида тарбиялаш мақсад қилинади.

Ўзбек халқ латифаларида турмушдаги халққа номаъқул ҳодисалар, тартибсизликлар, инсоннинг ахлоқ ва характеридаги тажрибасизлик, муваффақиятсизликлар, хато ва камчиликлар ҳазил-мутойиба яратиш воситаси бўлса, ундаги тузатиб бўлмас иллат-нуқсон, фаразлар фош қилувчи мазах, масхара кулгисини туғдиради.

Латифаларда мавжуд муаммолардан бири қаҳрамоннинг икки қиёфада тасвирланишидадир. Унинг характеридаги асосий чизгилар ҳаммага таниш. Булар –

[17] Юсупова Ҳ.У. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида)”. Филол. фан. номз. диссертация. – Т., 2011. – Б.110.

адолатсизликка нафрат, ақллилик ва қувноқлик, адолатпешалик, камбағалларни ҳимоя қилишдан иборат чизгилар. Бироқ шу билан бир қаторда Афандини аҳмоқ, гўл, мижғов, қўрқоқ, ҳасадгўй қилиб кўрсатувчи латифалар ҳам мавжуд. Бир сиймода бу хилдаги икки характер йўналиши, юқорида қайд этилганидек, халқ турмуши муаммоларидан, ҳукмрон табақаларнинг тазйиқи ва таъқибининг қурбони бўлишдан қандай қилиб қутулиш йўлидаги изланишлари натижасида келиб чиққан[18]. Демак, ўзбек халқ латифалари миллатнинг оғзаки ижоди ҳисобланиб, ушбу кичик ҳикояларда бош қаҳрамон сифатида Хўжа Насриддин Афанди гавдалантирилади ва унинг ақллилиги, соддалиги, донишмандлиги, сўзга усталиги, уддабуронлиги, шоир ва файласуфлиги ҳамда бошқа хислатларини хаётда адолатсизликка, ёмонликка, кишилардаги турли характер жиҳатидан камчилик ва нуқсонларга қарши курашда фойдаланилади. Латифалардаги бу хусусиятлар ўзбек халқининг миллий - маданий хусусиятлари ҳисобланади.

Б.Саримсоқов ва Ф.Йўлдошевларнинг фикрига кўра, “ўзбек халқ латифаларининг қаҳрамони дастлаб бир киши, бир ҳаким, бир донишманд, бир деҳқон, бир дарвеш, бир наққош, бир табиб, бир фақир, бир камабағал, бир косиб шахслар сиймосида тасвирланган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу ҳаёлий қаҳрамон Насриддин афанди типига ўз ўрнини бўшатиб берган. Бу нарса, бир томондан, озарбайжон латифалари таъсирида юз берган бўлса, иккинчи томондан турк латифаларининг ўзбек тилига таржима қилиниши, китобат қилиниши ва халқ орасида

[18] Правилов Б. Анекдоты Омирбека и некоторыи вопросы сатирико-юмористического фольклора. Вместо послесловия – в кн. Анекдоты Омирбека. – Нукус, 1970. – С. 258-258.

тарқалиши билан изоҳланади[19]. Шундан ҳам англашимиз мумкинки, Насриддин афанди нафақат ўзбек халқи, балки бошқа туркий халқларнинг ҳам миллий комик қаҳрамони хисобланади.

Латифалар халқ орасида кенг кўламда ўз қадр-қимматига эга бўлганлиги боис, улар турли йилларда мутахассислар, адабиётшунослар, фольклоршунослар томонидан йиғилиб, тўплам кўринишида нашр этилган. Бу тўпламлар сирасига Шариф Ризонинг 1941 йили чоп этилган "Афанди латифалари", Абдулла Қаҳҳорнинг 1959 йили нашр этилган "Афанди латифалари", Собир Абдулла, Адҳам Раҳматнинг 1960 йили нашр этилган "Афанди латифалари", 1965 йили "Ўзбек халқ ижоди" туркумида чоп этилган "Латифалар", Ёқубжон Жўраевнинг 1966 йили нашр этилган "Афандининг аҳди", Ҳошимжон Раззоқов, Шотурсин Шомақсудов, Шуҳрат Шораҳмедовнинг 1970 йили нашр этилган "Латифалар" ҳамда Баҳодир Саримсоқов, Фарида Йўлдошеванинг 1990 йили чоп этилган "Афанди латифалари" тўпламлари киради. Тадқиқотда айнан Баҳодир Саримсоқов ва Фарида Йўлдошеванинг "Афанди латифалари" тўпламидан ўрин олган ўзбек халқ латифалари ва уларнинг инглиз тилига таржималари таҳлилга тортилган. Ушбу тўпламга 770 та ўзбек халқ латифаси киритилган. Муаллифлар латифаларни Афанди образига хос типиклаштиришни шартли равишда икки хил қилиб кўрсатган. Улар қуйидагилар:

1. Ижтимоий - маиший типиклаштириш. Бу хилдаги типиклаштиришда Афанди оилавий ҳаётда – хотини ва болалари даврасида, қўни - қўшинлар ва маҳалла-кўйда тасвирланади. Бундай латифаларда кишилар орасида

[19] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б. 6

учрайдиган соддалик, нўноқлик, нозиклик, калтафаҳмлик, ишёқмас ва дангасалик, уддабуронлик ва камсуқумлик, айёрлик ва нодонлик, ювошлик ва муттаҳамлик, очкўзлик ва саҳийлик каби ҳислатлар устидан кулинади. Шунга мувофиқ Афанди гоҳ ўзгаларга панд берса, гоҳ соддалиги туфайли ўзи ҳам панд ейди. Ижтимоий-маиший йўсинда типиклаштириш асосида яратилган латифаларда юмористик руҳ, самимий кулги руҳи етакчилик қилади. Ижтимоий-маиший планда типиклаштирилган Афанди образи ушбу тўпламда “Афанди оила даврасида”, “Афанди қўшнилар ва ўзгалар орасида”, “Афанди дўстлари ва улфатлари даврасида”, “Афанди ва болалар” каби махсус бўлимларга ажратиб берилган.

2.Ижтимоий-сиёсий типиклаштириш. Бундай типиклаштириш асосидаги латифаларда Афанди ҳукмдорлар, табиб, қози, имом кабилар билан муносабатда тасвирланади. Ўтмишга хос золимларнинг талон торожлари, итоат этмаганларнинг жазоланиши, илмли кишиларнинг хўрланиши, диний ақидаларнинг зарарли таъсири кабилар латифаларга хос ихчам, лўнда шаклда акс этган. Ўтмишнинг мудҳишликлари рахна солган дил дардлари, қалб садоларини очиқ айтиш фақат ўлим билан якунланган даврлар руҳини келгуси авлодларга етказишда оддий ва ихчам шаклга эга бўлган, енгил юмор ва заҳарханда оҳанг билан йўгирилган латифа жанри жуда қўл келган. Бу хилдаги латифалар “Афанди даҳрий”, “Афанди очкўз бойлар ва савдогарлар орасида”, “Афанди, риёкор табиблар ва ўғрилар”, “Афанди ҳукмдорлар билан юзма-юз” каби бўлимларда берилган. Латифаларда кундалик ҳаётда учраб турадиган нуқсонлар, эскилик қолдиқлари, порахўрлик, чайқовчилик, масъулиятсизлик каби жамиятимизга ёт бўлган иллатлар “Афанди

замондошимиз” бўлимидага латифаларда акс этган[20]. Демак, ушбу тўпламдан ўрин олган латифалар маълум бир мавзу асосида типиклаштирилган. Чунки тўпламдаги латифаларда акс этган воқеа-ҳодисалар ўрта асрларга ҳам, ҳозирги даврга ҳам тегишлидир.

Ўзбек халқ латифалари намуналари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инглиз тилига таржима қилина бошланган. Латифалар инглиз тилига бевосита ва билвосита таржима қилинган. Таржимонлар орасида ўзбек қаламкашлари ҳам, хорижлик тадқиқотчилар ҳам бор. Ўзбек латифаларининг хорижда таржима қилиниши ва ўрганилиши бу жанрнинг миллий хусусиятларини идрок этишда муҳим замин вазифасини ўтайди.

Латифаларнинг инглиз тилига қилинган таржималари хусусида Б.Шамсиеванинг номзодлик диссертациясида ҳам муносабат билдириб ўтилган. Мазкур тадқиқотда ўзбек халқ латифаларининг инглиззабон мамлакатлардаги таржималари ва уларнинг ўрганилиши тасвирий-амалий нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқилган. Б.Шамсиева илмий изланишларда, асосан, ўнга яқин латифаларни ўрганади. Жумладан, у “Е, тўним”, “Шўрвасининг шўрваси”, “Қозон ҳам ўладими”, “Чўпон” латифалари таржимаси устида тўхталар экан, фақатгина таржима таҳлилини беради ва йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида фикр юритади. Бироқ Афанди латифаларининг рус тилидаги вариантларидан фойдаланган муаллиф сарлавҳалардаги камчиликларни изоҳламай, аксинча, таржима таҳлилини беради. Б.Шамсиева ўз тадқиқот доирасига ўзбек адабиёти ва фольклорининг эстетик баҳоланиш кирмаслигини таъкидлайди[21].

---

[20] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б. 6-7.

[21] Шамсиева Б. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении. Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1994 – С.174

Ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига таржималарини И.Шоҳ, Мерилин Петерсон, Руслан Ҳакимов тўпламларида учратиш мумкин. 1974 йил Лондонда Идрис Шоҳнинг “The Exploits of Incomparable Mulla Nasriddin”[22] тўплами нашрдан чиқади. Унда Насриддин афанди ҳақидаги 111 та латифанинг инглиз тилига ўгирилган таржималари берилган ва шулардан 38 таси ўзбек халқ латифалари эканлиги аниқланган.

2000 йили АҚШда чоп этилган “Treasury of Uzbek Legends and Lore”[23] номли китоб ўзбек халқ эртаклари, ривоятлари, урф-одат ва латифалари таржимасидан иборат тўплам ҳисобланади. Мазкур тўплам Мерилин Петерсон томонидан тўпланиб, инглиз тилига бевосита таржима қилинган. Ушбу тўпламда 30 та ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига таржималари ўрин олган. Латифалар бўлими сарлавҳаси “Tales of Nasriddin Afandi” деб аталиб, таржимон бунда фольклорнинг икки жанри – эртак ва латифанинг ўқувчи тушунчасида аралашиб кетишига сабабчи бўлган[24].

Навбатдаги тўплам 2007 йил “Санъат” нашриёти томонидан чоп этилган “Khoja Nasriddin”[25] тўплами бўлиб, унга киритилган латифалар сони 52 тани ташкил этади. Таҳлил жараёнида эса улардан 22 таси ўзбек халқ латифалари эканлиги маълум бўлди. Ушбу тўпламда латифалар инглиз, рус, итальян, француз, немис ва япон тилларида берилган. Ўзбек халқ латифалари Руслан Ҳакимов томонидан инглиз тилига билвосита таржима қилинган. Унда аслият намуналари берилмаган.

---

[22] Shah I. The Exploits of Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 1974. – P.112.

[23] Peterson Marilyn. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – T.: Qatortol-Kamolot. 2000. – P.188.

[24] Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида)”. Филол. фан. номз. диссертация. – Т., 2011. – Б.117.

[25] Ҳакимов Р. Khodja Nasriddin. – Т.: Санъат. 2007. – P.132.

Шунингдек, таржима вариантида сарлавҳалар келтирилмаган. Асар сарлавҳасида баъзида қисман, баъзида тўлиқ ҳолда латифа маъносининг ифодаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, латифалардаги кулгили ҳолатлар баъзида сарлавҳаларда ҳам ифодаланади. Шу сабабли олти тилга таржима қилинган бу тўпламда сарлавҳалар таржимаси ҳам берилганида таржима анчагина бойиган бўларди.

Таржимонлар Идрис Шоҳ, Мерилин Петерсон ва Руслан Ҳакимовлар Хўжа Насриддиннинг теран ақли, ўткир зеҳни, донишмандлиги ва ҳозиржавоблигини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишган. Афандининг ўзига хос бу фазилатлари уни оддий халқнинг севимли ва оммавий қаҳрамонига айлантиради.

Ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига қилинган таржималари орасида локал қўринишдаги латифаларнинг таржималари ҳам мавжуд. О.Сафаров тўплаган бундай латифалардан 170 га яқини 1994 йил нашрдан чиққан “Ширинқишлоқ латифалари” тўпламида берилган бўлиб, улардан 27 таси Мэрилин Петерсон томонидан инглиз тилига ўгирилган. Булар “Treasury of Uzbek Legends and Lore” тўпламининг “The Anecdote” бобида берилган. Латифалар қаҳрамони Ширини. Латифаларнинг аксариятида Ширини содда ва калтафаҳм характердаги инсон қиёфасида намоён бўлади. Баъзи ҳолларда у ўзининг соддалигини яшириш ниятида муғомбирлик қилиб кулги чиқарса, бошқа ҳолларда муғомбирлик қиламан, деб ўз соддалигидан кулги остида қолади.

Белинскийнинг фикрига кўра, бадиий асарларни таржима қилишнинг битта қоидаси бор: бу – таржима қилинаётган асарнинг руҳини беришдир. Бунинг учун агар муаллиф рус бўлганида у ҳам асарни рус тилида ҳудди шундай ёзган бўлар эди, дейдиган даражада аниқ таржима

қилиш керак[26]. Сўз бораётган ушбу манбада эса бу талаб ҳали тўплам номини инглиз тилига нотўғри бериш биланоқ бузила бошлаган: “Ширинқишлоқ латифалари” инглиз тилига “Tales from the Shirini Villages” тарзида таржима қилинган. “Tales” сўзи ўзбек тилига “эртак” деб ўгирилади. Эртак мазмунан бир неча эпизодли ҳикоя бўлиб, латифадан анча фарқ қилади. Латифалар қисқа ва лўнда кўринишга эга жанр бўлиб, ҳаётдаги кулгили воқеаларга асосланади. Ўзбек тилидаги “латифа” сўзи эса инглиз тилидаги “anecdote” сўзига мос тушади. Шунинг учун бу сўзни инглиз тилига айнан шу сўз билан бериш маъқул бўлса-да, аслида улар орасида маълум фарқлар ҳам бор. Инглиззабон халқлар анекдотлари, одатда, ўзбекларнинг латифаларига қараганда шаклан жуда иҳчам. Фақат уларнинг лексиконида тагмаъно, тагматн камроқ кузатилади. Инглиз халқи орасидаги кулги оддий кундалик ҳолатлардан, ҳар кунги юмушлардан келиб чиқади. Аччиқ тажрибалар асосида келиб чиқадиган кулги уларнинг анекдотларида камдан-кам ҳолларда акс этади. Мазкур сарлавҳадаги таржиманинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, “Shirini Villages” сўзи бўлиб, у “Ширини қишлоқлари” деган маънони беради. Тўплам номидаги Ширинқишлоқ эса географик ҳудуд, жой номини англатади. Қолаверса, географик жой номлари таржима қилинмайди, лекин жоиз топилса, уларга изоҳ бериб ўтилади. Шундай экан, тўплам номини “Anecdotes from Shirinqishloq” тарзида инглизчага ўгириш мақсадга мувофиқ бўларди[27]. Биз ҳам Ҳ.Юсупованинг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда латифалар тўплами номи “Anecdotes from Shirinqishloq” деб таржима қилинганда

[26] Русские писатели о языке. – Ленинград, 1995. – С.192.

[27] Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида)”. Филол. фан. номз. диссертация. – Т., 2011. – Б.117.

мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз. Чунки тадқиқотда латифа “anecdote” сўзига эквивалент бўла олиши ҳақида фикр юритилган. Лекин фикримизча, тўпламнинг номи инглиз тилида “Anecdotes from Shirinqishloq” эмас, “Anecdotes of Shirinqishloq” деб таржима қилинса, тўғри бўларди.

Демак, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ўзбек халқ латифалари инглиз тилига асосан XX аср охири ва XXI аср бошларида таржимон ва фольклоршунос олимлар Идрис Шоҳ, Мэрилин Петерсон ва Руслан Ҳакимов томонидан таржима қилинган. Тадқиқот жараёнида асосан Идрис Шоҳнинг “The Exploits of Incomparable Mulla Nasriddin” тўпламидан ўрин олган 38 та, Мэрилин Петерсоннинг “Treasury of Uzbek Legends and Lore” тўпламидаги 30 та, “Khoja Nasriddin” тўпламига киритилган 22 та латифалар ҳамда Б.Саримсоқов, Ф.Йўлдошеванинг “Афанди латифалари” тўпламидан ўрин олган 770 та аслият намунаси кўриб чиқилди. Инглиз тилига ўгирилган латифалар аслият намуналари билан чоғиштирма аспектда таҳлил қилинди. Ўрганиш жараёнида таржимонлар ўзбек халқ латифаларини инглиз тилига таржима қилишда ўзбек тилининг тасвирий ифодавийлиги ва кулгини келтириб чиқарувчи миллий - маданий лексик бирликларни таржима қилиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келгани ва шунинг натижасида баъзи латифалардаги кулги эффекти таржима матнида ўз ифодасини топмагани маълум бўлди. Ушбу тадқиқотда латифалар таржимасининг лингвостилистик хусусиятлари, яъни латифаларда қўлланган стилистик воситаларни таржима қилиш стратегиялари ва лингвокультурологик муаммолари юзасидан фикр юрилади.

1.3. Ҳажвий матн ва таржима тушунчаларининг моҳияти

“Humour” (ҳажв) термини асли лотинча “суюқлик” маъносини англатувчи “umor” сўзидан келиб чиққан ва тиббиёт термини сифатида қўлланган[28]. Бу термин бизгача етиб келган, аммо ўзининг асл маъносини мутлоқ йўқотган. Чаиронинг таъкидлашича, ҳозирги кунда у “панадаги термин” бўлиб “комедия”, “кулги”, “кулгили” каби тушунчаларни қамраб олади[29]. Фикримизча, Чаиро таъкидлаган “кулги”, “комедия”, “кулгили” тушунчалари инсонларнинг оғзаки ва ёзма нутқидаги матнларда акс этади ва бундай матнлар ҳажвий матнлар деб аталади. Ҳажвий матнларни таржима қилиш борасида тадқиқот олиб боришда “ҳажв” тушунчасининг моҳиятини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да **ҳажв**га қуйидагича таъриф берилган: “айрим шахс ёки ижтимоий ҳаётдаги нуқсонларни кулги остига олиб, масҳаралаб айтилган (ёзилган) гап, жумла, байт, асар”[30]. Macmillan изоҳли луғатида “юморнинг бирор ҳолат ёки тадбирни кулгили қилиш сифати, кулгили айтилган ёки қилинган нарса, бирор нарсанинг кулгилигини билиш қобилияти” каби таърифларни учратиш мумкин[31]. Oxford Advanced Learner’s Dictionary луғатида эса “юмор – бирор нарсадаги уни кулгили ёки қизиқарли қилиб кўрсатадиган сифат, кулгили нарсаларга кулиш қобилияти”[32] дея изоҳ берилади. Демак, моҳиятан ҳажвнинг ўзбек ва инглиз

[28] Chairo D. Translation, Humour and Literature. – London, 2010. – P.13.
[29] Chairo D. Translation, Humour and Literature. – London, 2010. – P. 14.
[30] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.– Б. 477.
[31] Macmillan For Advanced Learners. Printed and Bound in Malaysia, in 2010. – P. 740.
[32] A.S. Hornby. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P. 761

халқлари тафаккурида ўзига хос фарқ ва ўхшашликлари мавжуд. Бу икки тилдаги ўхшашлик ҳажвнинг бош мезони бирор нарсани кулгили қилиб айтиб бериш бўлса, фарқли жиҳати эса, инглизлар учун ҳажвнинг моҳияти одатий ҳолат ёки тадбирни кулгили қилиш қобилияти ҳисобланса, ўзбеклар одатда ижтимоий ҳаётдаги нуқсонларни кулги остига олишади.

Алисон Рос ҳажв ҳақида бир неча фикрлар айтиб ўтади: “бирор шахсни кулдириш ёки табассум ҳадя этиш жараёни”, “ҳажв жамиятда тез-тез учрайдиган ҳодиса ва инсон таъсирининг жуда муҳим қисми хисобланади”, “ҳажв таъсир кучига эга, у сиёсий сатирада ҳазил орқали дўстлик ўрнатиш ва бошқа муносабатларни сақлаш йўли сифатида фойдаланилади”[33]. Демак, ҳажв ижтимоий моҳиятга эга. Ҳажв кишилик жамиятидан ташқарида пайдо бўлиши, яшаши мумкин эмас. У халқ ичида, омма орасида вужудга келади, аниқ мақсадга йўналтирилган, маълум вазифани бажаришга қаратилган бўлади. Ҳақиқий ҳажвия инсон учун, жамият учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам унинг ижтимоий моҳиятисиз, халқдаги ролисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Д.Лонг ва А.Грессерлар ҳажв “маданий кўринишдаги индивидуал когнитив ҳодиса бўлиб, маданий жиҳатларга боғлиқ бўлади, чунки ижтимоий омиллар ҳажвнинг содир бўлишида бош механизмлар ҳисобланади. Ҳажв ҳаётнинг ва бадиий таъсирчанликнинг номувофиқликларини турли кўринишлари сифатида изоҳланади. Ҳажв ҳиссиёт эмас, аммо ҳаёт фалсафаси. У инсониятнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, бирор тилнинг ажралмас компонентидир”,[34] дея таъриф беради. Ушбу олимларнинг

[33] Ross A. The language of humour. – London: Routledge, 1998. – pp. 1-8.
[34] Long. D and Graesser A. Wit and humour in discourse processing. Discourse processes: A Multidisciplinary Journal. 1988. 11(2). – pp. 35-60

ҳажвга берган таърифларига эътибор қаратган ҳолда, ҳажвий матнларни таржима қилишда аслият тилининг тасвирий ифода воситалари ва тил соҳибларининг миллий маданиятига аҳамият бериш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Қуйида ҳажвий матн турлари ва уларнинг турли луғат ва манбалардаги изоҳлари ўрганиб чиқилади.

Ҳажвий матнлар таркибига кирувчи “комедия – воқеалар, ҳаракатлар ва зиддиятлар кулги асосида тасвирланадиган саҳна асари[35] ҳисобланади. Мазкур матн “драматик асарнинг бир тури бўлиб, унда ҳаётдаги кулгили ҳодисалар тасвир этилади, ижтимоий ёки оилавий можаролар, кишилар характеридаги бемаъни, кулгили хусусиятлар масхара қилинади”[36]. “Комедия инсонларни кулдиришга мўлжалланган тадбир тури”[37] бўлиб, “одатда охири хурсандчилик билан тугайдиган, кулгига мўлжалланган асар, фильм ёки кўрсатув сифатида ҳам талқин этилади ва бирор нарсанинг кулгили кўриниши”[38] маъносини ҳам англатади.

Пародия – “адабиёт ва баъзан мусиқада, тасвирий санъатда: бирор асарга тақлидан яратилган, унинг заиф томонларига ҳажвий, киноявий ёндашилган асар; сатирик ўхшатма”[39]. Пародия “сатирик ижоднинг бир тури бўлиб, одатда, бирор ёзувчи ижоди ёки алоҳида асарнинг кулгили ёки номақбул томонларини кўрсатувчи шеърий ёхуд насрий асар”[40] ҳисобланади. Ушбу матн “ҳажвий тарзда

[35] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд .–Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.392.

[36] Ҳотамов Н, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 146.

[37] Macmillan For Advanced Learners. Printed and Bound in Malaysia, in 2010. – P.289.

[38] Hornby A.S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.299.

[39] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.226.

[40] Ҳотамов Н, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б.224.

асарларга тақлид қилиб ёзилган бадиий ёки мусиқий асар”[41] сифатида ҳам талқин қилинади. Унинг “кулгини юзага келтириш мақсадида бирор кимса ёки нарсага атайлаб тақлид қилинадиган бадиий, мусиқий асар ва ҳаракатнинг бир қисми”[42] каби изоҳларини ҳам учратиш мумкин.

Сатира – “адабиёт ва санъатда: кишидаги нуқсонлар ва ҳаётдаги камчиликлар, салбий ҳодисаларни аёвсиз танқид қилиш, фош этиш ҳамда шундай мазмунда ёзилган бадиий асар”[43] ҳисобланади. Сатирада “асар ижтимоий ҳаётнинг маълум томони ёки гуруҳ ва шахсларнинг ярамас салбий хислатларидан аччиқ кулиб ва уни танқидий тасвирлаб ёзилади”[44]. Бундан ташқари, “асар, китоб, фильм ва бошқаларда бирор кимса ёки нарсани танқид қилиш учун ҳажвдан фойдаланиш ва уларни кулгили қилиш”[45]; “бирор шахс, ғоя ёки муассасанинг хато ва камчиликларини кўрсатиш учун ҳажвдан фойдаланиб танқид қилиш усули”[46] каби тушунчаларни қамраб олади.

Юмор – “камчиликлар, айрим воқеа ва ҳодисаларни кулгили қилиб, ҳазиломуз тасвирлай билиш, уларни беғараз ҳажв қилиш ва шу йўсинда ёзилган адабий асар”[47] ҳисобланиб, “бирмунча енгил танқидга асосланган кулгили асар”[48]; “бирор ҳолат ёки тадбирни кулгили

---

[41] Macmillan For Advanced Learners. Printed and Bound in Malaysia, in 2010. – P.1087.
[42] Hornby A.S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.1102.
[43] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.459.
[44] Ҳотамов Н, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б.273.
[45] Macmillan For Advanced Learners. Printed and Bound in Malaysia, in 2010. – P.1319.
[46] Hornby A.S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.1346.
[47] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.84.
[48] Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б.361.

қилиш сифати, кулгили айтилган ёки қилинган нарса, бирор нарсанинг кулгилигини билиш қобилияти”[49]; “бирор нарсадаги унинг кулгили ёки қизиқарли қилиб кўрсатадиган сифати, кулгили нарсаларга кулиш қобилияти”[50] каби маъноларни англатади.

Юмористик асарда ёзувчи турмушдаги ва айрим кишилардаги баъзи бир камчиликлардан кулиб, уни танқид қилади. Бунда ёзувчи танқид қилинаётган объектнинг йўқ бўлиб кетишини истамайди, унга ҳатто ачинади ва ундаги камчиликларнинг тузалишини истайди.

Сатирик асарда эса ана шу камчиликларга нисбатан аччиқ кулги намойиш этилади. Бу билан юмор сатирадан фарқ қилади. Бироқ сатирада юмор элементи бўлганидек, юморда ҳам сатира элементи мавжуддир.

Фельетон – “кундалик ҳаётда рўй берадиган салбий ҳодисаларни ёки бирор кимсани ўткир тил билан танқид қилиб, унинг устидан кулиб, долзарб мавзуда ёзилган газета ёки журнал мақоласи; публицистик жанр”[51] ва “вақтли матбуот (асосан газета)нинг мақола турларидан бири бўлиб, унда ижтимоий ҳаётдаги салбий ҳодисалар ёки айрим кишилардаги бемаъни нуқсонлар ҳажв қилинади, фелъетон шеърий, насрий шаклда, баъзан драмага хос диалог шаклида бўлади”[52].

Инглиз тили изоҳли луғатлари Macmillan ва Oxford Advanced Learner’s Dictionary (ОАЛД)да бу термин ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Шунинг учун биз ABBYY Lingvo x3 электрон - техник луғатига мурожаат қилдик. Ушбу луғатда фельетонга газета ёки журналнинг

[49] Macmillan For Advanced Learners. Printed and Bound in Malaysia, in 2010. – P.740.
[50] Hornby A.S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford: Oxford University Press. – P.761.
[51] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.338.
[52] Ҳотамов Н, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б.326.

тўқима, танқид ёки ҳазиломуз адабиёт қисмига бағишланган бир қисми деб изоҳ берилган.

Эпиграмма – “кичик ҳажмли, ўткир (аччиқ) ҳажвий шеър”[53]; “сатирик поэзия турларидан бири бўлиб, бирор кишини ҳажв қилган кичикроқ шеър”[54]; “қисқа ва донолик ёки ҳазил йўли билан бирор ғоя ёки ҳис-туйғуни ифодалайдиган қисқа шеър ёки гап”[55]; “ҳажв ёки донолик йўли билан бирор ғояни ифодалайдиган қисқа шеър ёки жумла”[56] кабиларни англатади.

Юмореска – “ижтимоий ҳаётдаги ёки айрим шахслардаги баъзи камчиликларни, киши характеридаги айрим кулгили хусусиятларни дарғазаб бўлмай кулиш билан тасвирланган кичик ҳикоя ёки шеър”[57] ҳисобланади. Ҳазил-мутойиба – “ўткир сўзлик, ҳозиржавоблик билан яратилган кулгили асар. У сатира ва юмордан ҳазиломузлиги, беғаразлиги билан фарқ қилади. Бир-бирига яқин бўлган кишилар, дўстлар ўзаро ҳазил-мутойиба қилишади. Ҳазил-мутойиба ҳалқ орасида кенг тарқалган аския ва чандишга яқин туради”[58]. Демак, ҳажвий матнларнинг юқорида таъкидлаб ўтилган турлари асосан бирор шахс ёки гуруҳнинг инсонларда турли лингвистик бирликлардан фойдаланиб, кулги уйғотиш мақсадида ёзилган матнлар сирасига киради.

Латифалар тадқиқотимиз объекти бўлганлиги учун ҳажвий матннинг бу турига кенгроқ тўхталиб ўтамиз.

---

[53] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.43.

[54] Ҳотамов Н, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 352.

[55] Macmillan For Advanced Learners. Printed and Bound in Malaysia, in 2010. – P.494.

[56] Hornby A.S. “Oxford Advanced Learner’s Dictionary”. – Oxford.Oxford University Press, – P.512.

[57] Ҳотамов Н, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи. 1979. – Б.361.

[58] Ҳотамов Н, Саримсоқов Б.Ўша асар. – Б. 56.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғат”ида **латифа** (а.– назокат, нозиклик; оқилона сўз; анекдот) кулгили воқеа-ҳодиса ҳақидаги кичик ҳикоя[59] деб изоҳланган. Латифа термини ўрнида баъзида анекдот термини ишлатилганлиги учун баъзи манбалардаги анекдот терминининг маъноларига ҳам эътибор қаратдик.

Хусусан, “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да анекдотга қуйидагича таъриф берилган: (гр. Anekdotos – босиб чиқарилган) – ғалати воқеа, кулгили ҳодиса тўғрисида мароқли ҳикоя. Кулгили тасодифларга асосланиб тузилган ҳикоя ёки бирор асардаги айрим эпизод ҳам анекдот ёки анекдот ҳикояси дейилади. А.Қаҳҳорнинг “Майиз емаган хотин”, Ғафур Ғуломнинг “Ҳийлаи шаръий” ҳикоялари, С.Айнийнинг “Эсдаликлар”идаги бир қатор эпизодлар (IV қисмда тасвирланган Хожи Мавсумнинг миршабни алдаши, подшо ўғлининг ҳунар ўрганиши ва бошқа эпизодлар) бунга мисол бўла олади. Бу ҳикоя ва эпизодлар Афанди латифаларини эслатади. Зотан, анекдот Шарқ халқлари адабиётидаги латифалар, аниқроғи, Афанди латифаларига ўхшаш асарлардир[60]. “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да **латифа**га қуйидагича таъриф берилган: Латифа (ар.-гўзал, ёқимли сўзидан; кўплиги латоиф-латифалар, гўзал сўз ва ҳикоялар) - халқнинг нозик фаҳмлилик билан айтилган кулгили кичик ҳикоясидир. Латифа баъзан нодира, зарифа ва ажиба деб ҳам юритилган[61].

Латифа халқ оғзаки ижодининг энг оммабоп жанрларидан биридир. Латифаларда кўпинча подшолар,

---

[59] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.488.

[60]Ҳотамов Н, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 158.

[61] Ҳотамов Н, Саримсоқов Б. Ўша асар. – Б.270.

амир-амалдорлар, бойлар ва дин-шариат пешволари устидан кулиб, уларнинг золимлиги, инсофсизлиги ва маънавий қашшоқлиги фош этилади.

Аксариат халқ латифаларининг қаҳрамони Афанди (Насриддин Афанди) бўлиб, у ўзининг донолиги, ҳозиржавоблиги, тадбиркорлиги, сўзамоллиги билан халқ душманларини шармандаю шармисор қилиб, уларни енгади. Латифа, кўпинча кўчма маънода қўлланиб, афанди деб ҳам юритилади.

Латифа хақида баъзи олимларимиз мулоҳазаларига назар ташлайлик. Бу ерда Б.Сувонқуловнинг тадқиқот ишида келтирилган Н.Османовнинг фикрига эътиборингизни қаратамиз: “Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида “анекдот” сўзи, албатта, қўлланилмаган ва бу ерда айтилаётган ҳикоялар эса хар хил, кўпинча арабча номларга эга бўлишган. Энг кўп расм бўлгани латифа (кўп. латойиф) – ҳазил, аския; зарифа (кўп. заройиф) - нозик фикрли ҳикоя; нодира (кўп**.** наводир ва ажиба (кўп. ажойиб) – ноёб, машҳур, ғалати нарса. Сатира ва пасквил ҳажв термини билан аталган, бироқ у кўпинча назмий асарларга нисбатан қўлланилган. Бу терминлар қайси маънода турли туркумдаги анекдотларнинг хар хил хусусиятларини акс эттиришади, лекин уларнинг қўлланилганлиги ва қўлланилаётганлиги мунтазам мантиқли эмас. Қизиқарлиси шуки, саналган терминларнинг иккитаси – нодира ва ажиба – маъно жиҳатидан анекдот термини билан ўхшаш”[62]. Ушбу нуқтаи назардан биз анекдот терминини латифа терминининг инглизча эквиваленти қилиб олишимиз мумкин. Чунки анекдотда ҳам, латифада ҳам қизиқарли воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилиб айтиб бериш кўзда тутилади.

[62] Сувонқулов Б.М. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари. Филол.фан.ном....дисс.автореф. –Т., 2008. –Б.13.

Инглиз тилидаги адабиётлар, луғатларга мурожаат этадиган бўлсак, Macmillan Dictionary for Advanced Learners луғатида “анекдот (латифа)га – ўзида содир бўлган бирор қизиқарли ёки кулгили нарса ҳақида инсонларга айтиб бериладиган ҳикоя”,[63] деб таъриф берилади. Бундан шундай хулосага келишимиз мумкинки, инглиз халқи қарашларига кўра, анекдотни инглизлар инсон ўзи бошидан ўтказган қизиқарли, кулгили воқеани кимгадир айтиб бериш деб тушунилади. Oxford Advanced Learner’s Dictionary луғатида эса анекдот ҳақида қуйидаги таърифни кўриш мумкин: “Anecdote – реал шахс ёки воқеа ҳақида қисқа, қизиқарли ва кулгили ҳикоя”[64]. Бу луғатдаги таърифга эътибор қаратадиган бўлсак, инглиз тилининг хар иккала изоҳли луғатларда деярли бир хил таъриф берилган.

М.Ҳ.Абрамс латифани қисқа ҳикоялар сирасига киритиб, унга қуйидагича изоҳ берган: “Латифа – халқ оғзаки ижодининг бошқа бир тури бўлиб, ҳазиллар тўпланмаси ҳисобланади. Кулгили (баъзида уятли) латифа барча ҳазилларнинг энг кенг тарқалгани ва ўзгармайдиган тури, яъни янги ҳазиллар ёки эски ҳазилларнинг янгича кўринишлари, ҳамда қаерда бўлса ҳам замоннинг ижтимоий жиҳатдан ўзгаришининг барқарор бўлишини таъминлайди, одамларга яхши кайфият бахш этади”[65].

Демак, юқорида келтирилган манбалардан келиб чиқиб, латифага қуйидагича ишчи таъриф берилди: латифа – инсон ҳаётида содир бўладиган қизиқарли воқеаларга асосланган кичик ҳикоя бўлиб, у хар бир халқ тилининг ўзига хос тасвирий ифодалари ҳамда миллий маданиятини акс

[63] Macmillan For Advanced Learners. Printed and Bound in Malaysia, in 2010. – P.50.
[64] Hornby A.S. “Oxford Advanced Learner’s Dictionary”. – Oxford: Oxford University Press. – P.50.
[65] Abrams M.H. A Glossary of Literary terms. The seventh edition. Cornell University. Printed in the USA. 1999. – P.101.

эттирувчи лексик бирликлар ёрдамида яратилади ва инсонларга кулги ҳадя этиш учун қўлланади. Одатда латифалар халқ оғзаки ижодиёти намуналари ҳисобланиб, инсонлар улардан келгуси авлодни эзгулик руҳида тарбиялаш мақсадида фойдаланади. Латифаларнинг муаллифи маълум бир шахс ҳисобланмайди.

Латифаларни таржима қилиш учун таржима тушунчасининг моҳиятига ҳам тўхталиб ўтишимиз керак. Азал-азалдан дунё халқларининг бир-бирлари билан мулоқот қилишида маълум даражада муаммолар келиб чиққан. Бунга кўп миллат ва элатларнинг бир-бири учун тушунарсиз тилларда мулоқот қилиши сабаб бўлган. Мана шундай мулоқотдаги қийинчиликларни бартараф этувчи омил – таржима ва уни амалга оширувчи восита – таржимон ҳисобланади. Шунинг учун таржимани икки тил, таржимонни икки миллат ўртасидаги воситачи деб тушунишимиз мумкин. Таржима ҳақида кўплаб ўзбек ва чет эл олимлари ҳам ўз фикрларини билдириб ўтишган.

Хусусан, Ғ. Саломов “таржиманинг бош хоссаси унинг бошқа тил воситалари билан қайта яратишдан иборат ижодий жараён, сўз санъати эканлигини”[66] таъкидлаб ўтган. Бу фикрни мулоҳаза этган ҳолда таржимага сўз санъати, деб таъриф берсак тўғри бўлади. Чунки, ўзга тилда ёки ўзга тилдаги маълумотни ўз тилида қайта баён этиш сўз санъати билан боғлиқ ҳодисадир. Таржима – бадиий ва луғат фаолиятининг ўзига хос тури. Таржима бадиий, илмий ижод каби тил, тафаккур ва фантазия билан иш кўради[67]. Қ. Мусаевнинг фикрига кўра, “инсоният фаолиятининг мураккаб шакли бўлмиш таржима – бир тилда яратилган нутқий ифодани (матнни),

[66] Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – Б.93.
[67] Ғафуров И, Мўминов О, Қамбаров Н. Таржима назарияси. –Т.: Тафаккур бўстони, 2012. – Б.7.

унинг шакли ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратишдан иборат ижодий жараёндир”[68]. Дарҳақиқат, таржима – ижод маҳсулидир. Бир тилдаги ижод маҳсулини ўзга тилда яратиш ижодкорнинг ижод маҳсули ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда Қ.Мусаев фикрига қўшиламиз. И.Ғафуров эса “сўзловчи нутқи, муаллифнинг асари, турли ҳужжатлар ва маълумотларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириш ёки ўтказиш, бошқа тилга уларни тушунарли қилиш таржима деб аталади”,[69] деб таъкидлайди. Бу ерда И.Ғафуров ва Қ. Мусаевнинг таржима борасидаги фикрларини умумлаштирган ҳолда таржима ёзма шаклдаги ва оғзаки нутқдаги матнни бир тилдан иккинчи тилга унинг семантик, лингвокультурологик, прагматик ҳамда лингвостилистик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўгириш, дея таъриф беришимиз мумкин.

А. Рожонинг фикрига кўра, “икки тил ўртасидаги таржима жараёни таржимон томонидан бирор аслият тилидаги ёзма матнни таржима тилидаги ёзма матнга, бирор аслият тилидаги оғзаки матнни бошқа таржима тилидаги оғзаки матнга ўзгартиришдир”[70]. П.Ньюмаркнинг талқинига кўра “камдан-кам ҳолатларда, таржима - бирор матн маъносини бошқа тилга муаллиф назарда тутган йўл билан ўгиришдир”[71]. Бу билан П.Ньюмарк таржима жараёнида муаллиф аслият муҳитини таржима тилига олиб ўтишда муаллиф эътироф этган фикрлардан ташқари ўз фикрларини ҳам қўллаши мумкин эканлигига эътибор қаратмоқда. Чунки, бир миллатнинг фақат ўзигагина хос бўлган тушунчаларни ўзга тилда

[68] Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т: Фан, 2005. – Б.8.
[69] Ғафуров И. Таржимон мутахассислигига кириш. – Т.: Меҳридарё, 2008. –Б.5.
[70] Rojo A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. – Peter Lang, 2009. – P.25
[71] Newmark P. A Textbook of Translation. – London : Prentice Hall, 1988/1995. – P.5.

яратишда таржимон таржима тили вакилларида мавжуд бўлмаган тушунчаларни турли изоҳлар билан ҳам билдириб ўтиши мумкин.

М.Снел-Хорнби эса, таржимага “бир тилда ифодаланган нарсани ўгириш ёки ўша тилнинг белгиларини жойлаштириш жараёни ёхуд ҳаракати”[72] деб таъриф беради. Ж.Катфорднинг фикрича эса “таржима бир тилдаги матн материалини бошқа тилдаги матн материалининг эквиваленти билан алмаштиришдир”[73]. Р.Беллнинг таъкидлашича “таржима аслият тилида ифодаланган нарсанинг семантик ва стилистик эквивалентлигини сақлаган ҳолда таржима тилида ифодалашдир”[74]. Е.Найда ва С.Табер “таржима манба тилидаги маълумотни, биринчидан, маъно терминлари, иккинчидан, услуб терминлари жиҳатидан энг яқин эквивалентини таржима тилида қайта яратишдан иборат,”[75] жараён деб ҳисоблайди. Демак, таржима жараёнида биз аслият ва таржима тилларининг синтактик, семантик, стилистик, прагматик ва лингвокультурологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тилларнинг эквивалентлигига эътибор қаратишимиз керак бўлади. Таржиманинг мана шундай хусусиятларини Г.Нортоннинг таржимага берган таърифида ҳам кўришимиз мумкин. Унинг таъкидлашича, “таржима аслият тили матнини таржима тили матнидаги энг яхши эквиваленти билан алмаштиришга мўлжалланган ўгириш жараёнидир ва бунда таржима тили синтаксиси, семантикаси,

[72] Snell-Hornby M. Translation Studies: An Integrated Approach. – Amsterdam / Philadeliphia: John Benjamins Publishing Company, 1988/1995. – P.39.
[73] Catford J. A Linguistic Theory of Translation. – London: OUP, 1965. – P.20.
[74] Bell R. Translation and Translating. – London and New York: Longman, 1991. – P.5.
[75] Nida E. and Taber C. The Theory and Practice of Translation. United Bible Society, 1969. – P.12.

прагматикасини тушуниш ва жараённи таҳлил қилиш талаб қилинади”[76].

Олимларнинг таржимага берган тавсиф ва таърифларга ёндашган ҳолда таржимани қуйидагича изоҳлаш мумкин: таржима аслият матнидаги оғзаки ёки ёзма шаклдаги ҳар қандай сўз, гап, матн ва ҳоказоларни, аслият ва таржима тилларининг лингвистик: синтактик, семантик, стилистик хусусиятлари ҳамда экстралингвистик: лингвокультурологик, прагматик ва когнитив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таржима тилига олиб ўтиш жараёнидир.

Демак, таржима икки тилнинг ўзаро лингвистик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган ижодий жараён ҳисобланса-да, инсонлар томонидан яратиладиган оғзаки нутқдаги ёки ёзма шаклдаги матнлар, жумладан, ҳажвий матнларда бирор тилнинг ўзига хос лингвистик хусусиятларидан ташқари экстралингвистик хусусиятлар ҳам акс этади.

1.4. Ҳажвий матн таржимаси методлари ва трансформациялари

Таржима методи ҳақида фикр юритишдан олдин “метод” сўзининг моҳиятига эътибор қаратамиз. OALD (Oxford Advanced Learner’s Dictionary) луғатида “метод” тушунчасининг “бирор нарсани амалга оширишнинг маълум бир йўли, пухта режалаштириш ва ташкиллаштириш” деган маъноси берилган[77]. Демак, таржима методини аслият матнини таржима матнига ўгиришда бирор усулни танлаш ва ундан таржима

[76] Norton G.P. Some remarks on translation and translators. – Oxford: Oxford University Press. 1984. – P.3.
[77] Hornby A.S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford: Oxford University Press. – P.963.

жараёнида фойдаланиш сифатида талқин қилишимиз мумкин.

Таржима методи таржима жараёнида матннинг услуб жиҳатидан турига ва таржимоннинг мақсадига қўра танланадиган усул саналади. Таржимашунослик тарихида “таржима методи” термини дастлаб Марк Тулий Цицерон (м. авв. 106-43) томонидан қўлланган. Цицерон илк бора сўзма-сўз ва маъновий таржима методларидан фойдаланган[78]. Назаримизда, Цицерон таржима жараёнида аслият матнини бошидан – охиригача сўзма-сўз ёки маъновий таржима методидан фойдаланиб таржима матнига ўгирган.

Н.Н.Нелюбиннинг луғатида “таржима методи таржима усулидан фарқ қилади ва кенг омма томонидан қабул қилинган қонуниятларга асосланмайди, бироқ таржима тури ва усулларини ҳисобга олиб, таржимон томонидан бирор мақсадга йўналтирилган ўзаро бир-бирига алоқадор усуллар тизимини амалга ошириш жараёни”,[79] дея таърифланади. Н.Нелюбиннинг фикрига қўшилган ҳолда, таржима методи ва усули бир -биридан фарқ қилиб, метод бутун матн учун танланади, усул эса матндаги фразеологик бирликлар, маданий сўзлар, афоризмлар, қўшма сўзлар каби кичик лексик бирликларни ўгириш учун танланади, деган фикрни илгари сурмоқчимиз. Бу талқинни П.Ньюмарк “таржима методлари бутун матнга боғлиқ бўлади, таржима усуллари эса матндаги гаплар ва тилнинг кичикроқ бирликлари учун фойдаланилади,”[80] деган фикрида ҳам кўришимиз мумкин. Демак, таржима методлари таржима жараёнидан олдинги вазиятда қўлланади ва қуйидаги мақсадларда

[78] Гарбовский Н. Теория перевода:Учебник. – М.: Изд-во Московский университета, 2004. – С. 65.
[79] Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Наука, 2003. – С.110.
[80] Newmark, P. Approaches to Translation. Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. – P. 81

фойдаланилади: аслият матнини ўрганиб, уни кимлар учун мўлжалланганлиги, матннинг услуб жиҳатдан турини аниқлаш, яъни агар матн техника соҳасига оид терминлар асосида тузилган бўлса, сўзма-сўз таржима методидан фойдаланиш, агар матн бадиий услубга тегишли бўлса, семантик, эркин, ижодий таржима методларидан фойдаланиш кабилар.

Милдред Ларсоннинг фикрига кўра, "таржима методи икки турга бўлинади. Биринчиси – шаклга асосланган ёки сўзма-сўз таржима методи. Иккинчиси – маънога асосланган ёки идиоматик таржима методи. Сўзма-сўз таржима деганда, у таржимада аслият тили шаклини ўзгартирмасликни назарда тутади. Идиоматик таржимада аслият тили ёзувчиси назарда тутган маънони таржима тилига олиб ўтиш мақсад қилинади"[81]. Фикримизча, идиоматик таржима кўпроқ бадиий матн таржимасига алоқадор ҳисобланади. Чунки, бадиий матнда тилнинг ўзига хос тасвирий ифода воситаларидан кенг фойдаланилади. Бу ҳолатда таржимон бадиий матннинг маъносини олиб ўтишга уринади.

Таржима методларидан фойдаланиш таржимон эҳтиёжига боғлиқ. У қайси методдан фойдаланишидан қатъи назар, таржимадаги асосий эътибор аслият тилидаги маълумотни таржима тилига аъло даражада олиб ўтишдир. П.Ньюмарк қуйидаги таржима методларини таклиф қилган: сўзма-сўз таржима, гапларни бирма-бир таржима қилиш, аслиятга содиқ ҳолда таржима қилиш, семантик таржима, мослаштириш, эркин таржима, идиоматик таржима, коммуникатив таржима, маиший-ҳизмат таржимаси, насрий таржима, ахборот таржимаси, когнитив

[81] Mildred L. Meaning – based translation: A guide to cross-language equivalence. – Lanham: University press of America, 1984. – P.15.

таржима, академик таржима.[82] Ушбу методлар аслият матнига ва таржима матнига яқин методлар гуруҳига ҳам бўлинади. Аслият тилига яқин методларга сўзма-сўз таржима, гапларни бирма-бир таржима қилиш, аслиятга содиқ ҳолда таржима қилиш ва семантик таржима методлари кирса, таржима тилига яқин методлар деганда эркин, мослаштириш, идиоматик ва коммуникатив таржима методлари назарда тутилади.

П.Ньюмарк энг самарали таржима методлар коммуникатив ва семантик таржима методлари эканлигини таъкидлайди[83]. Демак, П.Ньюмарк ва М.Ларсонлар мукаммал таржима яратишда катта аҳамият касб этадиган энг асосий методларни танлаш муҳим деб таъкидлашади.

Шундай қилиб, инглиз тилида “translation method” термини ўзбек тилида “таржима методи” деб талқин қилинади. Таржима методлари таржимоннинг ўз мақсадига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Қ. Мусаев П.Ньюмарк, М.Ларсонлар таклиф этган таржима методлари терминига нисбатан таржима турлари терминини қўллайди. Олим таржиманинг тўққиз турини, яъни ижодий, сўзма-сўз, эркин, образлаштирилган (идиоматик), мослаштириш, муаллифлаштирилган, табдил, академик ва воситали тилдан таржима турларини келтириб ўтган[84]. Фикримизча, Қ.Мусаев таклиф қилган таржима турлари ёзма матннинг таржима турлари сифатида қаралган.

Демак, таржима методлари вазифасига кўра икки турга бўлинади: аслият матнига нисбатан ва таржима матнига нисбатан қўлланувчи методлар. Аслият матнига

---

[82] Newmark P. Approaches to Translation. Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. – pp. 45-47.
[83] Newmark, P. About Translation: Multilingual Matters. – Clevedon, Philadelphia, Adelaide: Multilingual Matters Ltd, 1991. – P.26
[84] Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – Б.21-28.

нисбатан қўлланувчи методларга қуйидагилар киради: 1. Сўзма-сўз таржима (word for word translation) методида аслият тилининг сўз тартиби сақлаб қолинади ва сўзлар контекст нуқтаи назаридан бирма-бир таржима қилинади. Лисоний воситалар луғавий маънолари асосида ўгирилади. Бу усул кўпроқ қардош тилларга таржималарда самарали хисобланади. 2. Гапларни бирма-бир таржима қилиш (literal translation) методида аслият тили грамматик структураси унинг таржима тилидаги энг яқин эквиваленти билан алмаштирилади, аммо лексик бирликлар контекст нуқтаи назаридан бирма-бир таржима қилинади. 3. Аслиятга содиқ ҳолда таржима (faithful translation) методида таржима тили грамматик структураларини чеклаш орқали аслиятнинг контекстуал маъносини тушунарли яратишга ҳаракат қилинади. 4. Семантик таржима (semantic translation) эса “аслиятга содиқ ҳолда таржима” методи туридан фақатгина аслият матнининг эстетик қийматини имкон қадар кўпроқ ҳисобга олиши билан фарқ қилади, яъни маъно асосий аҳамият касб этади. 5. Коммуникатив таржима (communicative translation) методида аслиятнинг аниқ матний маъноси таржима қилиниб, бу усулда таржима мазмуни ва тили ўқувчига тушунарли бўлади. 6. Насрий таржима (plain prose translation) шеърлар ва шеърий асарларни насрий таржима қилишда қўлланади. Одатда шеърий тўртликлар параграфларга айланади, шеърий пунктуация таништирилади, аслият метафоралари ва маданий бирликлари сақлаб қолинади, оҳанг таъсири қайта яратилади. Ўқувчи эквивалент таъсирни ҳис қилмасдан матн маъносини ўқий олади. Насрий таржималар аксариат ҳолларда вариантлари билан параллел равишда нашр қилинади. Сўзлар бирма-бир таққосланади. 7. Академик таржима (academic

translation) методи орқали таржима илмий тадқиқ қилиш мақсадида амалга оширилади. 8. Фонемик таржима (phonemic translation)да аслият тилини таржима тилида айнан аслиятдагидек қайта яратишга мўлжалланади. 9. Метрик таржима (metrical translation) ҳар бир қатордаги бўғинга тушган урғуни таржима тилида қайта яратиш методи бўлиб, аслият тилидаги шеърий қаторларда кучли ёки кучсиз урғуни қўйиб шеърий вазн яратиш ҳолати таржима тилида ҳам акс этади. 10. Қофияланган таржима (rhymed translation) методида аслият тилидаги вазн ва қофия таржима тилида ҳам яратилади. Таржима жараёнида мазкур методлар қўлланганда аслият матнининг асосий маъноси, тилнинг ўзига хос қонуниятлари таржиманинг бош мезонлари хисобланади.

Таржима матнига нисбатан эса қуйидаги методлар қўлланади: 1. Мослаштириш (adaptation) методи таржиманинг энг эркин тури бўлиб, асосан комедия жанридаги асарларда ва шеъриятда фойдаланилади. Таржимон аслиятни имкон қадар таржима тили соҳибларига яқинлаштиришни мақсад қилиб, аслиятга ўта эркин муносабатда бўлади. Одатда, асар мавзуси, қаҳрамонлари, сюжети сақлаб қолинади, аслият тили маданияти таржима тили маданияти билан алмаштирилади ва матн қайта яратилади[85]. 2. Эркин таржима (free translation)да таржима тили матни аслият матнининг услуби, шакли ва мазмунисиз қайта яратилади. Таржимон аслиятнинг мазмунини ўз сўзлари билан содда ва қисқа ҳикоя қилиб беради. 3. Идиоматик таржима (idiomatic translation) методида аслиятнинг ахбороти қайта яратилади аммо аслиятда мавжуд бўлмаган ибора ва сўзларни танлаш орқали маънонинг кичик фарқини йўққа чиқаришга йўналтирилади. Муаллифнинг индивидуал тасвирини

[85] Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Фан, 2005. – Б.26.

юзага келтирган лисоний воситалар образли иборалар, ҳис-туйғуни ифода этадиган сўзлар, баландпарвоз бирикмалар билан алмаштириб ўгирилади. 4. Ижодий таржима (creative translation)да аслиятнинг лисоний воситалари матний маънолари ва услубий вазифалари умумхалқ тили грамматик қоидалари билан ҳамоҳангликда яратилади. 5. Муаллифлаштирилган таржима (authorized translation)да муаллифнинг розилиги билан асарга ўзгартиришлар, қўшимчалар қўшиш орқали асар таржимаси яратилади. 6. Табдил таржима (tabdil translation)да асар таржимоннинг мақсадидан келиб чиқиб, асар соддалаштирилиб, қисқартирилиб таржима тилида ҳикоя қилиб берилади[86]. 7. Восита тилдан таржима (Indirect language translation) бу – таржима матни тўғридан-тўғри эмас, балки бошқа тилга қилинган таржима орқали ўгиришдир. 8. Маиший хизмат таржимаси (Service translation) методида ҳар доим истеъмолдаги тушунча бир тилдан бошқа тилга таржима қилинади. Одатда, таржимада талаб қилинган термин унчалик кўп қўлланмайди, лекин бошқа мамлакатларда амалиёт сифатида керак бўлади. 9. Мантиқсиз таржима (Blank verse translation). Бунда таржиманинг аниқлиги ва бадиийликка эришиш муҳим жиҳат, ҳисобланмайди, балки матн структурасини танлаш бўйича таржимон олдида чекловлар мавжуд бўлади. 10. Ахборот таржимаси (information translation) методида бирор ноадабий матндаги бутун маълумот таржима тилига ўтказилади, баъзида улар кўпроқ мантиқий шаклда бўлади, баъзида таржимада асарнинг қисқача мазмуни изоҳлаб берилади. 11. Когнитив таржима (cognitive translation)да аслият тилидаги маълумот тилнинг грамматикасида акс этиб, таржима тилидаги одатдаги трансформациялар орқали тасвирийликни

[86] Мусаев Қ. Ўша асар. – Б.27.

соддалаштириб ўша тилга маълумот ўтказилади. Прагматик компонент семантик ёки коммуникатив таржимани яратишга ёрдам беради. 12. Шарҳлаш (interpretation)да эса мавзу шарҳланади ва қабул қилувчига осонроқ бўлиши учун матн қайта ёзилади. Ушбу таржима методлари таржимон томонидан танланганда таржима матнининг услуби, моҳияти, ўзига хос жиҳатлари кабилар эътиборга олинади.

Ҳажвий матнлар, хусусан, латифалар таржимасида сўзма-сўз, мослаштириш, ижодий таржима методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Қуйида ушбу методлардан фойдаланиб, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинган ҳажвий матнлар таҳлилига эътибор қаратамиз:

1. Сўзма-сўз таржима методи қўлланган ҳажвий матн:

On the telephone:

"Doctor, my child has just swallowed my ballpoint pen".

"I'll come at once".

"What can I do until you arrive, doctor?"

"Use a pencil"[87].

Ушбу ҳажвий ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинади.

Телефондаги суҳбат:

- *Доктор, менинг ўғлим ҳозир шарикли ручкамни ютиб юборди.*
- *Мен дарров етиб бораман.*
- *Сиз етиб келгунингизча, нима қилиб туришим мумкин, доктор?*
- *Қаламдан фойдаланиб туринг*. (таржима бизники – У.Й)

[87] Judith K, Ronald R, Swan D. The Book of British Humour. – Oxford: Longman Group Ltd, 1981. – P.25.

Мазкур ҳажвий матн умумбашарий ҳодисалар, вазиятлар асосида яратилганлиги, унда аслият тилининг тасвирий ифодавийлиги ва маданий бўёқдорлиги акс этмаганлиги сабабли сўзма-сўз таржима методидан фойдаланиб таржима қилинганда ҳам аслият матнидаги кулги таржима матнида акс этади.

2. Мослаштириш таржима методи қўлланган ҳажвий матн:

A man bought two tickets and went into the cinema with his friend. They took off their coats and hats and sat down. After a time, the lights were turned on and it was clear that the men's friend was a bear.

"Is this your bear?" the cinema manager asked.

"Yes".

"Why have you brought him in here?"

"Well, he enjoyed the book, so I thought he would like to see the film"[88]

Ушбу ҳажвий матн ўзбек тилига мослаштириш таржима методидан фойдаланиб ўгирилса, аслият матнидаги кулги таъсири таржима матнида ҳам тўлиқ намоён бўлади.

Бир куни Афанди иккита билет сотиб олди ва кинотеатрга ўз дўсти билан кирди. Улар чопон ва саллаларини ечиб жойларига ўтиришди. Бироз вақтдан кейин, чироқлар ёнди ва шунда Афандининг дўсти унинг эшаги эканлиги маълум бўлди.

- *Бу сизнинг эшагингизми? – сўради кинозал мудири.*
- *Ҳа. – деб жавоб берди Афанди.*
- *Сиз уни нега бу ерга олиб кирдингиз?*
- *У китобни ўқиб роҳатланганди, шунинг учун асарнинг киноси ҳам унга маъқул бўлса керак, деб ўйладим.*

[88] Judith K, Ronald R, Swan D. The Book of British Humour. – Oxford: Longman Group Ltd, 1981. – P.16.

(таржима бизники – У.Й)

Мазкур ҳажвий матн ўзбек тилига таржима қилинганда аслият матнидаги “оддий бир киши” “Афандига”, “пальто ва шляпалар” “чопон ва саллага”, “айиқ” “эшакка” ўзгартирилди. Инглиз тилидаги ҳажвий матн ўзбек тилига мослаштирилганда таржима матнида ўзбек миллий комик қаҳрамони Афандидан фойдаланиш ўқувчида кулги таъсирининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Чунки, ўзбек халқ латифаларининг бош қаҳрамони Насриддин Афанди ҳисобланади. “Пальто ва шляпалар”ни “чопон” ва “саллалар”га ўзгартиришнинг асосий сабаби ўзбек халқига мос миллийликни акс эттиришдир. Чунки, “чопон” ва “салла” ўзбек халқининг миллий кийимлари ҳисобланади ва Насриддин Афанди латифаларида ҳам бу кийимлар муҳим аҳамият касб этади. “Айиқ” инглизлар учун ақлли ҳайвон сифатида талқин қилинса, ўзбеклар учун “эшак” меҳнатсеварлик тимсоли сифатида қаралади. Лекин, ушбу ҳажвий матнда айиқ саводли ҳайвон сифатида талқин этилган бўлса, Афанди латифаларида айнан саводлилик тимсоли сифатида эшак ҳам акс этган. Бу ҳолатни “Эшак қози”, “Ҳалол эшак”, “Эшакдан қарздорман” сарлавҳаси остидаги латифаларда ҳам учратиш мумкин. Бундан ташқари, эшак ҳар доим Афандининг энг яқин ҳамроҳи бўлган.

3. Ижодий таржима методи қўлланган ҳажвий матн:

Diner: Waiter!

The waiter: Yes, sir?

Diner: What is this?

The waiter: It’s bean soup, sir.

Diner: It doesn’t matter what it’s been. What is it now?[89]

[89] Judith K, Ronald R, Swan D. The Book of British humour. – Oxford: Longman Group Ltd, 1981. – P.17.

Мазкур ҳажвий матн сўзма-сўз таржима қилинса, аслият матнидаги кулги эффекти таржима матнида акс этмайди. Чунки аслият матнида аслият тилининг ўзига хос сўз ўйини ёрдамида кулги эффекти ҳосил қилинмоқда.

Хўранда: Официант!

Официант: Ҳа, жаноб.

Хўранда: Нима бу?

Официант: Бу ловия шўрва, жаноб!

Хўранда: Унга нима бўлганлигининг менга аҳамияти йўқ. Нима ўзи бу?

Агар ушбу ҳажвий матн ижодий таржима методидан фойдаланиб таржима қилинса, қуйидаги ҳолатда бўлади ва таржимада ҳам аслиятдаги кулги хосил бўлади.

Хўранда: Официант!

Официант: Ҳа, жаноб.

Хўранда: Иккинчисига битта тандир олиб келинг!

Официант: Ака узр, ресторанда фақат истеъмол қилиш учун таомлар тайёрланади. Бу ерда тандир ясалмайди.

Хўранда: Ие, намунча ғалчасиз. Мен нон ёпиладиган тандирни эмас, балки истеъмол қилинадиган тандирни назарда тутаяпман. (таржима бизники – У.Й)

Бу ерда таржиманинг ижодий туридан фойдаланиб уни эркин тарзда ўзгартирилмоқда. Аслият матнидаги ҳажвий матн ўзгартирилмаса, таржима биз кутгандек кулгили бўлмайди. Аслиятда “bean” ва “been” сўзлари - омофонлар ёрдамида кулги яратилган. Ўзбек тилида эса, “тандир” сўзининг полисемантик маънолари ёрдамида кулги пайдо бўлмоқда.

Демак, таржимашунос олимларнинг ишларини ўрганиб ҳажвий матнларни таржима қилишда, асосан, таржиманинг мана шу уч методидан фойдаланилади, деган хулосага келдик. Ҳажвий матнларни таржима қилиш

жараёнида таржиманинг методларидан ҳам тўғри фойдаланиш таржимани аслиятга имкон даражада яқинлаштиришга ёрдам беради. Албатта, таржимон ҳажвий матнлардаги кулги таъсирини таржима тилига ҳам олиб ўтишда таржима методларидан ташқари, таржима трансформацияларига ҳам эътибор қаратиши керак. Чунки, латифаларда кулги таъсири матннинг кичик бирликлари, жумладан, иборалар, стилистик воситалар, миллий-маданий лексик бирликлар, мақол ва маталлар кабилар воситасида ҳам яратилади. Бундай лексик бирликларни таржима қилишда таржима трансформацияларидан фойдаланиш талаб этилади.

Таржимашуносликда матннинг кичик бирликларини ўгириш учун қўлланадиган методлар таржима усуллари (translation techniques, translation tools), таржима жараёнлари (translation procedures) ва таржима трансформациялари (translation transformations) терминлари билан талқин қилинади. Хусусан, Винье ва Дарбелнье, П.Ньюмарклар бу тушунчаларни таржима жараёнлари деб талқин этишса, Э.Азнаурова, Л.Бархударов, В.Комиссаров ва Н.Қамбаровлар таржима трансформациялари деб таъкидлашади. Молина ва Ҳуртардо Албир, М.Ордударилар бу тушунчаларга нисбатан таржима усуллари терминини қўллайдилар. Биз эса, Э.Азнаурова, Л.Бархударов, В.Комиссаров ва Н.Қамбаровларнинг фикрига таянган ҳолда матннинг кичик бирликларини ўгиришга мўлжалланган таржима методларига нисбатан таржима трансформациялари терминини қўлладик.

Таржима **трансформациялари**ни илк бор Винье ва Дарбелнье аниқ методологик мақсадга кўра таснифлаган[90].

[90] Vinay, J, J. Darbelnet. Stylistique comparée du français et de l'anglais. –París: Georgetown University Press, 1977. – pp. 47-51.

Улар “procédés techniques de la traduction” терминини қўллашган. Бундан кўриниб турибдики, улар томонидан “таржима жараёни (translation procedure)” термини қўлланган. Олимлар трансформацияларни уч сатҳда (лексик, морфологик ва синтактик, ахборот) қўлланадиган жараёнлар деб тавсифлашган. Уларнинг фикрига кўра, трансформациялар literal (сўзма-сўз) ва oblique (маъновий) таржима турларига бўлинади. Сўзма-сўз таржима икки тил ўртасидаги аниқ структурал, лексик ва ҳатто морфологик эквивалентлик мавжуд бўлганда қўлланади. Муаллифларнинг фикрларига кўра, бу фақатгина бир-бирига жуда яқин икки тил ўртасидаги таржимада қўлланиши мумкин. Қуйида Винье ва Дарбелнье томонидан таклиф қилинган сўзма-сўз таржима трансформацияларини келтириб ўтамиз: сўз ўзлаштириш (borrowing), калькалаш (calque), гапларни бирма-бир таржима қилиш (literal translation). Маъновий таржима трансформацияларига қуйидагиларни киритган: Транспозиция (transposition), модуляция (modulation), эквивалентлик (equivalence), мослаштириш (adaptation), компенсация (compensation), жамлаш ва қисмларга ажратиш (concentration vs. dissolution), кенгайтириш ва торайтириш (amplification vs. economy), кучайтириш ва камайтириш (reinforcement vs. condensation), эксплицит ва имплицит (explicitation vs. implicitation), умумийлаштириш ва тавсифлаш (generalization vs. particularization, инверсия (inversion).

П. Ньюмарк эса таржима методлари ва усуллари ўртасидаги фарқни тушунтириб ўтган ҳолда қуйидагиларни таржима трансформацияларига киритади: трансференция (transference), натурализация (naturalization), маданий эквивалент (cultural equivalent), тасвирий эквивалент (descriptive equivalent), компонент

таҳлил (componential analysis), синонимлик (synonymy), тўлиқ таржима (through-translation), ўзгаришлар ёки транспозициялар (shifts or transpositions), модуляция (modulation), расмий услуб таржимаси (recognized translation), ўрнини тўлдириш (compensation), перифраза (paraphrase), бирлашма (couplets), эслатмалар (notes)[91].

Э.Азнаурова раҳбарлигида бир гуруҳ муаллифлар лексик ва граммактик трансформациялар ҳақида маълумот бериб ўтган. Э.Азнаурова лексик трансформацияларга қуйидагиларни киритган: лексик алмашинувлар, антонимик таржима, компенсация, сўз қўшиш ва сўз тушириб қолдириш. Грамматик трансформацияларга эса алмаштириш, ўзгариш, сўз тушириб қолдириш ва сўз қўшишларни киритган. Ўзига хос реалияларни таржима қилиш учун транслитерация, она тилидаги морфологик алоқадорлик ёки белгилар асосида бирор предметни ифодалаш учун янги ёки қўшма сўз яратиш ва бошқа тилнинг реалиясига яқинроқ сўздан фойдаланиш каби таржима трансформацияларини киритган. Муқобилсиз фразеологик бирликлар таржимасида қўлланадиган таржима трансформацияларига сўзма-сўз таржима, аналог таржима йўли билан ўгириш ва тасвирий таржималарни киритган[92].

Л.Бархударов таржима жараёнида қўлланадиган трансформацияларни тўрт турга бўлади: 1) жойни ўзгартириш; 2) сўз алмаштириш; 3) сўз қўшиш; 4) сўзни тушириб қолдириш[93].

В.Комиссаров эса таржима трансформацияларини умумий равишда учга: лексик, грамматик ва лексик-

[91] Newmark P.Approaches to Translation. – Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. –pp. 80-91.
[92] Aznaurova E.S, Abdurakhmonova Kh.I, ... Translation theory and practice. – T.: Ўқитувчи, 1989. – pp. 9-23.
[93] Бархударов Л.С. Язык и перевод. –М.: ИМО, 1975. – С.190.

грамматик турларга бўлади[94]. Лексик трансформациялар: 1. Транскрипция ва транслитерация усули. 2. Калькалаш усули. 3. Лексик-семантик алмашинув (аниқлик киритиш, умумлаштириш, модуляция) усули. Грамматик трансформациялар: 1. Синтактик ўхшатиш (сўзма-сўз таржима) усули. 2. Жумла тузилишини ўзгартириш (жумлаларни бўлиш ёки бирлаштириш) усули. 3. Грамматик алмаштиришлар (сўз шакли, нутқ бўлаги ёки гап бўлакларини алмаштириш). Комплекс лексик-грамматик трансформациялар: 1. Антонимик таржима усули. 2. Экспликация (мазмунини очиш) усули. 3. Компенсация усули.

Н.Қамбаров таржима трансформацияларидан фойдаланиш салмоғи аслият ва таржима тилларининг бир - бирига қардош ёки қардош эмаслигига боғлиқлиги, уларни таржима муносабати билан контактга кирган икки тил (аслият ва таржима)нинг типологик, стилистик, лингвостилистик, прагматик, лингвопрагматик, лингвокультурологик, социолингвистик ҳамда лингвотекстологик хусусиятларидан келиб чиқиб танланаши борасида ўз фикрларини билдириб ўтган. Олимнинг фикрича, таржима жараёнида энг кўп қўлланадиган таржима трансформациялари: сўз тартибининг ўзгариши, сўз қўшиш, сўзни тушириб қолдириш, умумлаштириш, конкретлаштириш, калькалаш, тасвирий таржима усуллари кабилар ҳисобланади. Трансформациялар сонининг кам бўлиши тилларнинг бир-бирига яқинлигидан, трансформациялар миқдорининг кўплиги тилларнинг бир-биридан узоқ эканлигидан далолат беради[95]. Биз ҳам шу фикрга қўшиламиз, чунки

[94] Комиссаров В. Теория перевода. – М.: ИМО, 1990. – С. 172.

[95] Қамбаров Н.М. Таржима трансформациялари ва тил контактлари (назарий масалалар). Fledu.uz Ўзбекистонда хорижий тиллар электрон журнали. – Т.: 2016.

тилларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари салмоқли бўлган ҳолатларда таржима трансформациялари фаол қўлланилади. Бу нафақат тиллар ўртасидаги фарқлар, балки маданиятлар ўртасидаги фарқли жиҳатлар билан ҳам боғлиқ. Шунингдек, ҳажвий матнларда тасвирий ифодавийлик ва миллий-маданий лексик бирликларни таржима қилишда фаол қўлланадиган яна бир нечта трансформациялар ҳам аҳамиятли бўлиб, улар ҳақида кейинги ўринларда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Н.Қамбаровнинг “Таржима трансформацияларига сабаб бўладиган сўзлар хусусида” мақоласида таржима трансформацияларига сабаб бўладиган “шаффоф сўзлар” деб номланувчи бирликларни таржима қилиш муаммолари, трансформация турлари ва усуллари ҳамда уларни таржима қилиш бўйича тавсиялар берилган. Олим “шаффоф” сўзларни таржима қилишда уларнинг маъноларини аниқлаштириш, конкретлаштириш, умумлаштириш, сўз маъноларини ривожлантириш, антонимик таржима каби усуллардан фойдаланишни тавсия этади. Бундан ташқари, бундай сўзларни таржима қилиш учун таржимон барча трансформация турларидан хабардор бўлиши, муайян тажрибага эга бўлиши, ўзи таржима қилаётган матнни ҳис этиши, сўзлар валентлиги ҳақида чуқур маълумотга эга бўлиши, таржима қилинаётган сўзнинг нима учун қўлланганлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши, адекватликка эришиш йўлларини билиши кабиларни ҳам таклиф этади.

Исси Юлиасри ва Руди Ҳартанолар Молина ва Албир томонидан таклиф қилинган таржиманинг қуйидаги 18 та трансформацияларини таъкидлаб ўтишади: 1) мослаштириш (adaptation), 2) кўпайтириш (amplification), 3) сўз ўзлаштириш (borrowing), 4) калькалаш (calque), 5) компенсация (compensation), 6) тасвирлаш (description), 7)

дискурсив яратиш (discursive creation), 8) яратилган эквивалентлик (established equivalence), 9) умумлаштириш (generalization), 10) лингвистик кенгайтириш (linguistic amplification), 11) лингвистик босим (linguistic compression), 12) сўзма-сўз таржима (literal translation), 13) модуляция (modulation), 14) тавсифлаштириш (particularization), 15) қисқартириш (reduction), 16) ўрин алмаштириш (substitution), 17) транспозиция (transposition), 18) ўзгариш (variation)[96].

Таржимашуносликда **таржима жараёни** термини ҳам мавжуд бўлиб, бу таржимоннинг бевосита матнга алоқадор бўлмаган фаолиятини ҳам англатиши мумкин. Бу ҳолатни Е.Найданинг таржима трансформациясига муносабати ва унинг тавсифида ҳам кўришимиз мумкин. Е.Найда таржима жараёнларини қуйидагича тавсифлайди:

I. Техник жараёнлар: аслият ва таржима тилларини таҳлил қилиш, таржимани бошлашдан олдин аслият тили матнини батафсил ўрганиб чиқиш, семантик ва синтактик яқинликни аниқлаш.

II. Ташкилий жараёнлар: қилинган таржимани доимий қайта ўрганиб чиқиш, бошқа таржимонлар томонидан қилинган мавжуд таржималарни худди шу матн билан таққослаш, таржима матнининг тўғрилигини ва таъсирчанлигини аниқлаш учун таржима тили ўқувчиларидан сўраш орқали матннинг коммуникатив таъсирини текшириш ва уларнинг бунга муносабатини ўрганиш[97]. Демак, таржима жараёнини кўпроқ таржимадан олдин ва кейин амалга ошириладиган ишлар режаси деб ҳисоблаш мумкин.

[96] Yuliasri I, Allen P. Foreignizing and domesticating Harry: An analysis of the Indonesian translation of Harry Potter and the Sorcerer's Stone. T & I Review, 4. Seoul, Korea: EWHA Research Institute for Translation Studies, 2014.

[97] Nida E. Towards a science of translation, with special reference to principles and procedures involved in Bible translating. – Leiden: Brill, 1964. – pp. 241-247.

Ҳажвий матнларни таржима қилишда ҳам таржима трансформациялари фаол қўлланади. Чунки ҳар қандай тилда кулгини келтириб чиқарувчи бир неча лингвистик воситалар борки, таржима жараёнида айнан уларнинг таржимасига урғу қаратиш натижасида кулги эффекти таржима матнида ҳам сақлаб қолинади. Ш. Абдураҳмоновнинг фикрига кўра, “ўзбек тилида кўп маъноли сўзлар, пресуппозиция (яширин маъно) ҳамда оксюморон, ирония, метафора, метонимия, шахслантириш стилистик воситалари, фразеологик бирликлар, инсонларга хос хусусиятлар ва қариндошликни ифодаловчи сўзларни ҳайвонларга нисбатан қўллаш ва жинслараро нутқ фарқланиши кулги ҳосил қилувчи воситалар ҳисобланади”. Демак, кулгини келтириб чиқарувчи бундай лексик бирликларни таржима қилишда биз таржима трансформацияларини яхши англашимиз ва таржима жараёнида улардан самарали фойдаланишимиз керак.

Биз юқорида олимларнинг таржима трансформациялари таснифига асосланган ҳолда таржима жараёнида қўлланадиган қуйидаги таржима трансформацияларнинг умумий таснифини таклиф этамиз: 1. Сўз ўзлаштириш (borrowing). Бунда таржима жараёнида бир сўз бир тилдан бошқа тилга тўғридан-тўғри олиб ўтилади. Инглиз тилидаги bulldozer сўзи инглиз тили орқали рус тилидан ўзбек тилига кириб келган. 2. Калькалаш (calque). Хорижий тил сўзи ёки ибораси бошқа тилга таржима қилинади ва шу тил таркибига кириб кетади. Бунда аслият тилидаги лексик бирликнинг ўзига хос бўлган белгиларидан фойдаланиб таржима тилида эквивалент сўз яратиш учун сўзма-сўз таржима қилинади. М: mass media – оммавий ахборот воситалари термини калькалаш усули орқали таржима қилинган. 3. Гапларни бирма-бир таржима қилиш (literal translation). Бунда

сўзлар, гаплар сўзма-сўз таржима қилинади, грамматик структура сақлаб қолинади. М: I have talked to my friend – Мен дўстим билан суҳбатлашдим, It goes without saying – Ўз-ўзидан маълум. 4. Транспозициялар (transpositions). Бунда сўз туркумининг ўзгариши, яъни феъл отга, от предлогга ўзгариши[98]. Таржима жараёнида инглиз тилидаги феъл ўзбек тилида отга ўзгарариши мумкин. Бу жараён аслият тилидан таржима тилига грамматик ўзгаришларни ҳам ўз ичига олади. Жумладан, (1) бирлик шаклнинг кўпликка ўзгариши, (2) ўзига хос аслият тили структураси таржима тилида мавжуд бўлмаса, ўзгартириш талаб қилинади, (3) аслият тилидаги феъл таржима тилида отга ўзгаради, аслиятда кўплик шаклидаги от бирликка ўзгаради ва бошқалар. 5. Модуляция (modulation). Тушуниш нуқтаи назаридан лексик бирликнинг ўзгариши (когнитив трансформация). Грамматик категориялар ўртасидаги ўзгаришда транспозиция содир бўлади, агар когнитив категориялардаги ўзгариш бўлса, модуляция содир бўлади. Бу ҳолат таржима тилининг жорий меъёрлар билан мувофиқликда таржима тили матнида аслият матнидаги маълумот қайта яратилганда юз беради, чунки аслият тили ва таржима тили терминлари ўхшаш бўлмаслиги мумкин. Винье ва Дарбелнье модуляциянинг ўн бир турини таклиф қилган: мавҳумнинг аниқликка, сабабнинг таъсирга, усулнинг натижага, қисмнинг бутунга ўзгариши, географик ўзгаришлар ва бошқалар. Хитой сиёҳи Ҳиндистон сиёҳига ўзгариши географик ўзгаришга мисол бўлади. Интраваи ва Скавее бу жараённи чуқур ўрганишди ва бу – бошқалардан кўра самарали процедуралар деган хулосага келишди. Уларнинг фикрига кўра, бошқа жараёнлар ҳам бунинг таркибига кириши

[98] Lucía M, Hurtado A. Translation Techniques Revisited: A Dynamic and Functionalist Approach. – Meta: Translators' Journal, vol. 47, № 4. 2002. – pp. 498-512.

керак[99]. 6. Эквивалентлик (equivalence). Бунда худди шундай вазият учун бутунлай бошқа муқобил ибора ишлатилади, яъни мақоллар ёки идиоматик ифода воситалари буларга мисол бўла олади. М: To cross the floor of the House - Бир партиядан бошқа партияга ўтиб кетмоқ. 7. Маданий эквивалентлик (cultural equivalence). Бунда таржимон аслият тилидаги маданий сўзни таржима тилидаги маданий сўз билан алмаштиради. М: as strong as a horse – филдай бақувват. 8.Тасвирий эквивалентлик (descriptive equivalence). Бу усулда лексик бирликни билдирувчи сўзнинг маъноси бир неча сўзларда тушунтирилади. М: petrol, gasoline station – автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаси. 9.Функционал эквивалентлик (functional equivalence). Бунда таржима тили лексикасида сўз аслият тили лексикасидаги бир хил вазифани бажарувчи матн услубига мос келадиган сўз билан алмаштирилади. М: sheriff – мингбоши. 10. Шаклий эквивалентлик (formal equivalence) ёки лингвистик эквивалентлик (linguistic equivalence). Бунда ҳар бир сўз алохида-алоҳида таржима қилинади. М: He mentioned that he had found the solution of the problem – У муаммонинг ечимини топганини таъкидлаб ўтди. 11. Мослаштириш (adaptation). Бу усулда, одатда, бирор термин махсус аудитория ёки таржимоннинг махсус мақсади учун кўпроқ мос келадиган матн яратиш учун керак бўладиган ўзгаришлар амалга оширилади. Бу ҳолатда таржимон матнни ўқувчилар аудиториясига мослаштиради. М: Французлар учун cycling, инглизлар учун cricket, америкаликлар учун baseball (Бу сўзлар ушбу ҳалқларда кенг тарқалган ва ҳамма учун таниш). 12. Тушириб қолдирилган сўз ўрнини қоплаш (compensation).

[99] Scavée, P, Intravaia, P.Traité de stylistique comparée. Analyse comparative de l'Italien et du Français. – Bruxelles: Didier, 1979.

Аслият матнидаги маълумотнинг бирор лексик бирлиги ёки стилистик таъсири таржима матнида айнан ўз жойида эмас, балки матннинг яна бошқа бир жойида қайта яратилади ва тасвирий ифода оширилади. М: Киплингни “Jungle Book” асаридаги қуйидаги гапга эътибор қаратинг: I was seeking thee, Flathead. Ушбу гап сўзма-сўз таржимада ўзбек тилига “Мен сени қидиряпман, Яссибош” деб таржима қилинади. Лекин компенсация усули билан таржима қилинганда у қуйидагича талқин этилади: *Мен сен Яссибошни қидиряпман*. Бу ерда инглиз тилидаги thee “you” олмошини архаик кўриниши ва “сен” олмошини “Яссибош” сўзининг олдига қўйганимизда стилистик бўёқдорлик янада ошади. 13. Аниқлик киритиш (concentration). Бу усулда аслият тилидаги бирор тушунчани таржима тилидаги умумийроқ маънога эга тушунча билан ифодалаш. М: hand, arm, waist – қўл. 14. Қисмларга ажратиш (dissolution). Бунда аслият тилидаги тушунчани таржима тилидаги кенгроқ маънога эга тушунча билан ифодалаш. М: Ўзбек тилида “камондан ўқ узиш” инглиз тилидаги “archery” сўзини қисмларга ажралиш ҳодисасидир. 15. Кенгайтириш (amplification). Бу таржима тилида синтактик ва лексик бўшлиқларни йўқотиш учун кўпроқ маънога эга тушунчалардан фойдаланишдир. М: He talked himself out of a job – У ўзининг ишсиз юрганлигини гапирди. Бу ерда ўзбек тилидаги таржимага “юрганлигини” сўзини қўшиб синтактик бўшлиқ бартараф этилган. 16. Торайтириш (economy). Бу усул тилшуносликда лисоний тежамкорлик тушунчасига яқин бўлиб, ифодани камроқ лексик бирликлар билан тушунтиришга мўлжалланади. М: We’ll price ourselves out of the market - Бозор нархида тўламаймиз. 17. Кучайтириш (reinforcement). Бу усул кенгайтириш усулининг варианти ҳисобланади. М: No

smoking! - Бу ерда чекиш ман этилади! 18. Камайтириш (condensation). Бу усул эса торайтириш усулининг варианти ҳисобланади. М: We have been waiting for you - Биз сизни кутаётган эдик. 19. Маънони очиб бериш (explicitation). Бунда аслиятдаги лексик бирлик таржима матнида тўлиқроқ шарҳ ёки аниқлаштирувчи маъноли сўз бирикмаси билан алмаштирилади. М: conservationalist – атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тарафдори[100]. 20. Яширин маъно бериш (implicitation). Имплицит аслият матнидаги эксплицит маълумотни ёритиб бериш учун вазиятдан фойдаланиб, яширин маънони беришдир. Бу усул таржиманинг прагматик аспектининг бош мезони ҳисобланади. М: You should obey my order – Қонун олдида ҳамма баробар. 21. Умумлаштириш (generalization). Аслиятдаги тор маъноли сўзни таржима тилидаги кенг, умумлаштирувчи сўз билан алмаштиришни кўзда тутади. М: He visits me practically every weekend – У меникига қарийб ҳар ҳафтада келади[101]. 22. Тафсиллаш (particularization). Аслиятда кенг маъноли сўз ёки сўз бирикмасини таржима матнида анча конкрет мазмунга эга сўз билан алмаштириш. М: meal – нонушта, тушлик, кечки овқат кабилар. 23. Сўз тартибини ўзгартириш (inversion). Бунда бирор гап ёки параграфдаги сўз ёки иборани бошқа жойга олиб ўтиш ва таржима тилида аслиятдагидек талқин этиш. М: Pack separately … for convenient - назорат қилишга қулай бўлиши учун алоҳида – алоҳида қилиб жойла. 24. Антономик (тескари) таржима (antonymous translation). Бунда аслиятдаги тасдиқ шаклидаги фикр таржима тилида инкор шаклда ёки аксинча берилишини ифодалайди. М: take it easy – ҳаяжонланманг. 25.

[100] Сирожиддинов Ш. Одилова Г. Бадиий таржима асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. – Б.39.

[101] Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – Б.132.

Транскрипция (transcription). Транскрипцияда аслият тилидаги сўз унинг бевосита талаффуз шаклига кўра таржима тилида қайта тикланади. М: sweater - свитер. 26. Транслитерация (transliteration). Бунда аслият тилидаги сўз унинг график шаклига кўра таржима тилида қайта яратилади. М: sari - сари. 27. Сўз қўшиш (Addition). Бу усул аслият матни тилидаги грамматик ва семантик компонентларнинг шаклан ифодаланмаслик ҳолатларида қўлланади. М: He could not remember this man who he had seen – У яқиндагина кўрган одамини эслай олмади. 28. Сўз тушириб қолдириш (Omission). Бу усул икки тилнинг маълум бир шаклларининг грамматик қисқариш ҳодисаси талаб этилганда қўлланади. М: He bowed his head – У бошини эгди. 29. Сўз мақомини бошқа тил хусусиятига мослаштириш (Naturalization). Бу усулда тилда янги сўзлар ассимиляцияси ҳодисаси содир бўлади, яъни таржимон аслиятдаги сўзни биринчи одатий талаффузига кўра, кейин таржима тилнинг одатий морфологиясига кўра мослаштиради. Бу усулни транскрипция ва транслитерация усулларининг синоними десак ҳам бўлади. М: Edinburgh – Эдинбург. 30. Бошқа сўзлар билан ифодалаш (Paraphrase). Бунда маданий бўёқдорликка эга сўзнинг маъноси тушунтирилади. Бу усулда изоҳ тасвирий эквивалентликдан кенгроқ, батафсил баён этилади. М: белбоғ - it is piece of material sewed in form quadrangle kerchief and you wear around the waist. 31. Усуллар уйғунлиги (Couplets). Бунда таржима жараёнида таржимон икки ва ундан ортиқ турли усуллардан бир пайтда фойдаланади. 32. Эслатмалар (Notes). Эслатмалар, асосан, таржима тили ўқувчисига тўлиқроқ маълумот бериш мақсадида муқобили йўқ лексик бирликлар, миллий реалиялар ва лакуналар билан боғлиқ бўлиб, таржималарда саҳифа пастида, бобнинг охирида ёки

китобнинг охирги саҳифаларида берилади. М: Samurai – Қадимги япон империяларида жанг санъати усталари, жангчилар. Одатда, миллий-маданий лексик бирликларни эслатмалар орқали беришнинг тўрт тури мавжуд: а) Ўзгартириш усули орқали: У олча емоқда – He is eating a fruit called olcha. б) Сўз шакли ёки вазифасини тасвирлаш усули орқали: The queen of the UK came to India – the woman who ruled the UK came to India. в) Тасвирий таржима усули орқали: Рамазон ҳайитида Ўзбекистонликлар ишга бормайдилар, дам оладилар – The people of Uzbekistan do not go to work and have a rest in Ramadan – Khait which is a holiday of moral perification and spiritual revival. г) қиёслаш усули орқали: Мен гуммани пишира оламан – I can prepare gumma like patty in England[102].

[102] Muminov O. A Guide to Consecutive Translation. – T.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – Б.21.

II БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛАТИФАЛАРИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Стилистик воситаларни таржима қилиш стратегиялари

Латифаларнинг ўзига хос лингвостилистик хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар бошқа жанрдан анча фарқ қилади. Латифаларда стилистик усулларнинг қўлланиши ўқувчи диққатини жалб этишдан ташқари кулги уйғотиш вазифасини ҳам бажаради. Бу турдаги ҳажвий матнларда қўлланган стилистик усулларни тўғри таржима қилиш улар воситасида яратилган кулги таъсирини таржима матнига олиб ўтишда муҳим аҳамият касб этади.

Таржимашуносликда стилистик усулларни таржима қилиш таржима стратегияси термини билан талқин қилиниб, унга кўра, тропларни таржима тилига ўгириш учун метод ва трансформация танланади.

А.Ҳуртадонинг фикрича, “таржима методи, таржима стратегияси ва таржима трансформацияси бир-биридан фарқ қиладиган категориялардир”[103]. Унинг фикрига қўшиламиз, чунки таржима жараёнида мазкур терминлар вазифаси жиҳатидан бир биридан фарқ қилади, яъни таржима методи бутун матнга нисбатан, таржима трансформацияси матндаги кичик лексик бирликларга нисбатан танланади. Таржима стратегияси юқоридаги танловларни режалаштиришни белгилаб беради.

Стратегия тушунчасининг OALD луғатидаги изоҳига эътибор қаратадиган бўлсак, бу тушунчанинг қуйидаги таърифлари мавжуд: 1. Маълум бир мақсадга

[103] Hurtado A. La traductología: lingüística y traductología, Trans 1,. 1996. – pp.151-160.

эришишни кўзлаб тузилган бирор режа. 2. Бирор нарсани режалаштириш жараёни ёки режани амалиётга жорий этиш. 3. Уруш ёки жангда армияни кўчириш учун режа тузиш малакаси[104]. Бундан шуни англашимиз мумкинки, таржима стратегияси таржимоннинг ўз фаолиятини амалга оширишда тузиладиган режалар мажмуидир. Бу фикрларни Крингснинг таржима стратегиясига берган қуйидаги таърифида ҳам кўриш мумкин: "Таржима стратегияси таржиманинг мақсади доирасида юзага келадиган аниқ таржима муаммоларининг ечимини топиш учун таржимоннинг онгли равишда тузган яширин режалари"[105]. Венути эса таржима стратегиясини "чет тил матнини таржима қилиш учун бирор методни танлаш",[106] дея таъкидлайди. Бу борада Крингснинг таржима стратегияси хусусидаги мулоҳазалари Венутининг фикрига нисбатан ўринли. Бир сўз билан айтганда, таржима стратегияси таржима бошланишидан олдин ва жараёнда тузиладиган режа бўлиб, бунга кўра, таржимон ўқувчининг мақсади, мавқеи, билим даражаси, аслият матнининг услуби каби омилларни ўрганиб чиқиб, матнни ўгириш учун метод ва матндаги кичик бирликлар учун трансформация танлашни ўз ичига олади.

Шу ўринда стилистик воситаларни таржима қилиш стратегиялари ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Латифаларда турли стилистик усуллар қўлланади. Шулардан бири метафора ҳисобланади. Метафорани таржима қилиш бўйича турли ёндашувлар мавжуд. Улардан бири Е.Найда томонидан

---

[104] Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.1516.

[105] Krings, H.P. Translation problems and translation strategies of advanced German learners of French. Interlingual and intercultural communication. – Tubingen: Gunter Narr, 1986. – pp. 263-75.

[106] Venuti L. Strategies of translation. Encyclopedia of translation studies. – London and New York: Routledge, 1998. – pp. 240-244

таклиф қилинган ёндашув бўлиб, унга кўра “таржимон метафора билан боғлиқ таржима муаммосини ушбу стилистик воситани метафора тарзида таржима қилмаслик орқали бартараф этади”[107]. Клопернинг фикрига кўра, “барча инсонлар учун бир хил тасаввур структурасига эга метафоралар таржимасида сўзма-сўз таржима стратегиясидан фойдаланилса, осон таржима қилинади”[108]. Мейсоннинг таъкидлашича, “метафорани таржима қилишга доир муаммо унинг табиати билан эмас, балки аслият ва таржима тиллари ўртасидаги маданий фарқларга боғлиқ ва шунинг учун уни таржиманинг умумий муаммоларидан бири сифатида кўриш керак”[109]. Мейсоннинг фикрига қўшилган ҳолда метафорани таржима қилишда нутқнинг тасвирий ифодавийлиги билан бир қаторда икки халқ маданиятини ҳам эътиборга олиш керак, деб ўйлаймиз.

Аслият матнидаги метафорик ифодани тўғридан тўғри ўтказиш фақатгина таржимоннинг танловига боғлиқ эмас. П.Ньюмарк метафорани таржима қилишнинг саккизта стратегиясини таклиф этган бўлиб, улар қуйидагилар: ўзига хос тил услубида қиёсланиш имкониятига эга бўлган ифодани таржима тилида қайта ярати ш; аслият тилидаги ифодани таржима тили маданиятига мос тушадиган стандарт таржима тили ифодаси билан алмаштириш; метафорик ифодани сақлаган ҳолда ўхшатишдан фойдаланиб таржима қилиш; метафорани ўхшатиш билан маъно уйғунлиги орқали таржима қилиш; метафоранинг моҳиятини очиб бериш; метафорани қисман ўзгартириш; метафорани таржимада

[107] Nida E. Towards a science of translating, with special reference to principles and procedures involved in bible translating. – Leiden: E. J. Brill, 1964. – P.220.
[108] Gentzler E. Metaphor and Translation. Encyclopaedia of Literary Translation into English Vol. 2. – London: Fitzroy Dearborn Publisher, 2000. – pp. 941-945.
[109] Mason K. Metaphor and Translation. Babel 28 (3): 1982. – pp. 140-149

тушириб қолдириш мазмунидан фойдаланган ҳолатда ҳудди шундай метафора яратиш.[110] Фикримизча, П.Ньюмарк таъкидлаган бир неча стратегиялар латифалар таржимасида ҳам ўз самарали ҳисобланади.

К. Шафнер метафорани таржима қилиш бўйича уч асосий стратегияни таклиф этади. Улар: метафорани сўзма-сўз таржима қилиш, метафорани бошқа метафорага айлантириш, метафоранинг маъносини таржимада акс эттириш.[111] К.Шафнер томонидан таклиф этилган стратегиялар орасида метафорани сўзма-сўз таржима қилиш ва метафоранинг маъносини таржимада акс эттириш аҳамиятлидир.

Т. Добрзинска таржимонлар метафорани таржима қилишда қуйидаги стратегияларни таржимларда акс эттиришлари керак, деган фикрни таъкидлайди. Бу стратегиялар таржима матнида аслият матнидаги метафоранинг аниқ эквивалентидан фойдаланиш, худди шундай маъно берувчи бошқа метафорик иборани танлаш, метафорани перифраза қилиш кабиларда намоён бўлади.[112] Демак, матнда умумбашарий тасаввурга эга метафора қўлланган бўлса, сўзма-сўз таржима усулидан фойдаланиш, метафорани худди шундай метафорага айлантириш каби стратегиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Таҳлилга тортилган "*Қозон ҳам ўладими?*"[113] сарлавҳаси остидаги латифада ҳудди шундай метафоралар қўлланган бўлиб, улар юқорида таъкидланган стратегиялар орқали таржима қилинади.

---

[110] Newmark P. The Translation of Metaphor. *The Ubiquity of Metaphor: Metaphor in Language and Thought*. –Amsterdam: John Benjamins, 1985. – pp. 295-326.

[111] Schäffner C. A roof is an umbrella: metaphor, culture and translation. Identity and Difference – Translation Shaping Culture. – Bern: Peter Lang AG, 2005. – pp. 49-78.

[112] Dobrzynska T. Translating metaphor: problems of meaning. Journal of Pragmatics 24 (6): 1995. – pp. 597-603.

[113] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б. 64

Аслият матнида миллий маданиятни акс эттирувчи метафоралар қўлланган бўлса, таржима жараёнида аслият тилидаги ифодани таржима тили маданиятига мос тушадиган стандарт таржима тили ифодаси билан алмаштириш, мазмунидан фойдаланган ҳолатда ҳудди шундай метафора яратиш, метафора маъносини таржима тилида акс эттириш каби стратегиялар қўлланади.

Латифаларда фаол қўлланадиган стилистик усуллардан яна бири метонимия ҳисобланади. Метонимия инсонларнинг хаёт тажрибаси ва тафаккурида пайдо бўлганлиги учун унинг ҳар хил турлари тил ифодасида кенг тарқалган. Метонимиянинг концептуал табиати тилнинг луғатини бойитади. Тафаккур модели ўхшаш бўлганлиги туфайли инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам метонимик ифодаларни учратиш мумкин. Масалан, инглиз тилидаги "*we need more hands"* метонимик ифодаси ўзбек тилида ўз ифодасига эга, яъни "*бизга кўпроқ қўллар керак"*. Бу ифода сўзма-сўз таржима қилинади. Бу ерда "hands" сўзи "ёрдамчилар" маъносини ифодалаган.

Метонимиялар концептуал кўрсаткичга эга бўлиб, улар инсонларнинг тафаккурида шаклланади ва уларни таъсирли қилиб ифодалашга ёрдам беради. Бу ҳолатда таржимон олдида таржима матнидаги гапга мос тушадиган маънони бериш билан боғлиқ бир муаммо юзага келади. Бундай вазиятларда метонимияни аниқлашга ёрдам берадиган жиҳат, бу – унинг маънолари орасидан таржима матнидаги ифодага мос тушадиган маънони тўғри танлаш ҳисобланади. Бунда таржимон сўзнинг луғатдан тўғридан-тўғри талаб қилинган маъносини танлай олади. Шундай қилиб, бу ҳолат гапларни бирма-бир таржима қилиш методининг бир кўриниши ҳисобланади. Бунга мисол қилиб, қуйидаги гапни олишимиз мумкин: *I read Shakespeare – Мен Шекспирни ўқидим*.

Метонимияларни таржима қилиш учун таржима стратегияси сифатида сўзларни қўшиш, ўзгартириш ёки перифраза қилиш каби усуллардан фойдаланиш, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳажвий матнларда, хусусан, латифаларда метонимиялар ўша халқнинг маданиятини намоён этади. Биз таҳлил қилган "*Бизникига ўлик келаётибди*"[114] сарлавҳаси остидаги латифада ўзбек халқининг маданиятини акс эттирган ҳолат билан боғлиқ метонимия қўлланган. Ушбу латифада "*жигарим"* сўзи орқали инсон назарда тутилган ва бу сўзни таржима қилиш учун таржиманинг сўз қўшиш ёки перифраза қилиш усулларидан фойдаланиш мумкин.

Киноя стилистик усулини хорижий тилга ўгириш борасида Матео томонидан таклиф қилинган киноянинг таржима қилиш стратегиялари аҳамиятлидир. Улар универсал ҳажв гуруҳида ўрганилган бўлиб, қуйидагиларни ташкил этади:

- А тилдаги киноя Б тилга сўзма-сўз таржима орқали киноя бўлиб ўтади;
- А тилдаги киноя Б тилга "эквивалент таъсир" таржимаси билан киноя бўлиб ўтади;
- А тилдаги киноя А тилда қўлланилган турли тасвирий воситалар (бошқа киноявий белгиларни паралингвистик белгиларга алмаштириш) орқали Б тилда киноя бўлади;
- А тилдаги киноя Б тилга баъзи сўз ва иборалар орқали ўтади;
- А тилдаги шаъма Б тилда кўпроқ чегараланган ва яширин бўлади;

[114] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.55.

- А тилдаги киноя Б тилда сарказм бўлиб ўтади (бунда танқид кўпроқ рол ўйнайди);

- А тилдаги киноявий икки маънолилик Б тилда фақатгина икки маънонинг бирини таржима қилади (Б тилда ҳеч қандай мужмаллик ёки икки маънолилик бўлмайди);

- А тилдаги киноя Б тилда ҳаволаларда тушунтирилади;

- А тилдаги киноя сўзма-сўз таржима қилинганда Б тилда киноя бўлмайди

- А тилдаги киноя Б тилда мутлоқ йўқ бўлиб кетиши мумкин[115].

Латифаларда қўлланган киноя стилистик усули А тилдаги киноя Б тилга сўзма-сўз таржима, "эквивалент таъсир" таржимаси, турли тасвирий воситалар (бошқа киноявий белгиларни паралингвистик белгиларга алмаштириш) орқали, баъзи сўз ва иборалар орқали таржима қилинса аслият матнидаги кулги эффекти таржима матнида ҳам акс этади. Хусусан, *"Е, тўним"*[116] латифасидада қўлланган киноя стилистик воситаси сўзма-сўз таржима трансформацияси орқали таржима қилинади.

Муболаға стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари хусусида. М.Даҳлофнинг фикрича, "муболағанинг икки хил хусусияти мавжуд: биринчиси, унинг бўрттирилганлиги сабабли уни ҳақиқатдан йироқ деб биламиз; иккинчиси эса, у ҳақиқатга яқин, лекин бўрттирилган маънога эга"[117]. Фикримизча, муболаға матннинг бўрттирилган кўриниши ҳисобланиб, у ҳақиқатда содир бўлиши мумкин.

---

[115]Mateo M. The Translation of Irony. Meta, 40 (1), 1995. – pp. 171-178.

[116] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.74.

[117]Dahllöf M. Språklig betydelse. En introduktion till semantik och pragmatik. – Lund: Studentlitteratur. 1999.

Кионг Луи ва Хиабонг Зҳанглар “гапларни бирма-бир таржима қилиш, трансференция, маъновий таржима усулларини муболағани таржима қилиш стратегиялари сифатида таклиф этади”[118]. Олимларнинг бу фикрларига қўшиламиз, чунки муболағада тасвирий ифода бошқа стилистик воситаларга нисбатан аниқроқ бўлади. Муболағa стилистик воситаси қўлланган *“Шўрвасининг шўрваси”*[119] сарлавҳаси остидаги латифада ҳам муболағa стилистик усули яққол намоён бўлган ва ушбу стилистик восита қатнашган тасвирий ифодали гаплар бирма-бир таржима қилиш усули орқали таржима қилинган.

Шахслантириш стилистик усулини таржима қилишнинг эътиборли жиҳати шундаки, улар бир сўздан иборат метафора ҳисобланади. Ҳайвон номлари қатнашган метафоралар икки тилда ҳам ўхшаш бўлиб, бу ҳолат таржимон ишини осонлаштиради, яъни аслият тилидаги ҳайвон номининг таржима тилига айнан ўзи олиб ўтилади. Бироқ, аслият тилидаги ҳайвон номи таржима тилидаги ҳайвон номидан фарқ қилиши ёки қарама-қарши коннотацияга эга бўлиши мумкин, масалан, аслият тилидаги салбий ифодага эга ҳайвоннинг таржима тилидаги эквиваленти ижобий бўлиши мумкин. Бу ҳолатда таржима матни ўқувчида ўша ҳайвон ҳақида ёлғон тасаввурни уйғотиши мумкин. Бунга мисол қилиб, *чўчқа* билан боғлиқ коннотатив маъноларни кўришимиз мумкин. Инглизлар учун *чўчқа* ижобий ҳислатларга эга бўлса, ўзбеклар учун эса *чўчқа*га нисбатан одатда инсоннинг салбий хислатлари ифодаланади. Бу инглиз ва ўзбек халқларининг маданий фарқлари билан боғлиқ жараёндир. Бу ҳолатда таржимонлар имкон қадар таржима матнида

[118] Liu, Q, Zhang X. Towards the Translation of Figurative Language. *Canadian Social Science*. Vol.1 No. 1. 2005. – pp. 122–126.

[119] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.90.

аслият матнидаги ифодани сақлаб қолиш мақсадида таржиманинг махсус моделини қидириб топиши керак. Масалан, таржимада ўзбекларда “эшак”нинг ўрнига инглизлар учун “от”ни таржимада келтириш мумкин. Чунки, ўзбеклар ҳаётида *эшак*нинг вазифалари инглизлар ҳаётида *от*нинг вазифалари билан ўхшаш. Бу усул аслият тилидаги ҳайвон образини сақлаб қолади ва таржиманинг аниқлигига зарар етмайди. Бундан ташқари, тилнинг маданият билан боғлиқ маъноларига асосланган ҳолда аслият матни муаллифининг ҳайвонларни танлаш билан боғлиқ мақсади таржима матни ўқувчисига тушунарли бўлади. Аммо, шуни ёдда тутиш керакки, мана шундай фарқли жиҳатларда қўлланадиган алмаштириш стратегияси битта камчилик учун танқид қилиниши мумкин, яъни таржима матни ўқувчиси аслият тилининг маданияти ва ўзига хослиги билан боғлиқ жиҳатлардан бехабар бўлиб қолиши мумкин.

Алмаштириш стратегияси таржима тилидаги фарқли ёки қарама-қарши ифода билан боғлиқ ҳайвон образини таржима қилишга мўлжалланган. Бу кўпинча таржима тилида эквиваленти мавжуд бўлмаган ҳолатлар учун қўлланади. Қуйида шахслантиришни таржима қилиш стратегиясининг учта методи келтириб ўтилади:

Шахслантириш стилистик усулини ўхшатишга айлантириб таржима қилиш. Бу метод орқали ифода ҳайвон орқали таржима тилига олиб ўтилади ва махсус қўшимча маъно қўшилади. Бунда ушбу стилистик восита ифодасини таржима тилига олиб ўтиш учун шахслантирилаётган ҳайвон, парранда ёки ҳашоратнинг таржима тилида мавжуд бўлмаган аслият тилидаги коннотатив маънолари таржима матнига олиб ўтилади, масалан, *I told the hen to look for the solution of the problem* матни ўзбек тилига *Муаммонинг ечимини*

топишни товуққа айтдим деб таржима қилинади. Инглизлар учун товуқ ақлли жонивор ҳисобланса, ўзбеклар учун ақлсиз парранда ҳисобланади. Бу ҳолат лингвокультурологиянинг предметларидан бири – лакуна билан боғлиқ ҳолатдир. Чунки, лакуна мулоқот жараёнида муайян маданиятнинг бошқа маданият вакили томонидан тўлиқ ёки қисман англашилмайдиган ўзига хос миллий унсури[120] ҳисобланади.

Сўзма-сўз таржима ва аслият матнидаги шахслантириш стилистик усулини ҳаволада изоҳлаш. Бу ҳолатда аслият тилидаги ҳайвон билан боғлиқ ифода таржима тилига ўзгаришсиз ўтади ва аслият тилидаги ҳайвоннинг метафорик маъноси ҳаволада тушунтирилади. Бу стратегиянинг энг аҳамиятли жиҳати шундаки, таржима матни ўқувчиси аслият тили маданияти ва метафорасига ўхшаш маълумотни олиши мумкин.

Шахслантириш стилистик усулининг маъносини ўзгартириш: аслият матнидаги ушбу стилистик усули таржима тилидан фарқ қилганда ёки мавжуд бўлмаганда унинг метафорик маъноси ўзгартирилиши мумкин. Бу стратегиянинг нозик жиҳати шундаки, муаллифнинг нутқ тасвиридан фойдаланишга бўлган мақсади у томонидан берилган маълумот орқали тасвирсиз ифода бирлиги билан алмашиб қолиши мумкин, яъни аслият матнидаги образлилик таржима тилига ўтганда ўз ифодавийлигини йўқотиши мумкин.

Аллюзия стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари. Аллюзия санъат ёки бирор шахс ёҳуд воқеадаги ҳатти-ҳаракатга билвосита алоқадор. Маданиятга оид ҳажвия ҳам маданий белгиларга, жумладан, бирор урф-одат ёки баъзида махсус жой,

[120] Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: Турон замин зиё, 2015. – Б.27.

фаолият, одамлар номлари ва мақоллар, иборалар ёки оммалашган ибораларнинг қўлланиши билан боғлиқ бўлади. Р.Леппиҳалм томонидан таклиф этилган аллюзияни таржима қилиш стратегияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Атоқли от билан боғлиқ аллюзия стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари:

1) номни сақлаб қолиш (ё ўзгартирилмаган ҳолда ёки унинг уч кичик турида одатдаги таржима тили шаклида сақлаб қолиш):

а) исмдан аслиятдагидек фойдаланиш;

б) бирор маълумот қўшиб исмдан фойдаланиш;

с) бирор ҳавола намунаси учун батафсил изоҳ қўшиб исмдан фойдаланиш.

2) бирор исмни бошқаси билан алмаштириш:

а) таржима тилидаги исмни манба тилидаги бошқа исм билан алмаштириш;

б) манба тилидаги исмни таржима тилидаги исм билан алмаштириш;

3) исмни тушириб қолдириш икки кичик турда кўрсатиб ўтилади:

а) исмни тушириб қолдириш, аммо бирор турдош от орқали бошқа воситалар билан маънони ўтказиш;

б) исм ва аллюзияни биргаликда тушириб қолдириш;

Идиоматик таржима стратегиялари:

1) стандарт таржимадан фойдаланиш;

2) энг кичик ўзгариш: бу коннотатив ёки контекстуал маънони эътиборга олмасдан сўзма-сўз таржима қилиш, бунда қўшимча маънони таржима тилида акс эттиришда ўзига хослик мақсад қилинган бўлади;

3) муаллиф ўзининг тили нуқтаи назаридан кераксиз деб ҳисоблаган маълумотни қўшиш орқали таржимон томонидан ўқувчиларнинг ушбу маълумотга эхтиёжи

аниқланганда қўшимча - аллюзив маълумот матнга қўшилади;

4) ҳаволалар, матн оҳиридаги шарҳлар, таржимоннинг кириш сўзлари ва бошқа батафсил изоҳлардан фойдаланиш матнда хато ҳисобланмайди, аммо қўшимча маълумот сифатида очиқчасига берилади;

5) тақдим этилган таржима тили бирлиги орқали алмаштириш;

6) бошқа сўзлардаги фразалар маъносида аллюзияни қисқартириш, унинг маъносини очиш ва аллюзиянинг иборадаги маъносини кенгайтириш;

7) бир неча методлардан фойдаланиб қайта яратиш: аллюзиянинг коннотацияларида яширин маъно берадиган бирор қурилмани ёки у орқали яратилган бошқа эффектларни яратиш;

8) аллюзия стилистик усулидан фойдаланмаслик[121].

Демак, таржима стратегияси таржимонларга стилистик воситаларни таржима қилиш учун метод ва усулларни танлаш, матн моҳияти, таржима матни ўқувчисининг мавқеи каби хусусиятларни ўз ичига олади. Юқорида олимлар томонидан таклиф этилган стилистик воситаларни таржима қилиш стратегиялари ҳар қандай турдаги матнларни таржима қилишда аҳамиятлидир. Ўзбек халқ латифаларини таржима қилишда қўлланадиган стратегиялар бошқаларидан шуниси билан аҳамиятлики, латифалар одатда ҳар бир халқнинг миллий маданиятини акс эттиради ва латифаларда қўлланган стилистик воситаларни миллий маданийликни ҳисобга олган ҳолда таржима қилиш таржимоннинг кўзлаган мақсадига етишида муҳим омил ҳисобланади.

[121] Leppihalme, R.Culture bumps: an Empirical approach to the translation of allusions. – Clevedon: Multilingual Matters, 1997. – P.84.

Стилистик усулларни таржима қилиш стратегияларида, асосан, изоҳлаш, шарҳлаш, перифраза қилиш, сўзма-сўз таржима, ўзгартириш, сўз қўшиш ёки янги сўз яратиш, аналог таржима усуллари қўлланилади. Бу ҳолат икки тилнинг ўзига хос лингвистик хусусиятларидан ташқари, тил соҳибларининг маданияти билан ҳам боғлиқдир. Фикримизча, нутқда қўлланадиган ҳар бир стилистик восита ўша тил соҳибининг оламни идрок этиш билан боғлиқ жараён асосида юзага келади. Стилистик усул қўлланган тасвирий ифода остида ўша халқнинг дунёқараши, яшаш тарзи, менталитети каби омиллар ётади. Кўплаб стилистик усуллар, асосан, метафорик маъно кўчиши натижасида юзага келиши сабабли, ушбу стилистик усулни таржима қилиш учун қўлланадиган таржима стратегияси бошқаларига ҳам тегишли бўлади.

2.2. Ўзбек халқ латифаларида тропларни таржима қилиш муаммолари

Маълумки, стилистика умумий тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, тилдаги мулоқотнинг турли шароитлари учун бир хил бўлмаган танлов принциплари ҳамда тил бирликларининг ягона мазмун бутунлигида ташкил қилиниши йўлларини, шунингдек, ушбу принцип ва усулларда тилдан фойдаланиш турлари, услублар орқали белгиланадиган фарқлар ва уларнинг тизимини ўрганади. Ҳажвий матнларни тасвирлашда стилистика жуда муҳим ҳисобланади ва турли стилистик усуллар ёрдамида кулги таъсирчанлиги яратилади.

Бизга маълумки, эмоционал-субъектив баҳолаш, унинг лингвостилистик белгиларини аниқлаш бадиий нутқ стилистикасининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Ушбу муаммо ҳажвий матнларни таҳлил

қилиш учун сезиларли даражада аҳамиятлидир, чунки ушбу жанрда эмоционал таъсир жуда муҳим аспект ҳисобланади. Одатда, кулгилилик функцияси у ёки бу стилистик усулнинг фарқли хусусияти ҳисобланади.

В.В. Виноградовнинг фикрича, каламбур ёки тўғри ва кўчма маъноларга эга омонимлар билан сўз ўйини хосил қилиш - кулгили таъсирни яратишнинг асосий усулларидан биридир[122]. И.Р. Гальпериннинг таъкидлашича, кулгили таъсирни яратишнинг энг муҳим лингвостилистик усули ёзувчи томонидан турли сўзларни моҳирона бирлаштириш ёрдамида яратилган муаллифнинг окказионализмидир[123]. И.В. Арнольд кулгилилик функциясини кўп маънолилик ва омонимиянинг ўзига хос хусусияти деб ҳисоблайди[124]. Д. Чьяро алогизмни, яъни мантиқсизлик асосий кулги усули деб ҳисоблайди[125]. В. Нэш таъкидлайдики, “икки маънолилик” кўпроқ кулгилилик потенциалига эга, яъни контекст ёки ўзи қатнашаётган вазият билан тушунтириладиган сўз ўйини[126]. Н. Норрик ҳар бир стилистик восита барча функцияларни бажаради, лекин у ёки бу функция устунроқ (доминант) бўлиши мумкин деб ҳисоблайди[127]. Н.Норрикнинг фикрига қўшилган ҳолда ҳажвий матнларда, жумладан, латифаларда ҳам барча стилистик усуллар фаол қўлланади.

Тадқиқот ишимизнинг ушбу бобида инглиз тилига

---

[122] Виноградов В.В. Основные типы лексического значения слова. Избранные труды. Лексикография и лексикология. – М.: Наука, 1977. – 312 с.
[123] Galperin I. Stylistics. – M., 1981.
[124] Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. –Ленинград: Просвещение, 1981. – 340 с.
[125] Chiaro D. The language of jokes: Analysing verbal play.–London: Routledge, 1992. P.47.
[126] Nash W. The Language and Humour. Style and Technique in Comic Discourse. 1985. – P.23.
[127] Norrick N. Conversational Joking: Humor in Everyday Talk. – Bloomington, Indianapolis: Indiana University Press, 1993. – P. 55.

таржима қилинган ўзбек халқ латифаларини таҳлил қилганимизда кулги таъсирини яратишда турли стилистик воситалар фаол қўллангани ва муаллифлар томонидан таржима жараёнида стилистик воситаларни аслиятдан таржима тилига олиб ўтиш орқали кулги таъсирининг сақланиб қолиш ёки қолмаслик ҳолатларини таҳлил қиламиз.

2.2.1. Метафора стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари

Дастлаб, метафора воситасида кулги таъсирининг яратилиши ва шу таъсир таржимада ҳам акс этиши масаласига эътибор қаратамиз. Маълумки, икки предмет, воқеа-ҳодисаларнинг айрим тасодифий белгиларининг ўхшашлиги асосида бирининг номини иккинчисига кўчириш орқали метафора юзага келади. Г.Л.Абрамович метафорани ўхшатишнинг яширин тури сифатида баҳолайди[128]. А.Рубайлонинг таъкидлашича, метафора замирида ўхшатиш ётади[129]. Л.Т.Бобохонованинг фикрича, метафора асосий-мантиқий ва кўчма - матний маъноларнинг ўзаро муносабатига асосланади[130]. Турли нарса-буюм, ҳайвон, парранда, ҳашоратларнинг бирор белгисига кўра маъно кўчиши, яъни уларнинг номларини метафорик маънода инсонга нисбатан қўллаш ва уларнинг матндаги яширин маънолари кучли кулги ҳосил қилади. Кулги ҳосил қилувчи яширин маъноли метафораларда, асосан, сўзловчининг салбий ёки ижобий муносабати акс этади. Қуйида ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига қилинган таржималарига ва уларнинг лингвостилистик хусусиятларига эътибор қаратамиз. Дастлаб, “Қозон ҳам

[128] Абрамович Г.Л. Введение в литературоведение. – М., 1953. – С. 119
[129] Рубайло А.Т. Художественые средства в языке. – М., 1961. – С.31
[130] Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б.41.

ўладими?” сарлавҳаси остидаги латифани таҳлил қиламиз. *Насриддин Афанди мингбошига қўшни эди. Кунлардан бир кун Афандининг уйига меҳмон келиб қолиб, мингбошидан битта каттароқ қозон сўраб чиқди. Мингбоши қозонни бера туриб:*

*–Афанди, **қозоним ҳомиладор, туғиш ойи шу ой, агар қозоним сизнинг қўлингизда туғиб қолса, албатта боласи билан келтириб беринг!** – деди.*

Афанди таажжуб билан хўп деб олиб кетди. Эртаси куни Афанди ўзининг бисотидаги кичкинагина қозонни мингбошининг қозонига қўшиб олиб чиқиб берди. Мингбоши хурсандчилик билан қозонни олиб қолди. Бир неча кундан сўнг, Афанди яна мингбошидан каттароқ қозон сўраб чиқди.

*Афандини тентак деб фаҳмлаган мингбоши бу гал ҳам **қозоннинг ҳомиладорлигини** баён қилган эди, Афанди:*

*–**Туғса,** келтириб бераман, - деб олиб кетди, лекин орадан **бир неча кун ўтса** ҳам қозонни чиқариб бермади.*

Мингбоши ғазаб билан Афандининг уйига чақирди ва:

–Нега қозонни айтган вақтингизда олиб чиқиб бермадингиз, - деган эди, Афанди атайлаб ачинарли бир тарзда:

*–Тақсир, сиз айтганча, **қозонингиз ҳомиладор экан, туғиш вақтида кўп қийналиб**, охирида **бечора вафот этди**, – деди.*

*Бу гапдан **ғазаби қайнаб кетган** мингбоши:*

*–**Қозон ҳам ўладими**?! – деди.*

*Афанди **жиддий вазиятда туриб**:*

*–**Қозоннинг туғишига** ишониб, **боласини олиб қолсанг-у, ўлганига ишонмайсанми?** – деб жавоб берди.*[131]

---

[131] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б. 64

Ушбу латифада “***қозоним ҳомиладор”, “туғиш ойи шу ой”, “агар қозоним сизнинг қўлингизда туғиб қолса, албатта боласи билан келтириб беринг”, “қозоннинг ҳомиладорлигини”, “тугса”, “бир неча кун ўтса”, “қозонингиз ҳомиладор экан”, “туғиш вақтида кўп қийналиб, бечора вафот этди”, “ғазаби қайнаб кетган”, “қозон ҳам ўладими”, “жиддий вазиятда туриб”, “қозоннинг туғишига ишониб боласини олиб қолсанг-у, ўлганига ишонмайсанми?”*** иборалари орқали метафорик кўчма маъно 14 ҳолатда қўлланган. Бу ерда инсонга хос белги ва ҳаракатларни қозонга нисбатан қўллаш орқали латифанинг бош ғоясини кулги орқали акс эттириш мақсад қилинган. Инсонларга хос белги ва ҳаракатларни жонсиз предмет қозонга нисбатан қўллаш орқали хаётда учрайдиган бойларнинг турли сабаб ва баҳоналар орқали камбағаллардан мол-мулк, бойлик ундириш хислатлари устидан кулиш ушбу латифада очиб берилган.

Ушбу латифа турли йилларда И.Шоҳ ва М.Петерсон томонидан инглиз тилига таржима қилинган. И.Шоҳ “Қозон ҳам ўладими?” латифасини “If a Pot Can Multiply” сарлавҳаси остида таржима қилган. *One day Nasrudin lent his cooking pots to a neighbour, who was giving a feast. The neighbour returned them, together with one extra one – a very tiny pot. “What is this?” asked Nasrudin. “According to law, I have given you* ***the offspring of your property*** *which was born when the pots were in my care,” said the joker. Shortly afterwards Nasrudin borrowed his neighbour’s pots, but did not return them. The man came round to get them back. “Alas!” said Nasrudin, “they are dead. We have established have we not,* ***that pots are mortal****”*[132]

Ушбу таржиманинг ўзбек тилига сўзма-сўз талқини: *Бир куни Насриддин қозонларини зиёфат бераётган*

[132] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. – P.19.

қўшнисига бериб туради. Қўшниси қозонларига яна бир кичкина қозонча қўшиб қайтаради. "Нима бу?" сўради Насриддин. "Қоидага кўра ***мен сенга қозонларингнинг болаларини бераяпман, улар мендалигида туғиб қўйишди****", деди ҳазилкаш. Кейинроқ Насриддин қўшнисининг қозонларини сўради, лекин уларни қайтармади. Қўшниси қозонларини олиб кетишга келди. Аттанг! -деди Насриддин. "****Улар ўлди, Биз уларни ўлдириб қўйдик****, улар энди йўқ".*

Ушбу таржима моҳияти жиҳатидан аслият матнига тўлиқ мос тушмайди. Чунки аслият матнида Афанди қўшниси мингбошидан қозон сўрайди, мингбоши қозони ҳомиладор эканлигини таъкидлайди ва айнан шу жумладан бошлаб латифада кулги эффекти бошланади. Чунки "қозон ҳомиладор" иборасини эшитган ҳар қандай инсон онгида кулги пайдо бўлиши, табиий. И.Шоҳнинг таржимасида эса Насриддин қўшнисига зиёфатда фойдаланиб туриш учун қозон бериб туради. Лекин қозоннинг ҳомиладор эканлиги ҳақидаги жумла таржимада берилмайди. Аслиятда Афанди хазилкаш, уддабурон, сўзга уста қилиб тасвирланади, таржимада эса Афандининг қўшниси ҳазилкаш сифатида талқин қилинади. Бундан ташқари, Насриддин Афанди таржимада хасис одам сифатида тасвирлаб қўйилган. Аслиятдаги юқорида таъкидлаб ўтилган метафора воситасида яратилган жумлалардан аслиятга монанд тарзда фойдаланилмаган. Таржимада ҳам метафора стилистик усули ёрдамида яратилган жумлалар ҳам мавжуд, лекин улар таржима матнидаги кулгини яққол намоён этмайди. Таржима матнида **"*I have given you the offspring of your property which was born when the pots were in my care", "they are dead", "We have established have we not, that pots are mortal"*** жумлаларида метафорик кўчма маъно акс

этган. Аслият матнида *"**I have given you the offspring of your property which was born when the pots were in my care"*** (мен сенга қозонларингнинг болаларини беряпман, улар мендалигида туғиб қўйишди) жумласи мавжуд эмас, балки ***"Афанди ўзининг бисотидаги кичкинагина қозонни мингбошининг қозонига қўшиб олиб чиқиб берди"*** жумласи бор. Бу ерда аслият матнида метафорик кўчма маъно қўлланмаган жумла таржимада метафора воситасида берилмоқда. ***"We have established have we not, that pots are mortal"*** жумласи *"**қозонингиз ҳомиладор экан, туғиш вақтида кўп қийналиб**, охирида **бечора вафот этди"*** жумласининг таржимаси хисобанади. Ушбу жумлада ҳам қозонга нисбатан **"бечора"** сифатини қўллаб, метафорик маъно ҳосил қилинган, лекин таржимада бу ҳолат акс этмаган. Демак, аслият матнида 14 ҳолатда метафора стилистик воситаси қўлланган бўлса, таржима матнида 3 ҳолатдагина метафора орқали яратилган тасвирий ифода мавжуд. Таржима матнида "***қозоним ҳомиладор", "туғиш ойи шу ой", "агар қозоним сизнинг қўлингизда туғиб қолса, албатта боласи билан келтириб беринг", "қозоннинг ҳомиладорлигини", "туғса", "бир неча кун ўтса", "қозонингиз ҳомиладор экан", "ғазаби қайнаб кетган", "қозон ҳам ўладими", "жиддий вазиятда туриб", "қозоннинг туғишига, боласини олиб қолсанг-у, ўлганига ишонмайсанми?"*** жумлалари тушириб қолдирилган.

М.Петерсон "Қозон ҳам ўладими?" латифасини "Afandi and Borrowed Pot" сарлавҳаси остида қуйидагича таржима қилган: *One day Afandi borrowed a pot from his neighbour. When he returned it, along with it, he returned a much smaller pot. The surprised, but delighted neighbour asked, "Why did you bring me this little pot too?" "Well", replied Afandi, "While it was with me* ***your big pot gave birth***

***to the little pot**." Of course this made the neighbour very much happy, because now he had two pots where before he had only one. A week passed and Afandi wanted to borrow the pots again, but the neighbour, smiling, warned him to be careful lest **the pot give birth again**. Afandi carefully took the pots with him. After three months, when Afandi hadn't returned them the neighbour went to him and asked that they be returned.*

*"I am sorry," said Afandi, "but **your pots have died!**" "What!" cried the neighbour, "How absurd! **Pots cannot die!** They are not alive!" "**If a pot can give birth"**, rejoined Afandi, **"Why can it not die?"***[133]

Мазкур таржиманинг ўзбек тилига сўзма-сўз талқини: *Бир куни Афанди қўшнисидан қозон сўрайди. Уни қайтараётиб яна бир кичкина қозон қўшиб беради. Бир ажабланган, бир хурсанд бўлган қўшниси ундан сўрайди: "Нега бу кичкина қозонни ҳам менга бераяпсан?"Афанди жавоб беради, "Қозонингиз мендалигида, у кичкина **қозон туғиб қўйди**."*

*Албатта, бу ҳол қўшнисини хурсанд қилади, чунки олдинги битта қозон энди иккита бўлди. Бир ҳафтадан сўнг Афанди яна қозон сўрайди, аммо қўшниси кулиб, уни огоҳлантиради, эҳтиёт бўл, яна **қозоним туғиб қўймасин.** Афанди эҳтиёткорлик билан уни олади. Уч ойдан сўнг Афанди уларни қайтармайди, шунда қўшниси Афандининг олдига боради ва қозонларни қайтаришни сўрайди.*

*"Мени кечирасиз," дейди Афанди, **"сизнинг қозонларингиз ўлиб қолди!"** "Нима!" бақирди қўшниси, Қандай бемаънилик! Қозонлар ўлиши мумкинмас! Уларнинг жони йўқ-ку! "**Улар туғиши мумкин-у, ўлиши***

[133] Peterson M. Treasury of Uzbek Legends and Lore. – T.: Qatortol-Kamolot, 2000. – P.87.

***мумкин эмас-ми”**, жавоб берди Афанди.*

“Қозон ҳам ўладими?” латифасининг М.Петерсон томонидан қилинган таржимаси И.Шоҳ таржимасига нисбатан аслият матнига яқинроқ. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, аслият матнида 14 ҳолатда стилистик воситалар қўлланган бўлса, таржима матнида 5 ҳолатда стилистик воситалар акс этган. Аслият ва таржима матни қиёсланганда таржима борасидаги қуйидаги номувофиқликлар кўзга ташланди. Аслият матнида Афандининг қўшниси “мингбоши” таржима матнида оддий “қўшни” сўзи билан алмаштирилган. Аслият матнида мингбоши томонидан айтилган “***Афанди, қозоним ҳомиладор, туғиш ойи шу ой, агар қозоним сизнинг қўлингизда туғиб қолса, албатта боласи билан келтириб беринг!***” жумласи таржима матнида акс этмаган. Бу ҳолатни таржимон “*When he returned it, along with it, he returned a much smaller pot. The surprised, but delighted neighbour asked, “Why did you bring me this little pot too?” “Well”, replied Afandi, “While it was with me* ***your big pot gave birth to the little pot***” жумласи билан алмаштирган. Натижада ўқувчи тасаввурида “Афанди нега қўшнисининг қозонига кичкина қозон қўшиб бериши керак?” маъносидаги савол пайдо бўлади. Аслият матнидаги содир бўлмаган воқелик таржима матнида содир бўлган воқелик сифатида акс эттирилган. Бироқ ушбу жумладаги ***“қозоним туғиб қўйса”*** метафорик кўчма маъноли ибораси таржима матнида “***your big pot gave birth to the little pot”*** тарзида акс этган. Аслият матнидаги кейинги ҳолатда “***қозоннинг ҳомиладорлигини***” жумласида қўлланган метафора стилистик усули таржима матнида “*warned him to be careful lest* ***the pot give birth again****”* жумласида акс этган. Лекин навбатдаги ҳолатда “***Туғса,*** *келтириб бераман, - деб*

олиб кетди, лекин орадан ***бир неча кун ўтса*** *ҳам қозонни чиқариб бермади”* жумласидаги икки ҳолатда қўлланган стилистик усули таржимада акс этмаган. “*Тақсир, сиз айтганча,* ***қозонингиз ҳомиладор экан***, ***туғиш вақтида кўп қийналиб****, охирида* ***бечора вафот этди****”* жумласи *“I am sorry,” said Afandi, “but* ***your pots have died!****”* тарзида таржима қилинган. Ушбу жумладаги “қозонингиз ҳомиладор экан”, “туғиш вақтида кўп қийналиб”, қозонга нисбатан метафорик кўчма маънода қўлланган “бечора” сўзи таржимада акс этмаган. Ва ниҳоят, “***Қозоннинг туғишига*** *ишониб,* ***боласини олиб қолсанг-у, ўлганига ишонмайсанми?”*** жумласи ***“If a pot can give birth”****, rejoined Afandi,* ***“Why can it not die?”*** тарзида таржима қилинган.

Бир қарашда М.Петерсон аслиятда илгари сурилган ғояни таржимада ҳам акс эттиргандек туюлади. Чунки, ушбу латифада адолатсиз, хасис бойларнинг камбағалларни аҳмоқ қилиб бўлса-да улардан бирор нима ундиришга ҳаракат қилишидан иборат бўлган бир ҳолат ифодаланган. Бироқ ҳудди шу ижтимоий мотив таржимон назаридан четда қолиб кетган. Таржимада воқеликнинг Афанди қўшнисига қозонни шунчаки иккита қилиб бергандек жўнгина маънода баён этилиши аслиятдаги кулги ўтининг сўнишига олиб келган. Латифа сарлавҳасининг таржимасига эътибор қаратадиган бўлсак, таржимон уни “Афанди ва қарзга олинган қозон” деб таржима қилади. Агар латифани ҳажвий матнларнинг бир тури сифатида қарайдиган бўлсак, сарлавҳанинг ўзи ҳам кулги эффекти яратилишидан анча узоқроқ.

Назаримизда, таржимонлар аслият матнида қўлланган Афандининг қўшниси “мингбоши” сўзини инглиз тилига “sheriff” деб таржима қилиш керак эди. Шунда аслият матнининг моҳияти таржима матнида ҳам

акс этади. Чунки, “мингбоши” ва “sheriff” сўзлари бир-бирига функционал жиҳатдан эквивалент бўлади. Бу борада кейинги бобда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Биз ушбу латифани ўзбек тилининг ўзига хос қочиримлилик имкониятларини ҳисобга олиб, юқоридаги таржимонлар томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириб, шакл ва мазмун уйғунлигига эътибор қаратган ҳолда инглиз тилига қуйидагича таржима қилишни лозим топдик.

If a Pot can Die

Nasriddin was a neighbor of sheriff. One day a guest visited to Nasriddin’s home and Khodja borrowed a bigger pot from his neighbor sheriff. When sheriff was giving the pot he said:

- Khodja, my pot is pregnant, it will give a birth in this month. If my pot gives a birth at your home, you will return it with one extra little pot.

Nasriddin agreed with the sheriff on this issue surprising and took it. Next day Nasriddin gave sheriff’s pot with his own little pot. The sheriff accepted these pots delightfully. After several days, Khodja borrowed the pot again.

Sheriff who thought Nasriddin is foolish warned him again that the pot is pregnant. And Nasriddin said that if it gives a birth I will bring it, then he took the pot. But he did not bring the pot although several weeks passed.

Sheriff called Nasriddin with anger and asked:

- Why did not you bring the pot on time which you mentioned?

Nasriddin said sadly:

- Sir, as you have said your pot is pregnant. It came across difficulties when it was giving a birth and finally it died.

Sheriff angered hearing this word and said:

- If a pot can die?

Nasriddin said seriously:

- You took the extra small pot believing the pot gave a birth and then why do not you trust the pot is dead". (бизнинг таржима – У. Й)

"Кир қарға" латифасида ҳам метафора қўлланган бўлиб, унга кўра, *Афандининг хотини кир ювиб ўтирар эди, бирдан совунни қарға олиб қочди. Хотини унинг орқасидан ҳай-ҳайлаб қувлаган эди, Афанди:*

- *Қўявер, хотин,* ***қарғанинг усти-боши*** *бизникидан ҳам кир экан, - деди*[134].

Мазкур ҳажвий матнда ***"қарғанинг усти-боши бизникидан ҳам кир экан"*** жумласи метафора воситасида яратилган ва айнан шу жумла латифада кулги эффектини келтириб чиқармоқда. Ушбу латифани И.Шоҳ қуйидагича таржима қилган: *The Mulla one day brought home a cake of soap, and asked his wife to wash his shirt. No sooner had she started to soap the shirt when a huge crow swooped down, snatched the soap and flew away, perching on a branch. She gave a furious cry.*

The Mulla came running out of the house.

"What happened, my dear?"

"I was just going to wash your shirt and that enormous crow came down and stole the soap!"

The Mulla was completely unruffled.

"Look at the colour of my shirt, and look at ***the garment of a crow****. His need was undoubtedly greater than mine. It is as well that he was able to obtain soap, even at my expense."*[135]

Аслиятдаги латифанинг "Кир қарға" сарлавҳаси инглиз тилига "His Need Is Greater than Mine" тарзида

[134] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.36.

[135] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. P.72.

таржима қилинган. Таржимада биз учун аҳамиятли жиҳати аслият матнидаги **“*қарғанинг усти-боши*”** ибораси инглиз тилига **“*the garment of a crow*”** деб таржима қилинган. Фикримизча, аслият матнидаги стилистик бўёқдорлик таржима матнида ҳам акс этган. Таржимон аслият матнида мавжуд бўлмаган баъзи воқеъликларни ҳам таржимада акс эттирган, бироқ латифанинг моҳиятига таъсир кўрсатмаган. Латифалар тузилиши жиҳатдан қисқа ва лўнда матнлар бўлганлиги учун ушбу латифани қуйидагича таржима қилишни таклиф этдик:

Grime Crow

Nasriddin’s wife was washing the clothes. Suddenly, a crow snatched the soap. When the wife pursued the crow in wonder, Nasriddin said:

- Let it fly, my wife, the garment of the crow is dirtier than ours.(таржима бизники – У.Й)

Демак, метафора қўлланган латифаларни таржима қилиш учун қуйидаги таржима стратегияларини аниқладик:

- метафорани сўзма-сўз таржима қилиш;
- аслият тилидаги ифодани таржима тили маданиятига мос тушадиган стандарт таржима тили ифодаси билан алмаштириш;
- метафоранинг моҳиятини очиб бериш;
- мазмунидан фойдаланган ҳолатда ҳудди шундай метафора яратиш;
- метафора маъносини таржима тилида акс эттириш.

“Қозон ҳам ўладими”, “Кир қарға” сарлавҳаси остидаги латифаларни ўзбек тилининг лингвостилистик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таржима қилиш учун *мазмунидан фойдаланган ҳолатда ҳудди шундай метафора яратиш стратегиясид*ан фойдаланилди.

2.2.2. Метонимия стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари

Ҳажвий матнларда кулги эффектини яратишда фаол иштирок этадиган стилистик воситалардан яна бири - метонимиядир. Метонимия “бошқача ном бериш” деган маънони англатиб, сўзларнинг кўчма маънолари билан боғлиқ ҳодисадир. Бирор нарса ёки воқеа-ҳодисанинг номи бошқа бир нарса ёки ҳодисага кўчирилади. А.Ҳожиевнинг фикрича, бир предмет, белги, ҳаракат номини ўзаро ташқи ёки ички боғлиқлик асосида бошқа предмет, белги ёки ҳаракатга нисбатан қўллаш; шундай қўллаш асосида бир предмет, ҳаракат, белги номининг бошқа предмет, ҳаракат ёки белгига кўчиши орқали метонимия ҳодисаси содир бўлади. Сўзнинг янги маънолари ҳосил бўлишида метонимия муҳим рол ўйнайди[136]. Метафорада бир-бирига ўхшаш предметларнинг белгилари кўчирилса, метонимияда бу икки предмет ташқи кўриниши ёки ички хусусиятлари билан бир-бирига қандайдир алоқаси бўлса ҳам, аммо умуман бир-биридан фарқ қилувчи предметларнинг белгилари чоғиштирилади[137]. Демак, метафорада белги, ҳаракат кўчирилса, метонимияда номлар маъно жиҳатдан кўчирилади.

Метонимия – лексик маъноларнинг икки тури, яъни асосий – мантиқий ва матний маънолар орасидаги муносабат бўлиб, бу муносабат нарсалар орасида аниқ алоқаларнинг пайдо бўлишига асослангандир, бошқача қилиб айтганда, нарсалар-ҳодисалар бир-бирига яқинлиги туфайли бирининг номи иккинчисига кўчирилади[138].

---

[136] Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Т., 1985. – Б.54.
[137] Шомақсудов А, Расулов И, Қўнғуров Р, Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т., 1983. – Б.237.
[138] Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б.46.

Демак метонимия ҳам бир объектнинг номи бошқасига кўчиши орқали янги маъно ҳосил бўлишига олиб келувчи ҳодисалардан биридир.

Ҳажвий матнларда метонимия йўли билан маъно кўчиши воситасида кулги қўзғалиши бевосита нутқий жараёнда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабат асосида юзага келади. Демак, бунда шаклий ва мазмуний мослик – уйғунлик муҳим аҳамиятга эга бўлади.

“Бизникига ўлик келаётибди” сарлавҳаси остидаги латифада метонимия стилистик воситаси ёрдамида кулги таъсири яратилган: *Афанди болалигида кўчада ўйнаб юрар эди. Бирдан бир тўда одамлар тобут кўтариб ўтиб қолди. Тобутнинг ёнида кетаётган икки киши навбатма-навбат “жигарим”лар эди.*

*- **Вой жигарим**, тагингизга солгани битта бўйра ҳам бўлмади...*

- Афанди уйига югириб бориб, дадасига хабар берди:

- Дада-дада, бизникига ўлик келаётибди[139].

Ушбу ҳажвий матн 2007 йил “Санъат” нашриёти томонидан нашр қилинган “Khodja Nasreddin” латифалари тўпламидан жой олган.

Young Nasreddin was walking along the street with his father when they met a funeral procession. Father stopped and started praying. When the procession passed by he tried to explain to his little son the end of life.

- Where are they carrying the deceased? – asked the child.

- They are carrying him to where there is a little room and no windows, no family hearth and no food. Got it, sunny?

- Yes, dad, they are carrying him to our house[140].

[139] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.55.

Ушбу таржиманинг ўзбек тилига сўзма-сўз талқини: *Ёш Насриддин отаси билан кўчада кетаётган пайтда азадор таъзиячилар тўдасини кўриб қолишди. Отаси тўхтади ва дуо қилишни бошлади. Азадор таъзиячилар тўдаси ўтиб кетганда отаси ёш ўғлига ўлим ҳақида тушунча берди.*

- Бу марҳумни қайёрга олиб кетишяпти? – сўради бола.

- Бу одамлар марҳумни деразаси, емиши ва оила-аъзолари йўқ бўлган кичкина хонага олиб кетишяпти. Тушундингми, ўғлим?

- Ҳа, тушундим, дада. Улар марҳумни бизнинг уйга олиб кетишяпти.

"Бизникига ўлик келаётибди" сарлавҳали ушбу латифанинг таржима таҳлили жараёнида эътиборга молик аслият ва таржиманинг номувофиқ хусусиятларига гувоҳ бўлдик. Ушбу латифадаги воқеликни дастлабки ҳолатида аслият матнида *"**Афанди болалигида кўчада ўйнаб юриши"*** акс этган. Лекин таржима матнида ушбу ҳолат ***"ёш Насриддин отаси билан кўчада кетаётган пайти"*** акс этган. Ваҳоланки, аслиятда Афандининг отаси уйида бўлади ва мотам ҳақида бехабар бўлади. Бундан ташқари, аслият матнида отасининг дуо қилиши ва ўлим ҳақида Афандига тушунча бериши ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас. Аслият матнида Афанди отасидан марҳумни қаерга олиб кетишаётгани хусусидаги савол ва ушбу саволга жавобан отаси ўғлига қабрни тасвирлаши берилмаган. Таржимон воқеликнинг охирги жараёнида бола ўзининг уйини қабрга ўхшатиши, яъни уйида овқат ҳам, дераза ҳам, оила-аъзолари ҳам йўқлигини назарда тутиш ҳолати орқали кулги эффектини яратишга ҳаракат қилган. Балки, бу боланинг ўзига хос дунёқараши натижасида катталар

[140] Ҳакимов Р. Khodja Nasreddin. – Т.: Санъат, 2007. Р.40.

учун кулгили ҳолатни келтириб чиқариш мумкин. Лекин аслида бу образ билан ўқувчида Афандининг уйини жуда ҳам ночор ҳолда тасаввур қилишга олиб келади.

Аслият матнига боғлиқ таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, воқеликнинг бошланишида бир тўда одамлар тобут кўтариб ўтишади. Таржимада эса тобут сўзининг инглиз тилидаги аналоги "*coffin*" сўзини учратмаймиз. Ушбу ҳолатда яна бир аҳамиятли жиҳат мавжудки, ***"тобут ёнида кетаётган икки киши навбатма-навбат "жигарим"лар эди"*** жумласи иштирок этган. Бу ўзбекларнинг ўзига хос анъанаси бўлиб, тобут кетаётган пайтда марҳумнинг яқинлари, ака-укалари, отаси ёки ўғли **"*вой жигарим*"** деб йиғлаб боришади. **"*Жигарим*"** деганда бу сўз ўз маъносида эмас, балки метонимик кўчма маънода ишлатилади. **"*Жигарим*"** деганда бир ота-онадан тарқаган қариндош-уруғлар назарда тутилади. Бу эса аслиятда ***"жигарим"*** сўзи орқали инсон назарда тутилмоқда. Метонимиянинг кўринишларидан бири, бу – қисм орқали бутун ёки бутун орқали қисмга ном кўчиш ҳолати. Л.Бобохонова томонидан метонимиянинг тушунчалар ўртасидаги муносабатига кўра берилган турлари орасида метонимиянинг 3-тури шу ҳолат билан боғлиқ. Бўлакнинг бутунга ёки бутуннинг бўлакка муносабати: *Николай замонида остонам туёқ кўрмаган*[141]. Таржима матнида метонимия стилистик воситасида маъно кўчиши ҳам акс этмаган. Бундан ташқари, **"*Вой жигарим, тагингизга солгани битта бўйра ҳам бўлмади..., бизникига ўлик келаётибди*"** жумлалари таржимада тушириб қолдирилган. Ушбу жумлалар ҳам метонимия воситасида кулги таъсири яратилишига асос бўлувчи ҳодисалар ҳисобланади. "***Вой жигарим, тагингизга солгани битта***

[141] Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б.47.

бўйра ҳам бўлмади...” жумласидаги “*бўйра*” сўзи мотам ҳолатининг таъсирчанлигини янада ошириб кўрсатиш мақсадида қўлланган. “Бўйра” сўзи тозаланган қамиш чўпидан тўқилган тўшама[142] маъносини англатади. Бу предмет инсон устида ўтириш учун ишлатиладиган энг қиймати паст даражадаги тўшак сифатида фойдаланилади. **“Тагингизга солгани битта бўйра ҳам бўлмади**” жумласи орқали ўша даврдаги ҳаётдаги етишмовчиликлар, оғир шароит назарда тутилади. Таржимада эса бу жумлалар ва шу орқали ўзбек халқи маданияти намуналари берилмаган. Қолаверса, Афандининг уйида бўйра борлиги сабабли у одамлар Афандининг уйидан бўйра олиб кетгани келишяпти деган тушунчаси аслият матнида ифодаланган бўлиши мумкин. Бу эса боланинг бўйра ва мотам ҳақидаги номувофиқ тасаввури натижасида кулги келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Ёки аксинча аслият матнида боланинг тобут кўтариб келаётган бир гуруҳ одамларни кўриб, болаларча дунёқараш билан **“*улар биз томонга келаяпти, бизнинг уйга келаяпти*”** деган тасаввур билан отасига мурожаати катталарда кулги қўзғалишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолат ҳам таржимон эътиборидан четда қолиб кетган.

Ушбу ҳажвий матн таржимасига ўз муносабатимизни билдириб ўтадиган бўлсак, агар таржимон ўзбек халқининг ўзига хос маданияти ва шу маданият орқали ўзбек тилига хос маъно кўчишларини тўғри англаган ҳолда таржима қилганда эди, таржима қуйидагича кўринишда бўларди:

Dead is Coming to Us

Nasriddin was playing in the street in his childhood. Suddenly, a group of people passed by him carrying the coffin.

[142] Ўзбек тилининг изоғли луғати. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.– Б.405.

Two men who were going near the coffin used to cry saying jigarim (a form of address to a person's brothers, sisters, close relatives. It is often used in mourning ceremony) turn by turn.

- Voy jigarim, we couldn't find even boyra (a mat knitted from peeled reed blade) for you to lie.

Nasriddin went into the house and informed his father:

- Father, dead is coming toward our home. (таржима бизники – У.Й)

Таҳлилга тортилган ушбу "*Бизникига ўлик келаётибди*" сарлавҳаси остидаги латифада метонимиянинг эркин метонимия тури қўлланган бўлиб, бундай метонимиялар маданий бўёқдорликни ифодалайди.

Бундай ҳолатда таржимон эркин таржима методидан фойдаланиб, метонимияни таржима тилига мослаштириши керак. Бундай метонимияларни таржима қилиш учун таржима стратегияси сифатида сўз қўшиш, ўзгартириш ёки перифраза каби усуллардан фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу ҳажвий матн ҳам бизнинг талқинимизга кўра, метонимия таржима стратегияси сифатида сўз қўшиш усули орқали таржима тилига олиб ўтилди.

2.2.3. Киноя стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари

Латифаларда кулги эффектини яратишда киноя стилистик воситаси ҳам фаол қўлланади. Киноя тил бирлигини унинг ҳақиқий маъносига нисбатан бошқа ёки қарама-қарши маънода, кесатиқ, қочирим, пичинг билан ишлатишдан иборат кўчим[143]. Бу стилистик усулда асосий – мантиқий ва матний маънолар орасидаги муносабат қарама-қаршиликка, зидликка асосланган бўлади. Бу икки

[143]Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т., 2002. – Б.49.

маъно бир-бирини истисно қилиб келади[144]. Киноя баъзан автор воқеани бамайлиҳотир, жиддий ҳолда ҳикоя қилади-ю, аммо сўзларни ўз маъносига қарама-қарши қўллаб, бирор киши ёки ҳодиса устидан кесатиқ билан, масхараомуз яширин кулади. Сўзлар ва ибораларнинг кесатиқ ва пичинг билан ўз маъносига қарама-қарши маънода ишлатилиши киноя усули дейилади[145]. Демак, киноя ҳажвий йўналишдаги асарларда ўзига хос кулгили матн ҳосил қилувчи услуб бўлиб, у матн мазмунини ташкил қилган тил бирликларининг тўғри маъноларига бутунлай қарама-қарши қўйилган яширин маънолар ифодаси билан юзага келади. Бунда ёзувчи ёки сўзловчи бамайлиҳотир, жиддий гапиради-ю, аммо сўзларни ўз асл маъносига қарама-қарши маънода қўллаб, бирор киши, унинг қилиғи ёки ҳодиса устидан кесатиб, масхаромуз кулади. Демак, киноянинг юзага келиши сўзловчининг субъектив муносабати билан боғлиқ. Чунки у орқали сўзловчи тингловчи ёки бошқаларга ҳаддан зиёд кучли таъсир ўтказади. Киноя сўзловчи ёки ёзувчининг субъектив муносабати ифодаси сифатида конкрет лисоний бирликлар асосида вужудга келади. Бу услубда сўз белгисининг ассиметрик томонларига асосланиб, кўп маъноли сўзлар воситасида ҳосил қилинадиган кулгили матндан фарқли равишда, сўзларнинг семантик тузилмасига кирувчи маъноларга асосланиб сўз ўйини қилмай, балки муайян матн мазмунидан келиб чиқиб, сўзга бошқа бир маъно юкланади. Шунинг учун киноя услубини ҳосил қиладиган сўзларнинг маълум бир матнда эга бўлган бундай маъноларини окказионал маъно деб баҳолаш мумкин. Киноя услубига асосланиб қурилган

[144] Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б.51.

[145] Шомақсудов А, Расулов И, Қўнғуров Р, Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т., 1983. – Б.241.

бадиий сўзнинг бундай қўшимча маъноси кулгини юзага келтиради.

Киноя стилистик усулининг мураккаб кўринишларида эса ушбу усулни вужудга келтирган сўзларнинг асл маъноларига қарама-қарши бўлган маънолар конкрет сўз ёки бирикмаларга тўғридан-тўғри юклатилмайди. Балки бутун матнни ўқиш жараёнида ўқувчи онгида киноявий из қолдирган сўзлар семантикаси, яъни киноявий окказионал маъно гаммаси юзага келиши натижасида киноя кулги ҳосил бўлади[146].

Матнда тил бирликларини ўта муболағали қўллаш ҳам кучли киноявий кулгини хосил қилади. Бундай бадиий матнларнинг таъсирчанлиги ҳам юқори даражада бўлади. Қуйида "Е, тўним" сарлавҳаси остидаги латифадаги киноя стилистик воситасининг қўлланишига эътибор қаратинг: *Афанди бир куни тўйга борган эди, унинг усти-боши эски бўлганлиги учун ҳеч ким эътибор бермади. У тезда тўйхонадан чиқиб, бир ошнасининг янги кийимларини кийиб, яна қайтиб келди. Афандини иззат-икром билан тўрига ўтқаздилар, олдига турли-туман ноз-неъматлар келтириб қўйдилар. Бу аҳволни кўрган Афанди устидаги тўнга хитобан:*

- Бу овқатлардан е, тўним е! *– деди.*

Ажабланган одамлар бу сўзнинг сабабини сўраганларида у:

- Модомики, бутун ҳурмат, эҳтиром янги тўнга экан, таомни ҳам у есин-да деб жавоб берди[147].

Ушбу ҳажвий матнда кулги эффекти иккита стилистик воситани қўллаш орқали юзага келган. Биринчиси, жонлантириш стилистик воситаси бўлиб,

[146] Абдураҳмонов Ш.А. Ўзбек бадиий нутқида кулги қўзғатувчи лисоний воситалар. Филол. фан.номз диссератцияси. –Т., 1997. – Б.113.

[147] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.74.

ушбу усул **“*бу овқатлардан е, тўним е*!”** жумласида қўлланган. Иккинчиси эса, киноя стилистик услуби бўлиб, у **“*модомики, бутун ҳурмат, эҳтиром янги тўнга экан, таомни ҳам у есин-да***” жумласида намоён бўлади. Биз учун аҳамиятлиси шундаки, биз таржима таҳлили жараёнида ушбу стилистик усуллар таржима матнида ҳам сақланиб қолинган ёки қолинмаганлиги ҳамда улар орқали кулги таъсири яратилган ёки яратилмаганлигини кўриб чиқамиз.

Ушбу латифа Идрис Шоҳнинг тўпламидан ўрин олган ва таржимон уни қуйидагича таржима қилган: *Nasrudin heard that there was a banquet being held in the nearby town, and that everyone was invited. He made his way there as quickly as he could. When the Master of Ceremonies saw him in his ragged cloak, he seated him in the most inconspicuous place, far from the great table where the most important people were being waited on hand and foot.*

Nasrudin saw that it would be an hour at least before the waiters reached the place where he was sitting. So he got up and went home.

He dressed himself in a magnificent sable cloak and turban and returned to the feast. As soon as the heralds of the Emir, his host, saw this splendid sight they started to beat the drum of welcome and sound the trumpets in a manner consonant with a visitor of high rank.

The Chamberlain came out of the palace himself, and conducted the magnificent Nasrudin to a place almost next to the Emir. A dish of wonderful food was immediately placed before him. Without a pause, ***Nasrudin began to rub handfuls of it into his turban and cloak.***

“Your Eminence,” said the prince, “I am curious as to your eating habits, which are new to me.”

“Nothing special,” said Nasrudin; ***“the cloak got me in here, got me the food. Surely it deserves its portion”***[148]

Ушбу матннинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз талқини: *Афанди қўшни шаҳарчада зиёфат берилаётгани ва унга ҳамма таклиф қилинганлигини эшитади. Афанди у ерга имкон қадар тезроқ етиб борди. Тадбир эгаси уни жулдур плашда кўрди ва ҳамма эътиборли инсонлар таклиф қилинадиган столдан анча узоқ бўлган энг чекка жойга ўтказди.*

Насриддин у ўтирган столга официантлар камида бир соатдан кейин келишини тушуниб етди. Шунинг учун у ўрнидан турди ва уйига кетди.

У қора рангли дабдабали плаш ва саллани кийди ва зиёфатга қайтиб келди. Амирнинг хабарчилари, зиёфат мезбони бундай дабдабали кўринишни кўриши биланоқ юқори мартабали меҳмонни карнай ва дўмбиралар садоси остида кутиб олишди.

Хизматчилар бошлиғи Насриддиннинг ёнига келди ва уни Амирнинг ёнидаги жойга ўтказди. Унинг олдига ажойиб овқатлар солинган идишлар олиб келинди. ***Насриддин овқатдан бир чимдим олиб, тўхтовсиз салла ва плашига суртади.***

“Жаноби олийлари,” деди шаҳзода, “Мен сизнинг мен учун янгилик бўлган овқатланиш одатларингиздан ажабланмоқдаман”.

“Буни ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ,” дейди Насриддин: ***“плаш мени бу ерга олиб келди, у менга овқат берди. У ўз улушини оляпти холос”****.*

Мазкур латифанинг моҳияти шундаки, инсонларнинг бир бирига кийим-бошларига қараб муомала қилишидек инсонларнинг камчиликлари, салбий хислатлари устидан кинояли кулиш мақсад қилинган. Тўй эгаларининг тўйда

[148] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. P-34.

Афандининг оддий, камтарона кўринишига беэътибор бўлиб, унга иззат-икром кўрсатилмаганлиги, лекин унинг янги тўн кийиб келгандан кейинги кўринишига эътибор қаратиб, уни ҳурмат билан уйнинг тўрига ўтказиб, ноз-неъматларни дастурхонга олиб келиши, Афандининг тўй эгаларига киноя қилиб, тўнга нисбатан **"*Е, тўним*"** деб мурожаат қилиши аслият матнида кулги уйғотади. Асосий киноявий маънони берувчи жумла эса, Афандининг ёнидагилари ундан "Нега тўнга гапиряпсиз" деганда унинг **"*модомики, бутун ҳурмат, эҳтиром янги тўнга экан, таомни ҳам у есин-да*"** деган жавобида акс этади.

Ушбу ҳажвий матннинг таржимасини таҳлил қиладиган бўлсак, дастлаб, латифанинг сарлавҳасига эътибор қаратишимиз лозим. Латифа сарлавҳасининг номи **"Е, тўним"** инглиз тилига **"*The Food of the Cloak*"** деб таржима қилинган. Агар сарлавҳа таржимасини ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилсак, у **"*Плашнинг овқати*"** маъносини англатади. Аслият матни сарлавҳасини бундай таржима қилиш матн моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Аслида латифанинг сарлавҳасидаги кулги матннинг моҳиятини тушунмасдан туриб ҳам кулги уйғотиши мумкин. Чунки, жонсиз предметни жонлантириш орқали уларга мурожаат этиш ҳам аслида кулги уйғонишига сабаб бўлади. Таржима матнида эса таржимон томонидан таржимага қўшимчалар киритилганлигига гувоҳ бўламиз. Лекин, бадиий таржимада эркин ва ижодий таржима методларидан фойдаланган ҳолда матнга қўшимчалар қўшиш ёки ўзгартириш киритиш таржимон томонидан амалга ошириладиган усуллар ҳисобланган учун бу ҳолга эътироз билдирмаймиз. Аҳамиятлиси шундаки, таржимон таржима матнини яратишда аслият матнидан унчалик узоқлашиб кетмаган. Бу ерда бизнинг эътиборимизни тортган жиҳат шуки, аслият матнида киноя ва жонлантириш стилистик воситаларини матнда қўллаш

орқали қўзғалган кулги таржима матнида акс этмагандек кўринади ва аслият матнидаги киноя таржима матнида йўқолиб қолган. Тўғри, аслиятдаги жонлантириш таржима матнида ҳам мавжуд, лекин бу ерда асосий кулги таъсири – мезбоннинг Афандига муносабатини унинг ёнидаги одамларга кинояли истеҳзо билан ифодалаш таржима матнида акс этмаган. И.Шоҳ "***бу овқатлардан е, тўним е***" жумласини **"*Nasridin began to rub handfuls of it into his turban and cloak*"** жумла билан ифодалаган. Аслиятда нутқ орқали жонлантириш усули қўлланган бўлса, таржимада ҳаракат билан ифодаланмоқда. **"*Модомики, бутун ҳурмат, эҳтиром янги тўнга экан, таомни ҳам у есинда деб жавоб берди*"** жумласини эса **"*the cloak got me in here, got me the food. Surely it deserves its portion"*** билан талқин этган. Бу ерда ҳам аслиятдаги киноявий маъно қисман йўқолган. Аслиятда **"*мезбон менга эмас, менинг тўнимга қараб мени кутиб олди, аслида бу кийим хеч нарсани англатмайди"*** маънолари мавжуд. Таржима матнида эса, **"*бу ерга мени плаш олиб келди, у менга овқат берди, бу унинг ҳаққи*"** жумласи орқали бундай маънолар ифодаланмагандек туюлади. Бундан ташқари, таржимон таржима матнига турли воқеа ва қаҳрамонларни қўшиб юборган. Биз юқорида бунга эътирозимиз йўқ деб таъкидладик. Лекин ўзбек тилида ҳам, инглиз тилида ҳам латифалар кўпинча тузилиши жиҳатидан қисқа, икки ёки уч диалогли бўлади. Таржима матнини бу даржада кенгайтириб юбориш, бизнингча таржимада шакл ва маъно уйғунлиги қонуниятига зид бўлиши мумкин.

Бизнинг талқинимизча, ушбу латифа қуйидагича таржима қилинса мақсадга мувофиқ бўлади:

Eat, my Ton

One day Nasriddin visited wedding. Nobody paid attention to him because of his clothes were old and ragged. He went out quickly. He put on his friend's new clothes and come

back to the wedding. They took him to the place with great respect where high rank people were sitting and put different delicious foods on the table. Having seen this situation Nasriddin said to his ton (one of the Uzbek national clothes like a coat which has no button and collar and wadded. It is worn not only everyday but also in mourning, wedding ceremonies) with exclamation:

- Eat this food, my ton!

People were surprised with his attitude and inquired about the words:

- As, the whole respect and esteem had been showed to the ton, let it eat the whole food itself. (таржима бизники - У.Й)

“Е, тўним” сарлавҳаси остидаги ушбу ҳажвий матннинг инглиз тилига таржима қилинган намунасини таҳлил қилганимизда латифадаги кулгини юзага келтирувчи киноя стилистик воситаси ўз тасвирий ифодасини йўқотганига гувоҳ бўлдик. Таржима матнида таржимон имкон қадар тасвирий ифодани сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Бироқ, аслият матнидаги киноя орқали ифодаланган тавсирий ифода таржима матнида шахслантириш стилистик воситаси кўринишида намоён бўлган. Бизнингча, таржимон аслият матнидаги кинояни таржима матнига сўзма-сўз таржима орқали олиб ўтганда аслият матнидаги кулги сақланиб қолинган бўлар эди.

2.2.4. Муболаға стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари

Ўзбек халқ латифаларида бирор - бир ҳолатни бўрттириб тасвирлаш ва у орқали тингловчида кулги эффектини яратиш кўпроқ муболаға орқали ҳам яратилади. Муболаға нарса, ҳодиса, жараёнларнинг белги-

хусусиятини, ҳолатини ўта бўрттириб тасвирлашдир[149]. Муболаға бўрттириш, орттириб кўрсатиш маъноларини билдиради. Муболаға ҳам асосан кўчма маънога асосланган. Лекин тропнинг бошқа турларида кўчма маъно асосида қандайдир ўхшатиш ёки бошқа бирор предмет ва воқеа-ҳодиса тушунилса, муболағада ҳаддан ташқари кучайтириш ёки кичрайтириш тўғри маънода тушунмасликни талаб қилади. Муболаға усулидан фойдаланаётганда у ҳақиқатга қай даражада мос келишига аҳамият бериш керак. Акс ҳолда муболаға бадиий бўёқ бериш ўрнига ўқувчида ишончсизлик уйғотиши мумкин[150]. Муболаға сўз маъноси кўчишига асосланиши унинг троплар гуруҳига мансублигини кўрсатса ҳам, у тропнинг бошқа кўринишларидан фарқ қилади. Шунга кўра муболаға тўғри маънода тушунмасликни талаб қилади.

Тропнинг бу турида сўзларни муболағали кўчма маънода қўллаш орқали ўқувчида тасвирланаётган воқеа-ҳодиса ёки предмет, унинг бирор муҳим томони ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилиш, кучли таассурот қолдириш, унда нутқ предметига нисбатан муносабат ҳосил қилиш, нутқнинг мақсадидан келиб чиқиб, кулги қўзғатиш назарда тутилади[151].

Латифаларда муболаға орқали бир воқеа-ҳодиса, предмет ва унга хос белгини бўрттириб тасвирлаш билан хосил қилинган тасаввур ўқувчи ёки тингловчида кулги уйғотади. Муболаға бўрттириб, орттириб кўрсатиш маъноларини билдириб, икки хил кўринишга эга. Биринчи кўринишда нарса-предмет ёки унинг белгиси ҳаддан зиёд

---

[149] Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2002. – Б.30.

[150] Шомақсудов А, Расулов И, Қўнғуров Р, Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т., 1983. – Б.244.

[151] Абдураҳмонов Ш.А. Ўзбек бадиий нутқида кулги қўзғатувчи лисоний воситалар. Филол. фан.номз диссератцияси. –Т., 1997. – Б.132.

катталаштирилса, иккинчи кўринишда ҳаддан зиёд кичрайтириб тасвирланади. Сўзларни муболағали қўллаш турли адабиётларда турлича номлар билан, жумладан, муболаға, гипербола, литота, таблиғ, иғроқ, ғуллув, кичрайтириш каби номлар билан талқин қилинади.

Муболағанинг ўзига хос томони шундаки, муболағали тасвирга эга бўлган нутқда ифодаланган ахборот объектив реалликка мувофиқ келмайди. Бинобарин, ана шу номувофиқлик кулги учун асос бўлади.

Муболаға ўхшатиш заминида юзага келади. Бироқ ўхшатишдан фарқли томонлари бор. Чунки ўхшатишда қиёсланаётган маънолар, воқеа-ҳодиса, предметларни тасаввур қилиш мумкин ва ўхшатиш тўғри маъноларга асосланади. Муболағада эса ана шундай белги ҳаддан зиёд кучайтириб тасвирланади.

Ҳажвий матнларда ёзувчилар муболағали ўхшатишлар орқали персонаж портретини чизиш билан унинг характер-хусусиятига ишора қиладилар, айни пайтда, кулги яратадилар. Муболағанинг бундай хусусиятлари ўзбек халқ латифаларига ҳам тегишлидир.

“Шўрвасининг шўрваси” сарлавҳали латифанинг таржимаси И.Шоҳнинг тўпламидан ўрин олган бўлиб, унда муболаға стилистик усулидан фойдаланиб кулги таъсири яратилган: *Афандига овчи ошналаридан бири қуён келтиради. Афанди хурсанд бўлиб, уни бир кеча меҳмон қилди. Орадан бир ҳафта ўтгач, ўша овчи яна келиб, Афандининг эшигини тақиллатди. Афанди бу сафар ҳам уни меҳмон қилиб жўнатди.*

Орадан бир ҳафта ўтгач, Афандининг ҳазилкашларидан беш-олти киши Афандининг уйига меҳмон бўлиб келди. Афанди булардан: “Сизлар ким бўласизлар?” деб сўраган эди, улар: “Ўша қуён келтирган ошнангизнинг ошналари бўламиз”, дейишди. Афанди

“Жуда яхши”, деб уларни ҳам шўрва билан кутиб жўнатди.

Яна бир ҳафта ўтгач, Афандининг эшигини яна ўн-ўн бешта одам чақириб келди. Афанди уларнинг кимлигини сўраган эди, улар ҳам: ***“Қуён келтирган ошнангизнинг ошналарининг ошналари бўламиз”****, деб жавоб беришди. Афанди: “Ундай бўлса, жуда яхши келибсизлар”, деб уларни ҳам иззат-икром билан кутиб олди, уйга ўтқазиб қўйиб,* ***катта кир тоғорада сув олиб чиқди.*** *Келган меҳмонлар ҳайрон бўлиб:*

- Бу қанақа таом? – дейишди.

Ўша ошнангиз келтирган қуённинг ***шўрвасининг шўрвасининг шўрваси****! – деди Афанди*[152]*.*

Латифада муболаға стилистик усули ***“Қуён келтирган ошнангизнинг ошналарининг ошналари бўламиз”, “Ўша ошнангиз келтирган қуённинг шўрвасининг шўрвасининг шўрваси!”, “катта кир тоғорада сув олиб чиқди”*** жумлаларида қўлланган. Моҳиятан ушбу жумлалар ўз ўрнида қўлланган. Афандининг уйига ҳазилкаш ошналарининг қуённи баҳона қилиб, унинг уйида меҳмон бўлиб кетиши бир неча бор юз бериши ва бу ҳолатдан жаҳли чиққан Афандининг уларни дастлаб меҳмон қилиши, кейинчалик эса улар олдига кир тоғорада сув олиб келиши кулги таъсири яратилишига сабаб бўлган. Бу латифанинг мақсади эса, турли баҳоналар билан ошнасининг уйига меҳмонга келиб, мезбонни ҳижолат қиладиган инсонлар характери устидан кулиш бўлган. И.Шоҳ эса мазкур латифани қуйидагича таржима қилган: *A kinsman came to see Nasrudin from the country, and brought a duck. Nasrudin was grateful, had the bird cooked and shared it with his guest.*

[152] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.90.

Presently another visitor arrived. He was a friend, as he said, "of the man who gave you the duck". Nasrudin fed him as well.

This happened several times. Nasrudin's home had become like a restaurant for out-of-town visitors. Everyone was a friend at some removes of the original donor of the duck.

*Finally Nasrudin was exasperated. One day there was a knock at the door and a stranger appeared. "**I am the friend of the friend of the friend of the man** who brought you the duck from the country," he said.*

"Come in," said Nasrudin.

They seated themselves at the table, and Nasrudin asked his wife to bring the soup.

*When the guest tasted it, it seemed to be **nothing more than warm water**. "What sort of soup is this?" he asked the Mulla.*

*"That", said Nasrudin, "**is the soup of the soup of the soup of the duck.**"*[153]

Ушбу матннинг ўзбек тилидаги сўзма-сўз талқини: *Афандининг қариндоши Афандига қишлоқдан ўрдак олиб келди. Насриддин ундан миннатдор бўлиб, ўрдакни пиширди ва уни қариндоши билан баҳам кўрди.*

Кўп ўтмай, бошқа меҳмон Афандининг уйига ташриф буюрди. У Афандига ўрдак олиб келган инсоннинг дўсти эканлигини маълум қилди. Афанди уни ҳам яхши меҳмон қилди.

Бу ҳол бир неча маротаба такрорланди. Насриддиннинг уйига қишлоқдан кўплаб одамларнинг ташриф буюриши сабабли унинг уйи ҳудди ресторанга ўхшаб қолди. Ҳамма ўша ўрдакни сабаб қилиб келаверди.

Охири Насриддининг сабр косаси тўлди. Бир куни Афандининг эшиги тақиллади ва у ерда бир бегона инсон

[153] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. – P.125.

турар эди. "Мен сизга ўрдак олиб келган инсоннинг ***дўстининг дўстининг дўсти*** *бўламан" деди у.*

Улар стол атрофига ўтиришди ва Насриддин хотинига шўрва олиб келишни айтди.

Меҳмон уни татиб кўрди ва бу унга ***илиқ сувдан бошқа ҳеч нарса эмаслиги*** *аниқ бўлди. "Бу қандай шўрва?" – сўради у Насриддиндан.*

"Бу", деди Насриддин, ***"ўша ўрдакнинг шўрвасининг шўрвасининг шўрваси".***

Ушбу ҳажвий матн таржимасининг таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, таржимон аслият матнининг моҳиятини сақлаб қолган. Аслият матнидаги муболаға воситасида яратилган кулги эффекти таржимада ҳам экс этган. Таржимон ***"Қуён келтирган ошнангизнинг ошналарининг ошналари бўламиз", "Ўша ошнангиз келтирган қуённинг шўрвасининг шўрвасининг шўрваси!", "катта кир тоғорада сув олиб чиқди"*** каби муболаға воситаси яратилган жумлаларни ***"I am the friend of the friend of the friend of the man who brought you the duck from the country", "is the soup of the soup of the soup of the duck"*** билан талқин этган. Лекин учинчи **"катта кир тоғорада сув олиб чиқди"** жумласи таржимада акс этмаган, балки шўрва кўринишида илиқ сув олиб келинган. Бу эса аслиятда кулги таъсирини кучайтирадиган жумла эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки, реал воқеликда ўзбек халқи ҳеч қачон уйига келган меҳмонга катта кир тоғорада сув олиб чиқмайди. Бу ҳолат билан аслиятда Афандининг уйига меҳмоннинг келаверишидан жаҳли чиққанлигини муболаға воситасида бўрттириб кўрсатади. Бу эса таржима матнида кулги таъсирининг қисман камайишига сабаб бўлган. Умуман олганда таржимон латифа моҳиятини ва мазмунини аслиятга яқинлаштирган дейиш мумкин. Бу

ерда биз тадқиқ қилаётган стилистик воситалардан ташқари баъзи воқелик ва объектларнинг таржималари борасида ҳам номувофиқликлар бор. Биринчиси латифа сарлавҳаси билан боғлиқ номувофиқлик. Аслият матни сарлавҳаси “Шўрвасининг шўрваси” деб номланади. Аслият матнини ўқиган ўқувчи сарлавҳанинг бундай номланишига ажабланиши билан бирга уни ўқиши биланоқ ўқувчида кулги уйғонади. Реал воқеликда “шўрвасининг шўрваси” бирикмаси инсонлар томонидан қўлланилмайди. Таржимон таржима моҳиятидан келиб чиқиб, ***“ўрдак шўрва”*** деб таржима қилган. Балки, бу инглиз адабиётида матнга ном бериш қонунияти билан боғлиқ ҳолдир. Аслида эса сарлавҳани **“*soup of the soup*”** деб таржима қилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки аслиятда кулги таъсири айнан мана шундай бирикманинг ишлатилиши натижасида ортиб бормоқда. Бундан ташқари, аслиятда Афандига қуён олиб келишади. Таржимада эса ўрдак олиб келинади. Аслиятда Афандининг уйига бир ошнаси келади. Таржимада эса қишлоқдан қариндоши келади. Бу ҳолатлар таржима қийматини туширишга таъсир қилмайди. Шунинг учун И.Шоҳнинг бу таржимасини бошқаларига нисбатан аслиятга яқинроқ таржима деб ҳисобласак бўлади.

Айни пайтда ўзимизнинг таржима вариантимизни ҳам таклиф этмоқчимиз. Бизнинг талқинимизча, таржимон стилистик воситаларнинг барчасига тўлиқ эътибор қаратиб, латифа сарлавҳасини ҳам аслият моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таржима қилса, қуйидаги кўринишда бўлар эди.

Soup of the Soup

One of the friends who hunt together brought a rabbit to Nasriddin. Nasriddin became grateful and hosted him for a

night. After a week, the hunter visited again and knocked Nasriddin's door. Afandi also hosted him as well.

After a week, five or six jokers of Nasriddin visited his house. When Nasriddin asked them who they were, they answered: "We are friends of the man who brought the rabbit to you". Nasriddin said, "very well" and treated them with the soup.

After two weeks, again ten or fifteen people knocked the door. When Nasriddin asked them who they were, they also said: "We are friends of the friends of the friends of the man who brought you a rabbit". Nasriddin said "I am so happy to see you" and welcomed them with respect. Then he seated them and brought water in big dirty basin. Guests wondered and asked:

- What sort of meal is it?-

- This is the soup of the soup of the soup of the rabbit which your friend had brought! – said Nasriddin. (таржима бизники – У.Й)

"*Шўрвасининг шўрваси*" сарлавҳаси остидаги ушбу латифани таржимаси фикримизча, бошқа латифалар таржималарига қараганда аслиятга яқинроқ ҳолда таржима қилинган. Назаримизда, латифа моҳияти таржимада ҳам акс этган. Муболаға орқали яратилган тасвирий ифода ҳам таржима матнида мужассамлашган. Лекин, латифа охирида асосий бўрттириш ҳолати – "*кир тоғорада сув келтириш" "оддий сув олиб келиш*" билан талқин қилинган. Бу эса таржима матнида кулги эффектининг ёрқин намоён этилишига тўсқинлик қилган. Лекин, умуман олиб қараганда, таржимон қайсидир маънода ўз мақсадига эришган.

"Ўжар қайнона" латифасида муболаға стилистик воситасини қўллаш орқали кулги эффекти яратилган

бўлиб, латифанинг мазмуни қуйидагича: *Афандига бир куни хабар бердилар.*

- Қайнонангиз дарё лабида кир ювиб ўтириб сувга тушиб, чўкиб кетибди. Ҳалигача ўлигини тополмаяптилар.

Афанди югуриб дарёга борди-да, қайнонаси йиқилган жойнинг юқорисини ахтара бошлади. Дарё лабига тўпланган одамлар таажжубланиб унга айтдилар:

- Ўликни сув оқизиб кетган. Дарёнинг этагини қараш керак-да!

- Эй-й, сизлар менинг қайнонамни билмайсизлар: у шундай қайсар эдики, доим одамнинг айтганига юрмай, тескарисига юрар эди. У дарёга чўкиб кетганда ҳам ***сув юрадиган томонга оқмай, тескарисига оқади.*** *Бу – турган гап*[154]*.*

Мазкур латифа инглиз тилига “I Know Her Best” сарлавҳаси остида таржима қилинган. *People ran to tell the Mulla that his mother-in-law had fallen into the river. “She will be swept out to sea, for the torrent is very fast here,” they cried.*

Without a moment’s hesitation Nasrudin dived into the river and started to swim upstream.

“No!” they cried, “downstream! That is the only way a person can be carried away from here.”

“Listen!” panted the Mulla, “I know my wife’s mother. If everyone else is swept downstream, the place to look for her is upstream.”[155]

Қуйида мазкур таржиманинг ўзбек тилига сўзма-сўз талқинини келтириб ўтамиз: *Одамлар Муллага унинг қайнонаси дарёга тушиб кетганини айтиш учун югуриб*

[154] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.34.

[155] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. P. 71.

кетишди. “У денгизга оқиб кетади, чунки бу ерда оқим жуда тез” деб ҳайқиришди улар.

Ҳеч қандай иккиланишсиз Насриддин дарёга шўнғиди ва оқимга қарши сузишни бошлади.

“Йўқ! Бу ёққа эмас.” бақирди улар, “оқим бўйлаб сузинг! Бу оқимда одам оқиб кетган бўлиши мумкин.”

“Менга қулоқ солинг!” ҳарсиллаб гапирди Мулла, “Мен хотинимнинг онасини биламан. Агар ҳамма оқим бўйлаб оқса, уни қидириш учун оқимга қарши сузиш керак.”

Аслият матнидаги **“*У дарёга чўкиб кетганда ҳам сув юрадиган томонга оқмай, тескарисига оқади”*** жумласи муболаға ёрдамида кўчма маъно хосил қилган. Реал воқеликда дарёга чўккан одам оқим бўйлаб оқади. Ҳеч қачон оқимга қарши ҳаракатлана олмайди. Латифада бу жумлани Афанди ўз қайнонасига нисбатан қўллаб, ҳаётда ўзгалар фикрининг тескарисини қиладиган қайсар одамларнинг характери устидан ҳажв қилинмоқда. Ушбу жумла инглиз тилига ***“If everyone else is swept downstream, the place to look for her is upstream”*** тарзида таржима қилинган.

И.Шоҳ томонидан ўгирилган ушбу латифанинг таржимаси моҳиятан аслият матнига мос тушмаган. Аслият матнида Афанди дарёга шунғимайди. Таржимада эса **“*Ҳеч қандай иккиланишсиз Насриддин дарёга шўнғиди ва оқимга қарши сузишни бошлади*”** жумласи мавжуд. Аслият матнида Афанди қайнонасига нисбатан қўлланган муболағадан олдин унинг характери ҳақида изоҳ бериб ўтади: “*Эй-й, сизлар менинг қайнонамни билмайсизлар: у шундай қайсар эдики, доим одамнинг айтганига юрмай, тескарисига юрар эди”.* Шунинг учун латифанинг сарлавҳаси “Ўжар қайнона” деб номланган. Таржимада эса қайнонасининг қайсарлиги ҳақидаги

маълумот экс этмаган. Шу сабабли, Афандининг чўкиб кетган қайнонасини оқимга қарши сузиб қидириши ўқувчида тушунмовчилик келтириб чиқариши мумкин. Мана шу жиҳат эса таржима матнида кулги эффектининг акс этмаслигига сабаб бўлади.

Бизнингча, латифанинг инглиз тилига таржимаси қуйидагича бўлади:

Tenacious Mother-in-law

Once Nasriddin was informed.

- Your mother-in-law fell into the river when she was washing clothes and plunged into the river. People have not found her corpse yet.

Nasriddin ran toward the river and began to look for above sight of the place in which his mother-in-law had fallen. People crowded at the coast of the river said him wondering:

- The corpse had flewn along the stream. You should look for her downstream of the river!

- Eh, you don't know about my mother-in-law: she was so tenacious and she used to do what she wanted not paying attention somebody's advice. She flew upstream even if she plunged into the water. I am sure. (таржима бизники – У.Й)

2.2.5. Шахслантириш стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари

Нутқимизда инсонга хос хусусиятлар баъзида ҳайвонларга, паррандаларга, ҳашоратларга ва жонсиз нарсаларга нисбатан қўлланиб ўзига хос эмоционал-экспрессивликни ифодалайди. "Ўзбек тили стилистикаси" асарида муаллифлар мана шундай эмоционал - экспрессивликни ифодалаш учун бирдан ортиқ стилистик воситаларни таъкидлаб ўтишган. Биринчиси -аллегория бўлиб, унда ҳайвон ва паррандалар инсонлар каби ҳаракат

қилади, улар каби гапиради. Ўқувчи эса асосий эътиборини шу ҳайвонлар орқали тасвирланаётган инсон образига қаратади. Иккинчиси - жонлантириш бўлиб, унда кишиларнинг харакатлари, ҳис-туйғулари, сўзлаш ва фикрлашлари жонсиз предметга кўчирилади. Учинчиси - апострофа бўлиб, унда жонсиз предметлар ҳаракат қилмайди, балки жонсиз нарсага жонли нарсадек мурожаат қилинади[156]. Инглиз тилида инсонга хос хусусиятларни ҳайвонлар ва жонсиз предметларга нисбатан қўллаб, эмоционал-экспрессивликни ифодалаш ўзбек тили қонуниятларидан фарқ қилади. Инглиз тилида инсонга хос хусусиятларни ҳайвон ва жонсиз предметларга нисбатан қўллаш персонификация дейилади.

А.Ҳожиев инсонга хос хусусиятларни жонсиз предметлар, ҳайвонлар, парранда, ҳашорат ва бошқаларга қўллаш орқали маъно кўчишини қуйидаги тилшунослик терминлари орқали белгилаш мумкинлигини таъкидлаб ўтган. Жумладан, жонлантириш – жонсиз предмет, мавҳум нарсаларга, жонли предметларга инсонга хос хусусиятлар бериб тасвирлашдан иборат усул[157]. Шахслантириш – кишига хос нарса, белги, ҳаракат кабиларни жонсиз предметга кўчирилишидан иборат услубий қўлланиш[158]. Аллегорияни эса мажознинг синоними сифатида ҳисоблайди ва мажозга қуйидагича таъриф беради: Мажоз – мавҳум тушунча ёки ғояларни аниқ образ орқали ифодалаш. М: бўри сўзининг ёмонлик (ёвузлик), очкўзлик ифодаси учун, тулки сўзининг айёрлик ифодаси учун қўлланиши[159]. Демак, инсонга хос хусусиятларни жонсиз предметлар, мавҳум тушунчалар ва ҳайвонларга нисбатан

---

[156] Шомақсудов А, Расулов И, Қўнғуров Р, Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т., 1983. – Б.244.

[157] Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Т., 1985. – Б.39.

[158] Ҳожиев А.Ўша асар. – Б.130.

[159] Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Т., 1985. – Б.60.

қўллаш орқали юзага келадиган эмоционалликни ифодалашни шахслантириш ёки жонлантириш терминлари билан атасак бўлади.

Ҳайвон номлари, зоонимлар орқали ҳам комик маънони ифодалаш мумкин. Бунда латифа қаҳрамонлари ҳайвонларга ўхшатилади ёки улардан стилистик усул ҳисобланган шахслантириш усулидан ҳам фойдаланилади. Афанди латифаларида Насриддин Афандининг кўпчилик саргузаштлари ва ўзининг ҳаётида содир бўлган воқеалар асосан унинг эшаги билан боғлиқ. Латифаларда кулгили воқеалар инсонга хос характер ва хусусиятлар, ҳатти - ҳаракатлар айнан эшак билан боғлиқ ҳолда, яъни уни ўзбек тили стилистикасида аллегория ёки жонлантириш, инглиз тилида эса персонификация (personification) стилистик воситаси билан яратилади. “Ҳачирдан сўра” сарлавҳаси остидаги латифада шахслантириш усули қўлланган: *Кунларнинг бирида Афанди қўшнисидан хачирини олиб қишлоққа жўнабди. Бироқ ҳарчанд уринмасин, хачир у айтган йўлдан юрмабди. Уни бошқаролмаган Афанди, ахийри, хачир бошини қўйиб берибди. Ўзи хоҳлаган тарафга кетаётган жонивор устида ўтирган Афандидан қаёққа кетаётганлигини сўрашганда:* ***“Мен қаёқдан биламан, хачирдан сўра”****, - деб жавоб берибди*[160].

Ушбу латифада Афанди минган хачирнинг ҳатти-ҳаракатини бирор гапга қулоқ солмай ўз фикрида қаттиқ туриб оладиган инсонларга ўхшатиб, уни инсонлардек тасвирлаш кўзга ташланади. Мана шу тасвирлашда ўзбек тили нуқтаи назардан аллегория ёки шахслантириш, инглиз тили нуқтаи назаридан персонификация орқали метафорик маъно кўчиши кузатилмоқда. Бу ерда

[160] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.64.

шахслантириш орқали метафорик маъно кўчиши ***“Мен қаёқдан биламан, хачирдан сўра”*** жумласида қўлланган.

Ушбу латифа инглиз тилига Р.Ҳакимов томонидан таржима қилинган бўлиб, 2007 йилда “Санъат” нашриёти томонидан нашр этилган “Khodja Nariddin” латифалари тўпламидан жой олган.

Once Khodja Nasreddin’s donkey turned obstinate so much that it was impossible to make him go along the right road. Khoja even brought a piece of bread to his face and ran away so that the donkey should follow him. The donkey looked sideways either at the lash or at the piece of bread but never moved. Then Nasriddin climbed on the saddle and gave the horse its head. The donkey started walking right away.

- Where are you going to, Khoja? – asked anybody and everybody.

- Now I am going to where my donkey will decide to go.[161]

Таржимон Руслан Ҳакимов томонидан инглиз тилига ўгирилган ушбу таржиманинг ўзбек тилидаги талқинига ҳам эътибор қаратамиз: *Бир куни Хўжа Насриддиннинг эшаги жуда ҳам қайсарлик қилиб, тўғри йўлга ҳеч юрмади. Хўжа эшакни у айтган йўлга юргазиш мақсадида ҳатто унинг юзига нон бўлагини ҳам олиб келди. Эшак бурилиб, бир қамчига, бир нон бўлагига қаради, лекин хеч жойидан силжимади. Кейин Насриддин эгарга миндида, унинг бошига отни олиб келди. Эшак олға юриб кетди.*

- Қайерга кетаяпсан, Хўжа? – сўради одамлар.

- Мен ҳозир эшагим боришни қарор қилган жойга кетаяпман.

Ушбу таржима матнининг таҳлили шуни кўрсатадики, “Санъат” нашриёти томонидан нашр этилган тўпламда Афанди латифаларининг сарлавҳалари

[161] Ҳакимов Р. Khodja Nasreddin. – Т.: Санъат, 2007. – Р.28.

таржимада берилмаган. Жумладан, биз таҳлил қилаётган латифанинг сарлавҳаси ҳам. Аслида ҳар бир латифанинг сарлавҳасини таржимон инглиз тилига ўгирганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, матн сарлавҳаси ҳам айнан унинг моҳиятидан келиб чиқиб қўйилади. Мазкур латифа сарлавҳасининг ўзи ҳам кулги таъсирини ҳосил қилади. Чунки, реал воқеликда инсон ҳеч қачон ҳачирдан бирор нарса сўрамайди. Бундан ташқари, айнан латифанинг сарлавҳасида аллегория ёки шахслантириш стилистик воситаси қўлланган.

Аслиятда Афанди қўшнисидан хачирини олиб туриши, лекин ҳачир қайсарлик қилиб сира юрмаслиги, шунда Афанди хачирни ўз ҳолига қўйиб бериши ва одамлар Афандидан қаерга кетаётганлигини сўраганда, **"*хачирдан сўра*"** деб жавоб бериши латифанинг моҳиятини белгилайди. Аслият матни охиридаги **"*хачирдан сўра*"** жумласи метафорик маънода инсонга хос ҳатти-харакатни хачирга кўчириб, уни шахслантирмоқда. Шу орқали кулги таъсири яратилмоқда.

Таржима матнида эса асосий объект - ***"хачир" "эшак"*** билан алмаштирилган. Таржимага бундай ёндашиш, бизнингча, таржимоннинг Афанди латифалари ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслигини билдиради. Латифаларда Афанди ва унинг эшаги ўртасида муносабат кўплаб латифаларда намоён бўлади. Афандининг эшаги одатда унинг энг яқин ҳамроҳи, ҳатто энг яқин дўсти сифатида ҳам тасвирланади. Аслият матнида Афанди қўшнисининг ҳачирини сўраб туради. Афанди доим ўз эшаги билан юриши, хачир унга бегона эканлиги сабабли, айнан хачирнинг Афандига бўйсунмаслиги тасвирланган. Таржима матнида эса Афандининг эшаги қайсарлик қилиб юрмайди деб берилган. Таржимон аслиятда бўлмаган мотивларни унга киритган. Афандининг эшак тумшуғига

нон олиб бориши ва шундан кейин югуриб кетиши аслиятда йўқ ҳолат. Хачирнинг қайсар феъл-атворини яхши билган Насриддин ниҳоят уни ўз ҳолига қўйиб беради. Таржимада эса эшак ҳақида бошланган латифа отнинг бошини қўйиб бериш ва охири эшакнинг юриб кетиши билан тугайди. Таржимоннинг эътиборсизлиги туфайли ўқувчи "Афанди икки ҳайвонга минган", деган хулосага келиши мумкин. Боз устига, хачир от ҳам, эшак ҳам эмас. У иккала жониворнинг қўшилмасидан ҳосил бўлган, ўта чидамли ва бақувват бир ҳайвон. Бу ҳам таржимада ўз аксини топмаган.

Тадқиқот учун аҳамиятли бўлган матннинг охирги қисмидаги кулги қўзғатувчи аллегория ёки шахслантириш стилистик воситаси ёрдамида метафорик маъно ҳосил бўлган ***"Мен қаёқдан биламан, хачирдан сўра"*** жумласи инглиз тилига ***"Now I am going to where my donkey will decide to go"*** тарзида берилган. Бу ерда аслиятдаги стилистик бўёқдорлик йўқолган. Чунки, эшак қорни оч бўлса, ўтлоқ томонга юриши ёки чанқаган бўлса, сув томонга юриши мумкин. Реал воқеликда эса у қаерга кетаётганлигини айтиб бера олмайди. Бориш манзилини баён қилиш эса фақат инсонга хос ҳатти-ҳаракат ҳисобланади.

Назаримизда, ушбу латифа қуйидагича таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Ask Mule Yourself

Once Nasriddin borrowed his neighbor's mule and went to the country. But the mule did not go along to the road which Nasriddin followed although he tried much to make him go. Finally, Nasriddin who could not control it loosened mule's head. When people asked Nasriddin who sat on the animal where he was going to, he answered:

- “I don’t know, ask mule yourself”. (таржима бизники – У.Й)

Аслида, таржимон аслият матнидаги стилистик бўёқдорликни таржима матнига ҳам, инсонга хос ҳатти-харакатни ҳайвонга нисбатан қўллаб олиб ўтганда, таржима матнида ҳам кулги таъсири яратилган бўларди. Биз таҳлил қилган ўзбек халқ латифасида қўлланган шахслантириш стилистик усули инглиз тилига таржима қилинганда айнан шу ҳолат акс этмаган. Шу боисдан ҳам аслият матнидаги шахслантириш стилистик усули таржима матнида ўз ифодавийлигини йўқотган.

2.2.6. Аллюзия стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари

Ўзбек халқи латифаларида юқорида таъкидланган стилистик воситалардан ташқари аллюзия ёрдамида ҳам кулги юзага келтирилади. И.Р.Гальперин “аллюзия сўз ёки иборани тарихий, бадиий, афсонавий, диний ёки ҳар кунги ҳаётимизда ёзиш ёки сўзлаш натижасида вужудга келадиган бирор воқеа ёки ҳодисага билвосита боғлиқ бўлади”,[162] дея таъкидлайди. Ҳажвий матн яратишда аллюзия жуда аҳамиятли, чунки Бергар таъкидланидек, “улар ижтимоий ва сиёсий ҳаёт билан боғлиқ”[163]. Кўпинча у ҳажвий материални яратишда аллюзиянинг қанчалик оммабоплигини кўрсатиш учун уни “ҳар кунги кулгининг нони ва сарёғи” дея таъкидлайди.

Л.Т.Бобохонованинг фикрича, аллюзия – бу тарихий, адабий, мифологик, диний ва маиший ёки машҳур асарларга таянишдир. Муаллиф ўз асарида аллюзияни қўллаганда уни китобхонга таниш деб билади ва унга изоҳ

[162] Galperin I.R. Stylistics. –M.: Высшая школа, 1981. – P.187.
[163] Berger A A. An Anatomy of Humour. – New Jersey. 1998. – P.10.

бермайди, шу хусусияти билан аллюзия ҳаволадан фарқ қилади. Ҳаволада бировнинг фикри сўзма-сўз қайтарилади. Аллюзияда эса сўз ёки ибора эслатиб ўтилади, холос:

“Ана қурувчиларнинг уйлари –карвонлари,

Шудир эртаклардаги қуёш шаҳри, эҳтимол”. (О.Матчон)[164]

Ушбу шеърда О.Матчон Компанелланинг “Қуёш шаҳри” асари номини аллюзия сифатида ишлатган.

Аллюзия стилистик усул сифатида қўшимча маълумот бериш хусусиятига эга. Бу маълумот фақат муаллиф томонидан берилади. Бу маълумотнинг асосий қисми матндан ташқарида бўлиб, уни тушуниб етиш китобхон билимининг бойлигига боғлиқ. Таржимада, одатда, таржимондан ана шу қўшимча маълумотни таржима матнида ҳавола ёки шарҳларда бериш талаб этилади.

Ҳажвий матнларда муаллифлар аллюзия орқали турли кулгили матнлар яратадилар. Бунда асар қаҳрамонларининг ҳатти-ҳаракати, фазилатини танқид қилиш орқали тингловчида кулги ҳосил бўлади. Афанди латифаларида ҳам аллюзия стилистик усули ёрдамида кулги қўзғатиш ҳолатларини учратиш мумкин. Бунда Афанди подшоҳлар, жумладан, Амир Темур, Бухоро амири ва бошқалар, турли жой номларини, хусусан, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Ҳиндистон, бадиий асарлардан “Отелло” асарини ва бошқаларни латифаларда қўллаш орқали ҳам кулги хосил қилган.

Таржимонлар Идрис Шоҳ ва Руслан Ҳакимовлар томонидан таржима қилинган тўпламларда аллюзия стилистик усули қатнашган ўзбек халқ латифалари таржима қилинмаганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, “Санъат”

[164] Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 88.

нашриёти томонидан нашр қилинган “Khodja Nasriddin” тўпламида аллюзия иштирок этган ўзбек халқ латифасини учратмадик. Идрис Шоҳнинг “The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin” деб номланган латифалар тўпламида турли жой номлари, инсонлар номлари билан аллюзия воситасида яратилган латифалар ҳам мавжуд. Буни “The smuggler” (Persia, Greece, Egypt), “His excellency” (Great Mogul, India, Delhi), “Saved his life” (India), “Why are we waiting” (Caliph, Baghdad), “In the Midst of Life” (Tatar, Tamerlane) сарлавҳаси остидаги латифаларда кўриш мумкин. Лекин бу латифалар ўзбек халқ латифалари ҳисобланмайди. Чунки, юқорида айтиб ўтганимиздек, ушбу тўпламда ўзбек халқ латифалари 38 тани ташкил этади. Аллюзия стилистик воситаси “Ўзим билиб ишимни қиламан” сарлавҳаси остидаги ўзбек халқ латифасида қўлланган бўлиб, ушбу латифанинг инглизча таржимаси М.Петерсоннинг тўпламидан ўрин олган.

Афанди ўғилчаси билан қайиқка тушиб, дарёда саёҳат килиб юрган эди, бирдан шамол туриб, қайиқни тўлқинлатиб оқизиб кетди. Афанди ўғилчасини кўксига босиб:

Ё, девонаи Баҳовуддин, *мадад қилиг, эсон-омон қуруққа чиқиб олсак, тўққизта шам, бир қадоқ кишмиш, еттита нон садақа қиламан,*

Ўғилчаси Афандига деди:

- Уйда ўзимиз қоронғида ўтириб, қаттиқ нонни сувга ивитиб еймиз-ку, сиз шам, кишмиш, нон садақа қиламан дейсиз?

- Жим, эсон-омон қуруқликка чиқиб олайлик, кейин ўзим билиб ишимни қиламан, — деди Афанди[165].

[165] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.259.

Мазкур латифада ўзбек халқининг азиз авлиёлари, тариқатчиларидан бири бўлган Баҳовиддин Нақшбандийнинг номидан фойдаланиб аллюзия стилистик усули қўлланган.

Инглиз тилига ушбу латифа М.Петерсон томонидан қуйидагича таржима қилинган: *One day, when Afandi was sailing with his son in a big boat, a big wind arose and began to carry them away. Frightened, Afandi began to pray. "**Oh, God," implored he,** "Save our Lives? If you bring us to the shore, I will burn a candle which will be as tall as the mast."*

Afandi's son began to nudge him. "Father," he asked, "where will you get the money to buy such a candle?"

"Quiet, hush!" commanded Afandi, then with a whisper he added, "First let me pray for our safety, then we will pray for the candle."[166]

М.Петерсон ўгирган мазкур таржиманинг ўзбекча сўзма-сўз талқини: *Бир куни Афанди катта қайиқда ўғли билан сузиб кетаётганди, кучли шамол кўтарилди ва уларни олиб кета бошлади. Қўрқиб кетган Афанди дуо қилишни бошлади. **“Э, Худо” деб ялинди у.** “Бизни ўзинг асраб, қирғоққа олиб борсанг, кеманинг энг юқори нуқтасига етадиган шам ёқаман”.*

Афандининг ўғли унинг тирсагига туртиб қўйди:

- “Ота”, деди у, “бундай катта шам сотиб олиш учун пулни қаердан оласиз?”

- “Жим!” буйруқ берди Афанди ва пичирлаб давом этди: “Ҳозир омонлик учун дуо қиламан, кейин шам учун дуо қиламиз”.

“Ўзим билиб ишимни қиламан” латифасини инглиз тилига ўгирилган таржимаси билан қиёслаб, таҳлил қилганимизда аллюзия стилистик усули инглиз тилида

[166] Peterson Marilyn. Treasury of uzbek legends and lore. – T.: Qatortol – Kamolot, 2000. – P.85.

тўлиқ акс этмаганлигига гувоҳ бўлдик. Аслият матнида қийин вазиятга тушиб қолган Афанди ушбу вазиятдан чиқиш учун ***“Ё, девонаи Баҳовиддин, мадад қилинг”*** жумласини қўллаган. Бу жумлани таржимон **“*Oh, God, implored he, "Save our Lives?”*** жумласига ўзгартирган. Умуман олганда, таржимон бундай ҳолатларда инсонлар худодан ёрдам сўрашини назарда тутган ҳолда ***“Э, Худо, ўзинг асра”*** деган маънони бермоқчи бўлган. Лекин аслият матнида Афанди худога эмас, айнан Баҳовиддинни азиз авлиё сифатида кўриб, унга мурожаат этмоқда. Инглиз тилида одатда шундай вазиятлар учун насроний дин вакиллари **“Bibi Mariam”, “Hail Mary”, “Holy Mary”** ибораларини қўллайди. Таржимон шу жиҳатни эътиборга олиб ***“Oh, Bibi Mariam! Please, support me”*** тарзида таржима қилиши мумкин. Бироқ ***“девонаи Баҳовиддин”***ни **“Bibi Mariam”**га ўзгартирилса, аслият матнидаги миллий ўзига хослик таржима матнида намоён бўлмайди. Фикримизча, бирор маълумот қўшиб исмдан фойдаланиш, ҳаволалар, матн оҳиридаги шарҳлар, таржимоннинг кириш сўзлари ва бошқа батафсил изоҳлардан фойдаланиш каби стратегияларнинг бири қўлланса, аслиятдаги стилистик бўёқдорлик таржима матнига ҳам олиб ўтилган бўлар эди. Шу орқали таржима матни ўқувчиси учун тушунарсиз бўлиб қолган маълумот аслият матнидагидек тушунарли бўларди.

Бундан ташқари, латифанинг моҳияти таржима жараёнида ўзгариб кетган. Ушбу латифада диний эътиқод белгилари ҳам акс этган. Лекин таржимада бу ҳолат акс этмаган. Натижада ўқувчи тасаввурида бунчалик катта шам ёқишдан мақсад нима эканлигини англамаслик ҳолати вужудга келган. Аслият матнида ўзбек халқи эътиқодига кўра, инсон бирор мушкул вазиятга тушиб қолса, мушкулим осон бўлсин деб, ўзгаларга пул, овқат

ёки бошқа нарсаларни ҳадя этади. Бундай қадриятлар “Биби мушкулкушод”, “Биби Сешанба”, “Биби Чоршанба” номлари билан аталади. Ушбу латифада айнан мана шундай диний қадриятларга эътиборсиз бўлган инсонлар ёки маълум даврда диннинг аҳамияти жамият орасида пасайиб кетиши кулги остига олинмоқда. Фикримизча, бу ерда таржимон садақани ёритиши ва садақа сифатида бечораларга шам, кишмиш, нон берилишини акс эттириши керак эди.

Демак, *“Ўзим билиб ишимни қиламан”* латифасини *“бирор маълумот қўшиб исмдан фойдаланиш”* стратегиясидан фойдаланиб қуйидагича таржима қилиш мумкин.

Self-opinioned

Nasriddin was sailing in a boat in the river with his son. Suddenly a big wind arose and began to carry them away. Nasriddin said embracing his:

- “Oh, saint Bahoviddin (one of the founders of visionary science in Central Asia)! Please, support us, if we reach to the shore of the river I will give alms contains nine candles, a bunch of grapes, seven bread”.

His son said to Nasriddin:

- “There is no candle at home, we eat old bread but you want to give alms”.

- “Quiet! First, let’s go to the shore in save, then I will do as I want”, said Nasriddin.(таржима бизники – У.Й)

“Ўқимишли эр” сарлавҳаси остидаги ҳажвий матн Афанди латифалари тўпламидан ўрин олган, лекин инглиз тилига таржима қилинмаган. Мазкур латифада аллюзия стилистик усули орқали кулги эффекти яратилмоқда. ***“Отелло” спектакли*** *тамом бўлганидан кейин, Афандининг хотини жуда таъсирланиб:*

- *Муаллиф саҳнага чиқсин! – деб қичқирди.*

Шунда Афанди унинг тирсагидан тортиб:

- Ўтир жойингга, муаллифи ўтган йили ўлган, - деди[167].

Ушбу ҳажвий матнда аллюзия В.Шекспирнинг машҳур “Отелло” асари орқали қўлланилмоқда. Латифа моҳиятига кўра, адабиётдан яхши хабардор бўлмаган Афанди ушбу асарнинг муаллифи ҳақида хотинига нотўғри маълумот бериши натижасида кулги қўзғолмоқда. Бу ерда кулги қўзғалишининг асосий сабаби XVI асрда яшаб ижод қилган Вильям Шекспирнинг хозирги замонда ақлга сиғмайдиган даражада “ўтган йили ўлган” деб жавоб бериши билан яратилмоқда. Бу кулгининг келиб чиқишига сабаб эса, айнан Отеллодан аллюзия сифатида фойдаланилган.

Аллюзия иштирок этган матнларни таржима қилиш жараёнида таржимон, одатда, баъзи таржима қийинчиликларига дуч келади. Бундай ҳолатлар, асосан, аллюзия объектининг таржима ўқувчисига номаълум бўлган ҳолатлари билан боғлиқ бўлади. “Ўзим билиб ишимни қиламан” латифасининг таржимасида таржимон айнан шундай ҳолатга дуч келади. “Ўқимишли эр” латифаси таржимасида эса аслият матнини сўзма-сўз таржима қилиш орқали ҳам аслиятдаги кулгини таржима матнига олиб ўтиши мумкин. Чунки, ушбу матнда қатнашган аллюзия объекти шу даражада машҳурки, у аслият матни ўқувчисига ҳам, таржима матни ўқувчисига ҳам бирдек маълум. Демак, ушбу ҳажвий матнни қуйидагича таржима қилиб, таржимон ўз мақсадига етиши мумкин.

Educated Husband

[167] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.118.

After the play “Othello” was over Nasriddin’s wife was greatly impressed and cried:

- I want to see the author of this play!

Therewith Nasriddin seized his wife’s elbow and said:

- Sit dwon, the author died last year. (таржима бизники – У.Й)

Латифалар халқ оғзаки ижоди намуналари бўлгани боис уларда тарихий шахсларга мурожаат этиш, тарихий шахслар номидан аллюзия стилистик усулини қўллаб латифалар яратиш ҳам ўзига хос аҳамиятли жиҳатлардан биридир. Аллюзия воситасида яратилган тасвирий ифода бирликларини таржима қилишда, агар аслият матнида қўлланган аллюзия маданий бўёқдорликка эга бўлса, яъни фақатгина аслият тили соҳибларигагина маълум бўлса, таржима матнида бундай тасвирий ифодани акс эттиришда таржимон бир қатор қийинчиликларга дуч келади. Бу ҳолатда аллюзияни бирор маълумот қўшиб исмдан фойдаланиш, манба тилидаги исмни таржима тилидаги исм билан алмаштириш, бирор ҳавола намунаси учун батафсил изоҳ қўшиб исмдан фойдаланиш, матн оҳиридаги шарҳлар, таржимоннинг кириш сўзлари ва бошқа батафсил изоҳлардан фойдаланиш матнда хато ҳисобланмайди, аммо қўшимча маълумот сифатида очиқчасига берилади.

III БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛАТИФАЛАРИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Ўзбек халқ латифаларини инглиз тилига таржима қилишда лингвокультурологик ёндашув

Ҳар бир халқнинг латифалари ўша халқнинг фольклор намуналари ҳисобланади. Шу ўринда фольклор сўзининг моҳиятига эътибор қаратсак. ЎТИЛда фольклорга қуйидагича изоҳ берилган, фольклор (инг. folklore < folk - халқ + lore – билим, фан) халқ ижодиёти; халқ томонидан яратилган ва халқ орасида кенг тарқалган асарлар (эртак, достон, қўшиқ, лапар, масал, мақол, матал, топишмоқ ва б). Халқнинг кўп асрли тарихи мобайнида яратилган ҳикматли сўзлар – миллий фольклорнинг энг яхши намуналаридир. Х.Ёдгоров, Ҳаёт тўлқинлари[168]. Латифалар ҳам халқ томонидан яратилганлиги ва халқ ижодиёти намунлари бўлганлиги боис уларни фольклорнинг ушбу луғатда келтирилган асарлари қаторига қўшиш мумкин. Латифалар ҳар бир халқнинг ўз руҳияти, менталитети, маданияти, дунёқараши, эътиқоди нуқтаи назардан яратилар экан, уларни таржима қилишда ҳар бир таржимондан таржимашунослик ва лингвокультурология соҳаларини ўзаро уйғунлаштирган ҳолда таржима амалиётларини олиб бориш талаб этилади.

Кейинги йилларда жаҳон тилшунослигида лингвокультурология, лингвопрагматика, когнитив тилшунослик, психолингвистика, этнолингвистика каби соҳаларда илмий тадқиқотлар антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида олиб борилмоқда. Бунда тилнинг

[168] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд . – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.355.

инсон омилини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш бош мезон ҳисобланади. Тадқиқотимиз ўзбек халқ латифаларини инглиз тилига таржима қилиш, ҳажвий матнларда кулгини юзага келтиришда инсон омили биринчи ўринга чиқиши ва латифаларни таржима қилишда ўзбек халқининг маданиятини ташкил этувчи урф-одатлар, расм-русумлар, халқнинг дунёқараши, менталитети, қадриятлари, тарихи ва географик жойлашувини ифода этувчи тил бирликларининг миллий-маданий хусусиятларини таржима тилида бериш масалаларига бағишланганлиги боис, уларни лингвокультурологик аспектда тадқиқ қилиш мақсад қилинган.

Тилшунослик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, XX асрнинг иккинчи чорагида лингвокультурология термини пайдо бўлди. Лингвокультурология фанининг пайдо бўлишида немис олими В.фон Гумбольдтнинг ҳизматлари беқиёсдир. Ушбу фаннинг юзага келиши рус олими В.Н.Телия номи билан ҳам боғлиқ[169]. Бундан ташқари, бу соҳанинг ривожланишига А.А.Потебня, Л.Вайсгербер, Х.Глинц, Х.Хольц, У.Д Уитни, Д.У Пауэлл, Ф.Баос, Э.Сепир, Б.Л.Уорф, Г.Брутян, А.Вежбицкая, Д.Хаймз каби олимлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишган[170].

Ўзбек тилшунослигида ҳам антропоценристик парадигма асосий эътиборда бўлган бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган, турли монография ва мақолалар нашр этилган. Бу тадқиқотлар айнан лингвокультурологик тадқиқотлар бўлмаса ҳам, бунга яқин соҳалар, жумладан, социолингвистика, когнитив тилшунослик, лингвопрагматика, психолингвистика кабиларда олиб борилган. Антропоцетнрик парадигма бош мезон

---

[169] Телия В.Н. Русская фразеолоия: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа “Язык русской культуры”, 1996. – 288 с.

[170] Маслова В.А. Лингвокультурология. 2-издание. –М.: Академия, 2004. – С. 6.

ҳисобланган тадқиқотчилар сифатида С.Мўминов, Ш.Сафаров, М.Ҳакимова, Н.Маҳмудов, Э.Бегматов, А.Нурмонов, Д.Худойберганова[171] ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин. Ушбу олимлар орасида Д.Худойберганованинг тадқиқот ишида матннинг антропоцентрик талқини, ўзбек тилидаги матнларнинг когнитив-семантик, психолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятлари тадқиқ қилинган. Олима ўз монографиясида ўзбек тилидаги матнларнинг лингвокультурологик хусусиятлари бобида прецедент бирликлар ва лингвомаданий бирликларнинг матн яратилишидаги ўрни каби масалаларга тўхталиб, унда ўхшатиш мазмунли матнлар, метафораларнинг матн яратишдаги ўрни, жонлантириш асосидаги матнларнинг лингвокультурологик хусусиятлари кенг очиб берилган. Ушбу тадқиқот ишининг тадқиқотимизга алоқадор жиҳати шундаки, Д.Худойберганова матнни антропоцентрик жиҳатдан тадқиқ этган бўлса, бизнинг ишимиз ҳажвий матнларни таржима қилиш ва уларда кулгини юзага келтирувчи миллий-маданий лексик бирликларни инглиз тилида миллий колоритни ифодалаган ҳолда акс эттириш масалаларига бағишланади.

Шу ўринда лингвокультурология фанининг моҳияти, унинг тадқиқот объекти ва предмети ҳақида фикр юритиш жоиздир. А.А.Абдуазизов лингвокультурологияга

---

[171] Мўминов С.М Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий – лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. – Т.: ЎзРФА ТАИ, 2000. – 47 б, Ҳакимова М.Х. Ўзбек тилида матннинг пргаматик талқини: Филол. фан. д-ри... дис. – Т.: ЎзР ФА ТАИ, 2001. – 283 б, Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б, Махмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур махсули //Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2011. № 3. – Б. 19-24, Бегматов Э. Антпропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2013. - № 3. – Б. 35-39, Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2013. - № 5. –Б.10-29, Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол. ф. д-ри. ... дис. автореф. –Т.: 2015. – 36 б.

қуйидагича изоҳ беради: линвокультурология – тил ва маданият, ўзаро маданий масалаларини илмий тадқиқ этади. Бу соҳа фақат маданият билан эмас, балки у орқали турли миллий урф-одатлар, диний ҳодисалар, миллий концептлар, дунёнинг тил орқали онгли ҳис қилиш воситаларини ўрганади. Дунёнинг тил харитаси, умуман, уларнинг инсонлар онгидаги мантиқий ифодаси билан мос келади. Бу масалани кенгроқ ва чуқур илмий ўрганиш лингвокультурология ва лингвокогнитология билан боғлиқдир[172]. Шу ўринда олим В.А.Маслованинг лингвокультурология борасидаги фикрига ҳам иқтибос келтириб ўтади, яъни "Тил маданият билан узвий боғланган, у маданиятга етиб боради, унда ривожланади ва уни ифодалайди"[173]. Олимларнинг фикрига қўшимча қилган ҳолда айтиш мумкинки, тил ва маданият бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, чунки ҳар бир миллат тилида ўша халқнинг маданияти ҳам акс этади.

Ш.Сафаровнинг таъкидлашича, ҳар бир шахснинг лисоний кобилияти ва мулоқот малакаси маълум маданият ҳудудида, маданий муҳитда шаклланади ва фаоллашади. Шундай экан, инсоннинг тафаккур ва лисоний фаолияти жараёнида юзага келадиган бирликларнинг структуравий ва мазмуний сатҳларида маданий элементларнинг акс топиши табиийдир[174]. Ш.Сафаровнинг фикрига қўшилган ҳолда, биз ҳам инсон нутқида қўлланадиган лексик бирликлар унинг нутқ маданиятини англатса, ана шу нутқ маданиятига инсон яшаб турган муҳитнинг маданияти бевосита таъсир кўрсатади, деган фикрни билдирмоқчимиз.

[172] Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. – Т.: Шарқ, 2010. – Б.144.
[173] Маслова В.А. Лингвокультурология. 2-издание. –М.: Академия, 2004. – С. 9
[174] Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006. – Б.65.

Д.Худойберганова лингвокультурологияга қуйидагича таъриф берган: лингвокуьтурология (лот. lingua - тил + лот. cultura - ишлов бериш + грек. logia - таълимот) тилшунослик, этнография, психолингвистика соҳалари ҳамкорлигида юзага келган, тилнинг маданият, этнос, миллий менталлик билан ўзаро алоқаси ва таъсирини антропоцентрик парадигма тамойиллари асосида ўрганувчи фан[175]. Лингвокультурологияни фаннинг кенг соҳаси сифатида талқин қилинади ва олима санаб ўтган соҳаларга фольклоршунослик соҳасини ҳам киритиш мумкин. Чунки, фольклор ҳам хар бир халқнинг маданиятини акс эттирадиган халқ оғзаки намуналари ҳисобланади.

Ҳажвий матнларни таржима қилишнинг лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ қилишда ушбу соҳанинг мақсади, объекти ва предметини аниқлаштириш керак. Шу ўринда З.К.Сабитованинг бу борадаги фикрларига эътибор қаратмоқчимиз. Олиманинг фикрича, маданият, халқ тафаккури, оламни идрок этишдаги ўзига хос жиҳатларнинг тилда акс этишини ўрганиш лингвокультурологиянинг асосий мақсадидир. Ушбу соҳанинг объекти тил ва маданият, предмети эса ўзида маданий семантикани намоён этувчи тил бирликлари ҳисобланади. Бинобарин, лингвокультурологияда маданий ахборот ташувчи тил бирликлари тадқиқ этилади. Бунда тил бирликлари лингвомаданий бирликлар термини остида бирлашади. Рамз, мифологема, эталон, метафора, паремиологик бирликлар, лакуналар, стереотиплар, прецедент бирликлар, нутқий этикетлар энг асосий лингвомаданий бирликлар ҳисобланади. Оламнинг лисоний манзарасини,

[175] Худойберганова Д. Лингвокультуролгия терминларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: Турон замин зиё, 2015. – Б.26.

маданиятнинг асосий концептлари мавжуд бўлган концептосферани, лисоний онгни тавсифлаш ҳамда тил эгаларининг миллий-маданий менталлигини акс эттирувчи лисоний бирликларни, инсониятнинг қадимий тасаввурларига мувофиқ келувчи маданий архетипларни, нутқий мулоқотга хос бўлган миллий ижтимоий-маданий стереотипларни аниқлаш лингвокультурологиянинг асосий вазифалари ҳисобланади[176]. Латифаларда ҳам лингвокультурологиянинг предмети ҳисобланган маданий ахборот ташувчи тил бирликлари кулги келтириб чиқаришда ўзига хос аҳамиятга эга. Ўзбек халқ латифаларини таржима қилишда мана шундай тил бирликларини таржима қилиш ва улар орқали юзага келган кулги эффектини таржима тилига ҳам олиб ўтиш таржиманинг ўзига хос муаммоларини келтириб чиқаради.

Агар ўзбек халқ латифаларини инглиз тилига таржима қилиш муаммолари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу ерда ҳар икки тилнинг ўзаро турли хил тил оилаларига мансублиги ва халқларнинг эса турли маданият вакиллари эканлигига гувоҳ бўламиз. Бундан ташқари, инглиз тилига ўгирилган латифалар инглизлар ва америкаликлар талқинида ҳам фарқланиши мумкин.

Ўзбек халқ латифаларини инглиз тилига таржима қилишда америка ва инглиз ҳажвиясининг ўзига хос хусусиятларига ҳам эътибор қаратиш таржимон олдида турган вазифалардан бири саналади. Бунинг учун ҳар икки мамлакат халқи ҳажвиясини ўрганиб чиқишга тўғри келади.

Америка ҳажвиясининг ривожланиши ва шаклланишини тўлиқ кузатиш учун бутун миллатнинг тарихига мурожаат қилиш лозим. Тарихан, илк америкалик кўчманчиларнинг ҳаёти миллат

[176] Сабитова З.К. Лингвокуьтурология: учебник. – М.: Флинта: Наука, 2013. – С. 10.

ривожланишининг ўзига хос характерини белгилайди. Фақат ўзига ишонишга тўғри келадиган оғир меҳнат, оғир ва хавфли шароитларга ўзига хос ёндашув ҳаётга бўлган қатъий қарашларни белгилаб берди. Биринчи бўлиб қитъага келганлар, изқувар овчилар, дарахт кесувчилар ёки оддий қароқчилар кўчманчиларнинг илк касблари бўлган. Айнан улар илк латифаларнинг қаҳрамонлари бўлишган. Ҳажв кўпроқ бир устун ёнида туриб айтиб берилган ибратли ҳикоялар кўринишида шаклланган.

Одатда, америкаликлар “латифа” терминини биз қабул қилгандек талқин қилмайди. Улар учун «joke» – жуда қисқа ҳазил тушунчаси мавжуд. Яна «story» – таржимада ҳикоя – тахминан биз “латифа” сифатида тушунамиз. Америка ҳажвияси турли тумандир, чунки унда ирланд ҳазиллари тематикасида, чуқур яҳудий ҳажвиясида инглиз ҳажвиясининг маданий мажмуи берилган. Америка ҳазиллари маълум қоидалар асосида тузилган. Америкада ҳазилни ҳамма тушуниши керак деб билишади[177]. Шу сабабли маҳаллий ҳажв ва тил бутун Америка маданияти учун умумийликка асосланади. Агар Британия ва Америка ҳазилларини қиёсласак, улар бир биридан фарқ қилади деган хулосага келамиз. Маданият ва кулги моҳиятини тушуниш манбаи Америкаликлар ва Британияликларда бир хил дея таъкидлаш мумкин, лекин ҳазиллар сезиларли даражада фарқлидир. Америка ҳажви инглиз тили муҳитида туғилган бўлса-да, у инглизчадан анча йироқ. Бунга асос бўлувчи факт шуки, сўнгги уч юз йилда мазкур мамлакатлар бир биридан йироқда ривожланди. Америка ва инглиз тилларида фарқлар унчалик сезилмаса-да, кулги яратишда жуда катта фарқ

[177] Месропова О.М. Структурные, прагматические и содержательные аспекты текстотипов «анекдот» и «шутка» на материале американских текстов: Дисс. канд. филол. наук. – М.: РГБ, 2002. – С.76

бор. Одатда, инглиз юмори сўз ёки гапни охиригача айтмаслик, ўйлашга ундаш, тасаввурларни ишга солишга асосланади, Америка ҳажви эса жуда аниқ ва оддий.

Инглизлар юморининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – тарихни камтарона таснифлаш. Эҳтимол, бу кучли монархия ҳукмронлиги остида анъанавий мустаҳкам Британия қироллиги ҳаётининг бироз тушкин ва қатъий тартибга солинган фалсафаси оқибатидир. Зиёлилар ва амалдорларнинг устунлиги цензура доирасини ўрнатган. Шу сабабли инглиз юмори анъанага кўра эҳтиёткор, охиригача гапирилмайди. Таъкидлаш лозимки, Америкаликлар латифаларни “заҳарлашга” унчалик берилмаган. Латифа ёки устидан кулиш кишини хафа қилиши ёки ҳақоратлаши мумкиндир, унда бунинг оқибати сифатида судга чақирув ва ҳақорат учун жарима бўлиши мумкин.

Маданиятнинг бир бўлаги ҳисобланган латифаларни таржима қилиш жараёнида таржимонда етарли даражада фон билим бўлмаганлиги учун тушунарсиз белгилар ва тилнинг ўзига хос жиҳатлари таржимонга қийинчилик туғдиради, чунки баъзи тил белгилари умуман таржима қилинмайди. Одатда, таржимон бирор маълумотни тили ва маданияти ўзидан фарқ қилувчи инсонга ўгириб бериш керак бўлади ва бу ҳолат икки хил тил ва маданият вакилларига тўғридан-тўғри алоқа қилишга имкон бермайди. Кўпинча аслият матнида кулги турли расм-русумлар, қарашлар, эътиқодлар, одатларга асосланган бўлса, уларни ўгириш мушкиллашади.

Икки тил ва маданият ўртасидаги тафовутлар таржима жараёнида таржима қийинчиликларини юзага келтириши хусусида О.Мўминов қуйидаги фикрларни келтириб ўтади. Тил ўрганувчилар ўрганаётган тил оламини хис қила олгандагина ўша тил алоқа воситаси

сифатида ўрганилиши мумкин. Янги маданият ҳақидаги билим ўрганувчиларга ҳорижий тилда эшитган ва ўқиганини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Таржиманинг энг қийин муаммоларидан бири маданиятлар ўртасидаги тафовутларда учрайди. Ҳар қандай маданият вакиллари матн мазмунига ўзларининг дунёқараши нуқтаи назаридан муносабат билдиради. Эквивалентига эга бўлган кўпгина сўзлар таржимада доимо бир бирига мос тушавермайди. Чунки, улар махсус коннотатив маъноларга эга. Масалан, "қўй" сўзи рус тилида салбий коннотатив маънога эга (Ты - баран – сен жудаям аҳмоқ одамсан), аммо ўзбек тилида ушбу сўзнинг ижобий коннотатив маъноси ҳам мавжуд (У қўйдай юввош). Олим бундан ташқари, халқларнинг маданият жиҳатидан фарқларини сўзларнинг кўчма маъноларда қўлланишида, жумладан, метафора ва ўхшатиш стилистик воситаларида, фразеологик бирликларда, ҳиссий ифода воситаларида ҳам учраши мумкинлигини мисоллар орқали тушунтириб берган[178]. О.Мўминовнинг фикрига қўшилган ҳолда инглиз ва ўзбек халқлари маданиятида ҳам фарқли жиҳатлар мавжудлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бунга сабаб икки халқнинг турли географик минтақада истиқомат қилиши ва шунинг натижасида уларнинг тафаккури ва оламни идрок этиши турлича бўлишидадир.

О.Мўминов тил ва маданият масаласига тўхталиб, "ўзбек, инглиз ва рус тилларида ранглар ва осмон жисмларининг коннотатив маъноларидаги фарқларини, ўзбек тилидаги *"бормоқ"* феълининг маънолари ушбу феълнинг инглиз тилидаги эквиваленти *"to go"* феълининг маъноларига тўлиқ мос келмайди" деган фикрни билдириб

[178] Muminov A. A Guide to Consecutive translation. – T.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – pp. 17-21.

ўтган[179]. Олимнинг фикрича, *“қуёш”* ва *“ой”* сўзлари турли тилларда коннотатив маънода одамларнинг ижобий характерини ифодалайди. Шимолий минтақаларда яшовчи инсонлар қуёш сўзининг маъносини ҳаёт манбаи, қувонч сифатида тушунишса *(“Моё солнышко – менинг қуёшим”)*, жанубий минтақаларда яшовчи одамлар ҳудди шундай коннотатив маънони ой сўзи билан ифодалайди *(“Менинг осмондаги ойим”., “ойдек қиз”)*. Демак, халқларнинг маданиятидаги фарқлар нафақат географик жойлашувга, балки халқ тафаккури ва тилининг ички имкониятларига ҳам боғлиқдир.

Ўзбек халқ латифаларида миллий менталитетга хос хусусиятлар, гарчи деталь шаклида бўлса-да, ҳар қалай ярқ этиб кўриниб туради. Чунончи, “Осон чора” латифасида *Насриддин эшагига тескари миниб, муллаваччалар билан йўлга чиқади. Муллаваччалар ҳайрон бўлиб, ундан бундай ўтиришнинг сабабини сўрашади. Шунда Афанди:*

- *Эшакка тўғри минсам орқам сизларга бўлиб, одобсизлик қилган бўламан, сизлар менинг олдимга тушиб олсаларинг, сизларнинг орқаларингиз менга бўлиб, одобсизлик қилган бўласизлар.*

Насриддининг сўзлари таржимада айнан келтирилган ва миллатга хос ҳурмат туйғусини ифодалаб келган. Ўзбек халқида ёши улуғ одамга ҳам, ёшга ҳам бир хил иззат кўрсатилади.

- *If you walk in front this would show disrespect to me, because you would be your backs to me, If I ride ahead with my back toward you, this shows disrespect for you. This is the only way doing it.*

[179] Muminov O.M. Words as carriers of culture meaning// Modern Trends in Teaching Foreign Languages: Achievements, Challenges and Solutions. International Conference Proceedings. May 13-14, 2017. – T.: – pp. 209-212.

Латифа, бир жиҳатдан, Афандининг қанчалик ҳурматталаб эканлигини кулги остига олса, иккинчи тарафдан, миллий одоб доирасидаги ҳурматнинг қай даражада юқори туришини кўрсатади[180].

Барча латифалар ўзлари содир бўлган жамиятдаги ижтимоий ҳодисани ифодалайди. Таржима жараёнида таржимон учун ҳар бир маданиятнинг ўзига хос муаммолари ва қийинчиликлари пайдо бўлади.

Кулгини ҳис қила оладиган бир хил жамиятнинг баъзи таркибий қисмларидагина ҳазиллар мавжуд. Интеллектуал жамият кишилари орасидаги кулгили ҳолат интеллектуал салоҳиятга эга бўлмаган жамият кишилари учун кулгили бўлмаслиги мумкин[181]. Жумладан, ҳайдовчилар орасидаги ҳазил-мутойиба олимлар учун кулгили бўлмаслиги мумкин. Шундай экан, биз латифанинг моҳиятининг англаш учун унинг маданий ва ижтимоий асослари, эътиқод ва унга муносабатларини тушунишимиз керак[182]. Негаки, маданият бир қатор фаолият ва ғоялар ҳамда уларнинг объектлардаги материал ифодаси сифатида таърифланади.

Ҳажв ва менталитет алоқаси, юмор ва маданият алоқаси масалалари маданиятлараро мулоқотни ўрганишда долзарбдир. Ўзбек тилидаги латифа ва ҳазиллар ҳамда уларнинг инглиз тилидаги таржимасини қиёслаб, аксарият ҳолларда таржима матнида аслият матнига нисбатан кулги таъсири кучли бўлмаслигини кўрсатувчи тенденцияни кузатиш мумкин. Ўзбеклар ва инглизлар умуман турли

[180] Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртаклар, латифалар мисолида)". Филол. фан. номз. диссертация. –Т., 2011. – Б.127.

[181] Chun S. Humour in Korean Literature. International Cultural Foundation. 1977. – P.56.

[182] Nash W. The Language of Humour: Style and Technique in Comic Discourse. – London and New York: Longman, 1985. – P. 78.

реалиялар устидан кулиши мумкинлигини инобатга олиш керак.

Бу борада инглиз ва ўзбек халқи ўртасида кулгини юзага келтирувчи омиллар ҳам турлича бўлади. Бу албатта икки миллат халқининг ўз маданияти, менталитети, урф-одатлари, анъаналари, яшаш тарзи, географик жойлашуви ва ҳоказоларга боғлиқ жараёндир. Буни нафақат биз ўрганаётган соҳада, балки тиббиёт соҳасида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Ғарб тиббиёт оламида шундай гап бор: Агар касал бўлишни истамасанг оёғингни иссиқ тут. Шарқ тиббиёт оламида эса бу жумлани қуйидагича талқин қилишади: Агар касал бўлишни истамасанг, бошингга ҳар доим бош кийим кийиб юр. Бу Ғарб ва Шарқ халқларининг географик жойлашуви ва иқлими билан боғлиқ ҳолатдир. Шунинг учун халқимиз ўз дўпписини хеч қачон бошидан қўймаса керак.

Инглиз ва ўзбек халқи икки хил минтақада жойлашганлиги сабабли уларни кулги яратиш хусусиятлари ҳам турлича бўлади. Бу ўз навбатида икки миллат ҳажвини тушунишда маданий тафовутларни келтириб чиқаради.

Юқоридаги фикрлар латифаларни таржима қилишдаги миллий маданият билан боғлиқ муаммоларининг бир жиҳати бўлса, латифаларда кулгини юзага келтирувчи миллий-маданий лексик бирликларни таржима матнига аслият матнида акс этган маъноси билан олиб ўтиш масаласи – иккинчи жиҳат ҳисобланади. Бу ўз навбатида миллий-маданий лексик бирликлар, яъни реалияларни таржима қилиш муаммолари билан боғлиқ хусусиятлар ҳисобланади.

3.2. Афанди латифаларининг инглиз тилига таржимасида миллий-маданий лексик бирликлар

Миллий-маданий ўзига хослик лексиканинг турли қатламларида ифодаланади. Бундай лексика инсон ҳаёти ва унинг барча ранг-барангликларини акс эттиради. Б.Исмоилованинг фикрига кўра, географик тушунчалар, маданий-тарихий терминлар, реалиялар номлари, миллат турмуш тарзи ва маданиятининг ўзига хослигини, қардошлик алоқалари, инсон кийимлари ва тана аъзолари номлари, ўсимлик ва ранг маъносини англатувчи сўзлар, кўп маънолилик хусусияти, коннотатив ва тасвирий ифода маъноларига эга сўзлар миллий-маданий ўзига хосликни англатувчи сўзлар хисобланади[183]. Фикримизча, бу номлар гуруҳига расм-русумлар, анъана ва одатлар, диний қарашлар номларини ҳам киритиш мумкин. Одатда, бундай номлар жамият томонидан қабул қилинган хисобланади.

Сўзлар турли тилларда ўзларининг денотатив маъноларига кўра бир бирига мос тушади, лекин ифода маъноларига кўра фарқ қилиши мумкин. Сўзларнинг ифода маъноларидаги фарқ кўплаб омилларга, жумладан, маданий-этнографик хусусиятлар, турли мамлакат халқларининг ўзига хослиги, экологик шароитларнинг ҳар хиллиги, ижтимоий жиҳатдан жамият аъзоларининг турли қатламларга ажралиши кабиларга боғлиқ бўлади.

Лингвистик адабиётларда “миллий-маданий моҳият”, “миллий ўзига хослик”, “миллий маданиятнинг хусусиятлари”, “миллий-маданий ўзига хослик”, “миллий колорит”, “миллий-маданий семантика, этносемалар ва

[183] Исмаилова Б. Категория образности и средства ее выражения в словообразовательной системе английского и киргизского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1989. – С. 70.

ижтимоий-маданий маъно”, “миллий ўзига хос маъно”, “миллий алоқадорлик семаси”, “ҳудудий-маданий компонент ёки маданий компонент” терминлари қўлланади. Улар орасида семантикада миллий ўзига хосликни тўлиқ ифодалай оладиган тил бирлиги миллий-маданий ўзига хослик термини ҳисобланади.

Миллий-маданий ўзига хослик тушунчаси орқали семантик лексик бирликларнинг миллий ўзига хос воқелик, халқларнинг ижтимоий-тарихий ва иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, миллий маданият, анъана ва маросимларнинг маълум бир хусусиятлари тушунилади. Миллий-маданий ўзига хослик тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олади: а) миллий-маданий маънога эга лексик қатлам, б) маданий компонентли маънога эга сўз, в) миллий-маданий коннотацияга эга сўз.

Миллий-маданий маъно термини денотатив-сигнификатив маъноли сўзларни билдиради ва мутлоқ миллий-маданий моҳиятни ифодалайди. Масалан, ўзбек тилидаги “*паранжи*” сўзи миллий-маданий маъноли термин ҳисобланади. Бу терминлар гуруҳига муқобили йўқ сўзлар ҳам кириб, бундай сўзларнинг эквиваленти бошқа тилда мавжуд бўлмайди. Улар реалиялар, хос сўзлар деб ҳам аталади.

Маданий компонентли маънога эга сўзлар, одатда, эквивалент лексик бирликлар ҳисобланиб, ўзида миллий маданиятнинг ўзига хос маъносини ифодалайди ва бошқа тилдаги лексик бирликлар билан аталади. Масалан, ўзбек тилидаги “*сандиқ*” сўзининг эквивалентлари инглиз тилида “*chest*”, “*trunk*” сўзларидир. Лекин, уларнинг вазифалари жиҳатдан бир биридан фарқи мавжуд. Масалан, сандиқнинг ўзбек тилидаги қўшимча вазифаси маданий компонент маънони ифодалайди. Сандиқ, одатда, уй-рўзғор жиҳози ҳисобланади. Лекин, қадимдан ўзбек

халқи сандиқни уйнинг меҳробига жойлаштиради ва устига кўрпа-тўшаклар йиғиб қўяди. Бундан ташқари, ўзбек халқи расм-русумларига кўра, келиннинг ота-онаси келин куёв ҳонадонига кетаётган пайтда бериладиган “келин сепи” деб аталган турли уй-рўзғор анжомлари, кўрпа-тўшаклар қаторида сандиқ ҳам бўлади. Сандиқнинг мана шу қўшимча маънолари унинг маданий компонент маънолари ҳисобланади.

Миллий-маданий коннотацияга эга сўзлар асосан, стилистик воситалар билан боғлиқ коннотатив маънолар ҳисобланади. Бунда, стилистик воситалар ёрдамида яратилган тасвирий ифода бирликларининг баъзи коннотатив маънолари бошқа тилда учрамаслик ҳолатлари билан боғлиқ. Масалан, инглиз тилида “as light as a feather” (патдек енгил) иборасининг ўзбек тилидаги муқобили “қушдек енгил” ибораси ҳисобланади.

Айнан маданий бўёқдорликка эга бўлган лексик бирликлар ёрдамида кулги яратилган латифалар ўзига хос аҳамиятга эга ва уларни таржима қилишда таржимон қийинчиликларга дуч келиши табиий.

Ўзбек халқ латифаларида ҳам миллий-маданий лексик бирликлар ёрдамида яратилган бир неча латифалар борки, улар тадқиқот ишимиз учун аҳамиятлидир. Жумладан, *“Салла ва савод”* латифасида ҳам шу каби ҳолатни учратиш мумкин.

*Афанди саватдай **саллани** ўраб, кўчада борар эди. Йўлда бир киши унинг олдини тўсиб, илтимос қилди:*

- Тақсир, шу хатда нималар ёзилганини ўқиб берсангиз? – деб Афандининг қўлига хат ёзилган бир парча қоғозни узатди.

- Мен ўқишни билмайман, – деб Афанди қоғозни қайтарди.

У одам таажжубланиб сўради:

*- Бошингизда шундай катта **салла** билан хат ўқишни билмайсизми?*

*Афанди бошидан **салласини** олиб, у кишининг бошига кийгизиб айтди:*

*- Агар **салла** ўраш билан одамни саводи чиқиб қолса, хатингни ўзинг ўқи![184]*

Мазкур латифада ўзбек миллий кийими ҳисобланган ***салла*** миллий-маданий лексик бирлик воситасида кулги эффекти яратилмоқда. Ўзбек халқи анъанавий миллий кийимлари сирасига дўппи, яктак, белбоғ, иштон, чориқ, телпак, салла, чопон, маҳси-ковушлар киради. Ушбу кийимларнинг ҳар бири ўзининг маросимий маъносига эга.

Салла I (а. – сават, тўрхалта; тугун) – узунлиги 1,5 метрдан 7 метргача бўладиган, дўппи, қулоқ, телпак устидан ўраладиган сидирға мато, дока; мусулмон эркакларининг бош кийими. II. Маърака-маросимларда тухумга қорилган хамирдан салла шаклида ўраб, ёғда пишириладиган миллий пиширик; ўрама[185]. Демак, *салла* сўзининг иккинчи маъносида ўзига хос миллий маъно мавжудлиги кўриниб турибди. Ушбу сўзнинг биринчи маъноси, яъни кийим турини англатиб келганда ҳам, назаримизда миллий маъно мавжуд. Фикримизча, ***салла*** сўзининг Ўрта Осиёга кириб килиши ислом динининг бу ерга ёйилиши билан боғлиқ. Ўрта асрларда туркий халқлар орасида олиму-уламолар, дин пешволари, ўқимишли инсонлар салла кийиб юришган. Хозирги кунда эса ***салла*** бош кийимидан асосан, имом хатиблар фойдаланишади. Демак, салла диний уламоларни оддий инсонлардан ажралиб туришида ҳам муҳим рол ўйнайди. Фаразимизча,

---

[184] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.71.

[185] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.428.

қадимдан арабларда, Ўрта асрларда мусулмон туркий ва бошқа халқларда салла кенг кўламда фойдаланиб, унинг бош ва қулоқни иссиқ-совуқдан асраш вазифасидан ташқари яна бир вазифаси ҳам бўлган. Бу халқлар савдо ёки бошқа юмуш билан узоқ юртларга сафар қилган вақтларда бирор савдогар йўлда қазо қилиб қоладиган бўлса, унинг салласи кафан вазифасини ҳам бажарган бўлиши мумкин. Салланинг иккинчи маросимий таом маъноси унинг биринчи – кийим маъносидан метафорик маънода олинган.

“Салла ва савод” латифасида дин пешволари, қозиларнинг саводсизлиги устидан ҳажв қилинмоқда.

Ушбу латифа инглиз тилига М.Петерсон томонидан таржима қилинган. Латифа сарлавҳаси “The Intelligent Turban” тарзида ўгирилган.

*Once Afandi, with a big **turban** wound around his head, was walking down the street. Suddenly, a stranger appeared in front of him. “Oh, honorable one, please read me this letter”.*

“Oh, I can't read,” said Afandi.

*“What do you mean you can't read” exclaimed the stranger, “But there is a big **turban** on your head.”*

*“If the **turban** is able to assist you in reading,” rejoined Afandi, as he removed the **turban** and handed it to the stranger, “then take it, and read the letter yourself.”*[186]

М.Петерсон мазкур латифадаги ***“салла”*** миллий-маданий лексик бирлигини инглиз тилидаги эквиваленти ***“turban”*** сўзи билан алмаштирган. Бу борада М.Петерсоннинг фикрига қўшиламиз, чунки OALD луғатда ушбу сўзнинг қуйидаги изоҳини учратдик: *a long piece of cloth wound tightly around the head, worn, for*

[186] Peterson Marilyn. Treasury of uzbek legends and lore. – T.: Qatortol – Kamolot, 2000. – P.76.

example, by Muslims or Sikh men[187]. Бу айнан ўзбек халқи орасида кенг тарқалган ва ҳозирда ҳам истемолда бўлган ***“салла”*** сўзини англатади.

“Салла” миллий-маданий лексик бирлиги “Салла – чопоннинг эгаси”[188] латифасида ҳам қўлланган. Мазкур латифанинг таржимасида ҳам М.Петерсон **“салла”** сўзини тўғри таржима қила олган. Инглиз тилига ўгирилган “The Owner of a Turban and a Robe”[189] латифасида ***“салла”*** сўзининг эквиваленти қилиб ***“turban”*** сўзи танланган. Мазкур латифада бундан ташқари ўзбек халқининг миллий кийими ***“чопон”*** сўзи ҳам қўлланган бўлиб, таржимон ушбу сўзни ***“robe”*** деб таржима қилган. Ушбу сўзнинг инглиз тили изоҳли луғатларида қуйидаги маъноларини учратиш мумкин*: 1. A long, loose outer piece of clothing, especially one worn as a sign of rank or office at a special ceremony (узун, кенг кийим устидан кийиладиган кийим бўлиб, махсус маросимда унвон ёки мансаб белгиси сифатида кийилади)*[190]*. 2. A long loose piece of clothing, worn by an importarnt person such as a priest during an official ceremony (узун кенг кийим бўлиб, расмий маросим давомида диний амалларни амалга оширадиган шахс томонидан кийилади)*[191]. Демак, **robe** (мантия, ридо) асосан расмий маросимларда диний амалларни амалга оширадиган шахс томонидан кийилади.

Ўзбек халқ латифаларидан қўлланган ***“тўн”, “чопон”*** миллий-маданий лексик бирликлари эса халқимиз орасида

---

[187] Hornby A.S. “Oxford Advanced Learner’s Dictionary”. – Oxford: Oxford University Press, – P.1649.

[188] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.192.

[189] Peterson Marilyn. Treasury of uzbek legends and lore. – T.: Qatortol – Kamolot, 2000. – P.76.

[190] Hornby A.S. “Oxford Advanced Learner’s Dictionary”. – Oxford: Oxford University Press, – P.1316.

[191] Macmillan For Advanced Learners. Printed and bound in Malaysia, in 2010. – P.1290.

махсус маросимлардан ташқари ҳар кунги ҳаётимизда ҳам кенг фойдаланилади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, **“тўн”** сўзи **“чопон”** сўзининг синоними хисобланади. Буни ЎТИЛда ҳам кўриш мумкин: *тўн – олди очиқ, пахтали ёки пахтасиз узун устки миллий кийим; чопон*[192]. ***Тўн*** сўзи ўзбек халқ миллий кийимларидан бири ҳисобланади. Анъанавий кийим-кечаклар этноснинг ўзига хос этноижтимоий рамзи ёки ҳар бир халқнинг этник мансублигини, ижтимоий ва оилавий ҳолатини кўрсатувчи ўзига хос “этник паспорт” бўлган[193]. Дарҳақиқат, одамни кийимсиз кўз олдимизда гавдалантириб бўлмаганидек, ҳар бир этносни ҳам анъанавий миллий либосларисиз тасаввур қилиш мушкул. Бир сўз билан айтганда, миллий кийимлар халқнинг ўзига хос этно-таърифий тимсоли ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ҳар бир халқ ўз хўжалик йўналиши, турмуш тарзи, яшаётган минтақасидаги иқлим, ижтимоий тузум, мафкуранинг баъзи унсурлари, урф-одатлар, диний эътиқод меъёрларига мос тарзда кийинган. Қолаверса, кийим тараққиёти билан ҳамоҳанг тарзда ўзига хос кийиниш маданияти ҳам ривожланиб боради. О.А. Сухарева ҳақли равишда таъкидлаганидек, кийимларнинг турли-туман янги кўринишлари яратилишига кишилар турмуш тарзи, меҳнат фаолияти ва иқлим таъсири билан бирга ўша жамият маданий тараққиёти ва эстетик диди ҳам сезиларли таъсир этган[194].

Ўзбек халқининг ҳам ижтимоий келиб чиқиши, иқлими, турмуш тарзи нуқтаи назардан бир қатор миллий кийимлари мавжуд бўлиб, улар регионал жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилади. Масалан, А.Ашировнинг

---

[192] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.. – Б.238.

[193]Сухарева О.А. Деревние черты в головных уборах народов Средней Азии. Среднеазатиский этнографический сборник. – М., 1954. – С. 299.

[194] Сухарева О.А. Ўша асар. – С.299.

таъкидлашича, Фарғона водийси ўзбеклари ёзда анъанавий миллий кийим-бош тарзида – дўппи, яктак, белбоғ, иштон, чориқ, қишда эса – телпак, чопон, белбоғ, шим, махси-ковуш кийиб юришган[195]. Бундан хулоса қилиб, "тўн" сўзини ўзбек тили миллий-маданий лексик бирлиги таркибига киритишимиз мумкин.

Ўзбек халқ латифаларида ***"тўн", "чопон"*** сўзлари қўлланган бир нечта латифаларни учратишимиз мумкин. Жумладан, "*Барибир келади"*[196] латифасида қуйидаги жумлада ***"чопон"*** сўзи қўлланган: *Бир куни Афандининг* ***чопонини*** *ўгри олиб кочди, Афанди ўгрининг орқасидан қувлаб ўтирмасдан, тўғри қабристонга бориб, бир очиқ гўр устида ўтирди.* Ушбу латифада қўлланган ***"чопон"*** сўзини М.Петерсон инглиз тилига ***"robe"*** тарзида таржима қилган: *Once a robber stole Afandi's robe. Afandi didn't run after him, instead he went to the cemetery and sat by a freshly dug grave.* (He will Come Here)[197]. Бундан ташқари "*Подшонинг инъоми"*[198] латифасида ҳам ***"чопон"*** сўзининг синоними ***"тўн"*** сўзи билан боғлиқ кулги ҳолат акс этган: *Подшо бир маросимда атоқли одамларга* ***тўн*** *кийгизди ва Афандини масхара қилиш учун унга эшакнинг тўқимини берди.* Таржимон **"тўн"** сўзини ҳам инглиз тилига **"robe"** тарзида ўгирган: *Once, at a feast, the king decided to present all the outstanding people with the gift of a new* ***robe,*** *but in order to tease Afandi, he presented him with a donkey's blanket.* (A Present from the King)[199].

---

[195] Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 183-б.

[196] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.177.

[197] Peterson Marilyn. Treasury of uzbek legends and lore. – T.: Qatortol – Kamolot, 2000. – P.79.

[198] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.206.

[199] Peterson Marilyn. Treasury of uzbek legends and lore. – T.: Qatortol – Kamolot, 2000. – P.87.

“Тўн”, “чопон” миллий-маданий лексик бирликлари қўлланган ўзбек халқ латифалари И.Шоҳнинг тўпламидан ҳам ўрин олган. Жумладан, “*Ғавғонинг боиси*” латифасида *Афанди ярим тунда деразаси ёнида бўлаётган ғавғонинг сабабини билиш учун елкасига* ***чопонини*** *ташлаб кўчага чиқади. Чиқиши ҳамоноқ елкасидаги* ***чопонни*** *ўғирлаб кетадилар. Шу вақтда шовқин ҳам тинчийди. Уйга киргач, ғавғонинг боисини сўраган хотинига Афанди: “Ҳамма ғавғо менинг* ***чопоним*** *устида экан,* ***чопонни*** *олишди-ю ғавғо босилди”, дейди*[200].

Ушбу латифада кулги келтириб чиқарадиган лексик бирлик ўзбек халқининг миллий кийимларидан ҳисобланган ***чопон*** сўзи билан боғлиқ.

И.Шоҳ *чопон* сўзи ўрнига ***“blanket”*** яъни ***“одеял(кигиз)”*** сўзидан фойдаланган. Бу ҳолатни *“Ғавғонинг боиси*” латифасининг инглиз тилидаги таржимасида кўриш мумкин: *Two men were quarrelling outside Nasrudin’s window at dead of night. Nasrudin got up, wrapped his only* ***blanket*** *around himself, and ran out to try to stop the noise.*

When he tried to reason with the drunks, one snatched his ***blanket*** *and both ran away.*

“What were they arguing about?” asked his wife when he went in.

“It must have been the ***blanket****. When they got that, the fight broke up.”*[201]

Фикримизча, таржимон биз юқорида келтирган ***чопон*** сўзининг миллий-маданий хусусиятини эътиборга олиши керак эди. Миллий кийимлар сирасига кирувчи ***чопон*** ҳеч қачон ***одеял(кигиз)*** кўринишига эга бўлмаган ва уни бу сўз

[200] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.21.

[201] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London. 2014. – P.15.

билан ифодалаш таржима маъносига жиддий путур етказади. “*Тўн ичида ўзим ҳам бор эдим”*[202] латифасида ***тўним*** *ерга тушиб кетди,* ***тўн*** *ҳам гурсиллаб тушар эканми?,* ***тўннинг*** *ичида ўзимиз ҳам бор эдик* жумлаларида ***“тўн”*** сўзи қўлланган бўлиб, И.Шоҳ ушбу сўзни ***“cloak”*** тарзида таржима қилган: *it was only my* ***cloak*** *which fell to the ground*. (Something Fell)[203]. И.Шоҳ таржималари орасида “*The Food of the* ***Cloak****”*[204] сарлавҳаси остидаги латифа ҳам мавжуд бўлиб, ушбу латифа аслият матнида “*Е, тўним”*[205] деб номланган. Ушбу латифада **“*тўн*”** сўзининг миллий-маданий бўёқдорликка эга бўлгани аҳамиятлидир. Таржимон бу сўзни **“*cloak*”** сўзи билан алмаштирган. Назаримизда ***“cloak”*** сўзи ***“тўн”*** сўзига муқобил бўла олмайди. OALD луғатида ушбу сўзнинг қуйидаги изоҳи мавжуд: *a type of coat that has no sleeves, fastens at the neck and hangs loosely from the shoulders, worn especially in the past (пальтонинг бир тури бўлиб, енглари бўлмайди, бўйинга боғланиб елкалар устига кенг ташланади, асосан ўтмишда фойдаланилган)*[206]. Талқинимизча, бу кийим ўтмишда инглиз рицарлари фойдаланган, бўйинга бойланадиган узун мато бўлса керак. Демак, бу сўз ***“тўн”*** сўзига умуман муқобил бўла олмайди. **“Тўн”** миллий-маданий лексик бирлиги “*Нодон экансиз-ку*!”[207] латифасида *Афанди эса, бошига* ***тўнини*** *қайтариб, югуриб келар эди* жумласида қўлланган бўлиб,

---

[202] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.104.
[203] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. – P.64.
[204] Shah I. Ўша асар. – P.15.
[205] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.74.
[206] Hornby A.S. “Oxford Advanced Learner’s Dictionary”. – Oxford: Oxford University Press, – P.277.
[207] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.67.

инглиз тилига ушбу латифа *“Circumstances Alter Cases”*[208] сарлавҳаси остида таржима қилинган. Лекин ушбу латифада таржимасида ***“тўн”*** сўзи тушириб қолдирилган. Демак, ўзбек халқининг миллий кийимларини англатадиган **“тўн”, “чопон”** сўзлари инглиз тилига ***“robe”, “cloak”, “blanket”*** тарзида таржима қилинган. Натижада таржимада миллийлик йўқолган. Бизнингча, таржимонлар бу ерда тасвирий таржима трансформациясидан фойдаланиб, ***“тўн”, “чопон”*** сўзларини инглиз тилида қуйидагича тасвирлаб берса мақсадга мувофиқ бўлар эди: ***chopon (ton) - one of the Uzbek national clothes like a coat which has no button and collar and wadded. It is worn not only everyday but also in mourning, wedding ceremonies.***

Ўзбек халқининг ўзига хос турмуш тарзини акс эттирувчи воқеликлардан бири *“Сув бошидан лойқа”* латифасида тасвирланган. Латифа моҳиятига кўра, *Афандининг бузоғи бўшалиб кетиб, ёйилиб турган ғўзани ея бошлади. Афанди бузоқни қувлаган эди, у тутқич бермай шаталоқ отиб кетди. Афанди бориб, боғлиқ турган сигирни ура бошлади. Афандининг хотини унинг қулидан калтакни тортиб олиб:*

- Ғўзани еган бузоғу, сигир бечорани нега урасиз? - деди.

Сув бошидан лойқа, боласига тарбия бера олмаган, арқонини узиб, ғўза ейишни боласига онаси ўргатган, айб сигирда, – деди Афанди.[209]

Мазкур латифада ўзбек халқининг оддий турмуш тарзи тасвирланган. Одатда, ўзбеклар ўз ҳаётини нонсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Агар уйига меҳмон келса,

[208] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. – P.19.

[209] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.67.

дарров дастурхонга нон қўяди. Нонни пиширишда эса асосан ғўзапоядан фойдаланади. Пахта териб олингандан сўнг, ғўза ўриб олинади ва уни қуритиш учун ховлига ёйиб қўйилади. Ғўза қуригандан сўнг уни тандирни қиздириш учун ёқади. Ушбу латифада ғўзани еяётган бузоқ сабабли сигирни Афанди томонидан калтаклангани кулги эффектини келтириб чиқармоқда.

Ушбу латифанинг таржимаси М.Петерсон ва И.Шоҳ тўпламларидан ўрин олган. Икки таржимон ҳам *“ғўза”* сўзини таржимада тушириб қолдирган. *Once a little bull calf, with a broken rope, ran around the courtyard and turned everything in his path upside down. (Muddy Water From the Source)*[210]*. Nasrudin tried to get a calf into a pen, but it would not go. (All Her Fault)*[211]

Бу ҳолатда И.Шоҳнинг ***“ғўза”*** сўзини таржимада тушириб қолдиришини Британияда пахта экилмаслиги билан изоҳланиши мумкин, лекин Америкада пахта кенг кўламда етиштирилишини хисобга олсак, М.Петерсон бу сўзнинг муқобилини таржимада берса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фикримизча, ***“ғўза”*** инглиз тилига ***“stem of cotton”*** деб таржима қилинса аслиятдаги ўзига хослик таржима матнида ҳам экс этган бўларди.

3.3. Миллий-маданий лексик бирликларнинг таржима қилиш хусусиятлари

Маълумки, латифалар қизиқ ва кулгули мазмунга ҳамда кутилмаган кучли якунга эга кичик ҳикоя хисобланади. Мазмун нуқтаи назаридан латифа маданиятнинг барча кўринишларини пародия қилишдан

[210] Peterson Marilyn. Treasury of uzbek legends and lore. – T.: Qatortol – Kamolot, 2000. – P.87.
[211] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. – P.44.

иборат бўлади. Унда тасвирланаётган воқеалар жамият ҳаётидаги турли-туман реалияларни атайин ҳазилли ёки кулгили имитациялар орқали бериш, коммуникатив қоидаларга асосан бу реалиялар «атайлаб» жамоатчилик фикрининг тескари ракурсида берилади. Одатда, ҳар бир миллатнинг ҳикоя қаҳрамонлари кулгили тасаввурлар комплекси билан келадиган характерли прецедент образлари: муайян ижтимоий роль, анъанавий ҳаракат соҳаси, хулқ-атвор нормалари, характер ва интеллектнинг белгиланган тўплами ва бошқаларга бириктирилган пародияларидир.

Парадокс ҳам кулги ифодаловчи асосий воситалардан хисобланади. Парадокс – бу реал ҳолатда мавжуд бўладиган, лекин мантиқан тушунтириб бўлмайдиган вазиятдир (гапириш, маъқуллаш, фикрлаш ёки хулоса чиқариш). Парадокс ҳамиша кутилмаганлиги, ноодатий бўлганлиги, оригиналлиги, ақлли фикрга, умумқабул қилинган асосларга қарама - қарши бўлганлиги билан ҳайрон қолдиради. Ўзбек халқ латифаларида ҳам аслида содир бўлиши мумкин бўлмаган ҳолатларни реал воқеликка мослаштириш орқали кулги ифодаланади.

Ўзбек халқ латифаларида ўзбек халқининг қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари, дунёқараши, менталитети, яшаш тарзи каби маданиятни англатувчи тушунчалар бўлиб, улар латифаларда кулги яратишнинг бош мезони ҳисобланади ва тилда миллий-маданий лексик бирликлар билан ифодаланади.

Афанди латифаларидаги миллий-маданий лексик бирликларни таржима қилиш муаммолари *“Қозон ҳам ўладими?”*[212] сарлавҳаси остидаги латифа мавжуд бўлиб, *“Афанди қўшниси* ***мингбошидан*** *қозон сўрайди”*

[212] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.64.

жумласида ***мингбоши*** миллий-маданий лексик бирлиги иштирок этган. Лекин ушбу сўз "*If a Pot can Multiply*"[213] деб номланган таржима матнида акс этмаган. Мазкур латифа тадқиқотнинг иккинчи бобида таржиманинг лингвостилистик хусусиятлари нуқтаи назардан таҳлил қилинган бўлса, бу бобда "Қозон ҳам ўладими?" латифаси таржиманинг лингвокультурологик хусусиятлари нуқтаи назардан ўрганиб чиқилган.

"*Мингбоши*" сўзининг нима учун миллий-маданий лексик бирлик таркибига киришини "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ва ЎТИЛдаги манбалар орқали кўриш мумкин. ЎМЭда мингбоши-ҳарбий маъмурий мансаб; 1) минг кишидан ташкил топган ҳарбий қисм қўмондони; 2) Ўрта Осиё хонликлари даврида ҳарбий маъмурий мансаб; 3) Тошкент даҳалари бошлиқлари бўлиб, ҳокимлар томонидан тайинланган; 4) XX асрнинг 20 - йилларида бир ёки бир неча қишлоқ бошқарувидан ташкил топган маъмурий идора бошлиғи. Ҳозирги кунда ҳам мингбошининг ижтимоий мавқеи сақланиб қолган бўлиб, унинг ҳозирги номи "маҳалла оқсоқоли" ҳисобланади. Маҳалла Ўзбекистонда маъмурий-ҳудудий бирлик, ўзини-ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос бўлган усули. Уни маҳалла оқсоқоли ўзининг маслаҳатчилари билан бирга бошқаради. Мингбоши шу маҳалла оқсоқолининг тарихий кўриниши ҳисобланади. Демак, бу терминда ўзига хос миллий – маданий бўёқдорлик бор.

ЎТИЛда эса мингбоши сўзининг а) даҳа ёки қишлоқ оқсоқоли, ҳокими, б) қўшин бошлиғи маънолари мавжуд. "*Қозон ҳам ўладими*?" латифасида ***мингбоши*** сўзи "қишлоқ оқсоқоли", "ҳокими" маъносида қўлланган. **"*Мингбоши"*** сўзининг миллий-маданий бўёқдорликка эга

[213] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. – P.5.

бўлганлиги учун уни транслитерация ёки транскрипция усулидан фойдаланиб таржима қилиб бўлмайди. Ушбу сўзни тўғридан-тўғри таржима тилига олиб ўтсак, таржима матни ўқувчилари учун тушунарсиз ҳолатга келиб қолади. И.Шоҳ ушбу миллий-маданий лексик бирликни оддий "*қўшни*" сўзи билан алмаштирган, яъни "*мингбоши*" сўзи таржима тилига олиб ўтилмаган. Бу ерда ушбу сўз инглиз тилига таржиманинг функционал эквивалентлик трансформациясидан фойдаланиб ***"шериф (sheriff)"*** сўзига ўгирилса аслиятдаги кулги эффекти таржима тилига ҳам олиб ўтилади. Инглиз тилидаги ***"sheriff"*** сўзи OALD луғатида қуйидаги маъноларини кўриш мумкин: *1. An elected officer responsible for keeping law and order in a country or town. 2. (often High Sheriff) (in England and Wales) an officer resperesting for the king or queen in countries, and some cities, who performs some legal duties and attends ceremonies. 3. (in Scotland) a judge. 4. (in Canada) an official who works in a court preparing court cases.* OALD луғатидаги sheriff сўзининг биринчи ва иккинчи маънолари ўзбек тилидаги мингбоши сўзига тўғри келади: 1. қишлоқ ёки шаҳарда қонун ва тартибни назорат қилиш учун сайланган амалдор, 2. (Англия ва Уэльсда) қишлоқлар ёки баъзи шаҳарларда қонуний вазифаларни амалга оширадиган ва маросимларда қатнашадиган қирол ёки қироличанинг амалдор вакили[214].

Ушбу латифада адолатсиз, хасис бойларнинг камбағалларни аҳмоқ қилиб бўлса-да, улардан бирор нима ундиришга харакат қилишидан иборат бўлган бир ҳолати ифодаланган. Бироқ, худди шу ижтимоий мотив таржимон назаридан четда қолиб кетган.

[214] Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.1400.

Инглиз тилига таржима қилинган латифаларда ўзбек халқининг турмуш тарзига хос жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолиб кетган. *“Мушук қани?*” латифасида *Афанди бир куни бозордан уч қадоқ гўшт олиб келди-да, хотинига:*

- Кечқурун яхшилаб чучвара қил, - деб тайинлади.

Хотини гўштни ўзи қовуриб еди-ю, кечқурун Афандининг олдига ***ёвғон*** *угра қўйди.*

- Чучвара қани? – деб сўради Афанди.

- Гўштни мушугингиз еб қўйди, - деб жавоб берди хотини.

Афанди мушукни ушлаб торозига қўйган эди, роса уч қадоқ келди, хотинидан сўради:

- Агар бу мушук бўлса, гўшт қани, агар бу гўшт бўлса, мушук қани?[215]

Мазкур латифанинг таржимаси Мерилин Петерсон тўпламидан ҳам ўрин олган бўлиб, таржимон латифани қуйидагича таржима қилган:

Once Afandi bought three kilos of meat at the market and brought it to his wife. “Make Chuchvara for me in the evening”, he said.

But instead his wife fried a meat and ate it herself. That evening she gave ***porridge*** *to her husband.*

“Where is the Chuchvara?” Afandi asked, disappointed.

“Oh, I was making it, but while I was rolling the dough, the cat came and ate the meat,” she explained.

Afandi stood up, and picked up the cat sleeping nearby. As he judged its weight to be about three kilos, he turned to his wife and said, “So, how can it be? If this is three kilos of meat, where is the cat?”[216]

[215] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.31.

[216] Peterson Marilyn. Treasury of uzbek legends and lore. – T.: Qatortol – Kamolot, 2000. – P.87.

Мазкур латифанинг таржимаси аслиятга жуда яқин, ҳатто маъно-мазмун жиҳатдан мос келган, бироқ ундаги ***“ёвғон”*** сўзи инглиз тилидаги ***“porridge”*** сўзи билан берилиши ўзбекона турмуш тарзига мос эмас. **“Porridge”** инглизлар ҳаётида бўтқа, енгил овқат маъноларини билдиради. Ўзбеклардаги ёвғон овқат эса, одатда, гўштсиз бўлиб, унга бошқа ҳамма масаллиқлар меъёрида солиниб пиширилади. Фикримизча, “ёвғон” сўзини инглиз тилига транслитерация қилиб, унинг қуйидагича изоҳини берса, мақсадга мувофиқ бўлар эди: ***yovgon- meal is prepared putting all vegitables and relish except meat.***

И.Шоҳнинг тўпламида эса бу миллий таом номи таржимада акс этмаган.

Таржимада миллий - маданий бўёқдорлик акс этмаган яна бир матн - бу *“Сендан ҳижолат бўлиб”*[217] латифасидир. И.Шоҳ томонидан амалга оширилган таржимада биз шундай ҳолатни кўришимиз мумкин. *“The burglars”* сарлавҳаси остида ушбу латифа инглиз тилига қуйидагича таржима қилинган:

Hearing someone moving about in his house, the Mulla became frightened and hid in a ***cupboard.***

In the course of their search, the two burglars opened the door and saw him cowering there.

“Why are you hiding from us?” asked one.

“I am hiding from shame that there is nothing in this house worthy of your attentions.”[218]

Аслият матнига кўра, *Афандининг уйига бегона одам, яъни ўғри кирганини кўриб, Афанди* ***сандиқ*** *ичига бекиниб олади. Ўғри уйидан ҳеч нарса тополмай сандиқни очади ва унда Афандини кўриб:*

[217] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.26.

[218] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London. 2014. P-16.

- Сандиқда нима қилиб ётибсан?- деб сўрайди. Афанди эса:

- Уйда сен боп ҳеч нарса йўқ, ҳижолат бўлганимдан бекиниб олдим, -дейди.

Бу ерда аслият матнида ўзбек халқига хос миллий-маданий лексик бирлик ***сандиқ*** сўзи ишлатилган. ***Сандиқ*** ўзбек халқи одатига кўра, қимматбаҳо буюмлар сақланадиган предмет. Ўзбеклар ҳеч қачон қимматбаҳо буюмларини ошхона шкафига қўймайди. Таржимон эса ***сандиқ*** сўзини ***cupboard (ошхона шкафи)*** билан алмаштирган.

"Сендан ҳижолат бўлиб" латифасини М.Петерсон ҳам таржима қилган бўлиб, таржимон **"сандиқ"** сўзини инглиз тилига "trunk"га ўгирган. ***"Trunk"*** *– a large strong box with a lid used for storing or transporting clothes, books, etc. (усти ёпиқ катта мустаҳкам қути бўлиб, кийим-кечак, китоб ва бошқаларни сақлаш ва ташиш учун фойдаланилади)*[219].

"Сандиқ" миллий - маданий лексик бирлиги "Гўшт ва болта"[220] латифасидаги қуйидаги жумлада қўлланган: *Ётар маҳалда Афанди болтани олиб* ***сандиққа*** *солди.* И.Шоҳ ушбу жумлани қуйидагича таржима қилган: *Nasrudin ran to get his axe and began to lock it in a* ***chest****.(You Can't Be Too Careful)*[221]. OALD луғатида **"chest"** сўзининг учинчи маъноси "сандиқ" сўзига яқинроқ: *a large strong box, usually made of wood, used for storing things in and/or moving them from one place to another (ёғочдан ясалган катта мустаҳкам қути бўлиб, нарсаларни сақлаш*

[219] Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.1645.

[220] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.24.

[221] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. P.79.

ёки бир жойдан бошқа жойга олиб бориш учун фойдаланилади)[222].

Инглиз тилида ***chest, trunk*** сўзлари ***сандиқ*** сўзига шаклий эквивалент бўла олади, лекин функционал эквивалент бўла олмайди. Чунки, ўзбек халқи қадимда ўз қимматбаҳо буюмларини сандиқда сақлаган. ***“Chest”, “trunk”*** эса асосан оддий буюмларни сақлашга ва бир жойдан бошқа жойга ташишда қўлланилади. ***Сандиқ*** сўзининг миллий-маданий коннотатив маъноси ҳақида юқорида фикр юритганмиз. Латифанинг моҳиятига кўра, Афандининг уйига кирган ўғри сандиқдаги қимматбаҳо буюмларни олиб кетишни мақсад қилган. Таржимонлар эса бу моҳиятни тўлиқ англаб етмаган. Шунинг учун бу сўзни ҳатто “cupboard” тарзида ҳам таржима қилган.

Фикримизча, таржимада сандиқ сўзининг қуйидагича изоҳи берилганда унинг коннотатив маънолари ўқувчи учун тушунарли бўлар эди ва аслият матнидаги кулги эффекти таржима матнида ҳам акс этган бўлар эди: ***He quickly hid in his sandiq in which valuable things are kept.***

“Қани, энди эшакка ем солинг”[223] сарлавҳали латифада ўзбек аёлларининг миллий бош кийими ***“рўмол”*** миллий-маданий лексик бирлиги “*Индашмагандан кейин, хотин бошига* ***рўмолини*** *ташлаб, қўшнисиникига чиқиб кетди”* жумласида қўлланган бўлиб, М.Петерсон ушбу сўзни *“scarf”*га ўгирган: *The wife tied a* ***scarf*** *on her head, stomped out of the house (Feeding the Donkey).*[224] ***“Scarf”*** сўзи биздаги шарфга тўғри келади. Ўзбек аёлларининг рўмолини ўзига хос коннотатив маънолари мавжудки,

---

[222] Hornby A.S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.254.

[223] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.57.

[224] Peterson Marilyn. Treasury of uzbek legends and lore. – T.: Qatortol – Kamolot, 2000. – P.82.

уларни шарф билан ифодалаб бўлмайди. Бу ерда таржимон ***“scarf”*** ўрнига ***“kerchief”***ни қўллаганда тўғри бўлар эди. *Kerchief – a square piece of cloth worn on the head or around the neck (тўртбурчак шаклдаги кийим бўлиб, бошга ёки бўйинга кийилади)*[225]. Аслида таржимон шу сўзни танласа мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу айнан ўзбек аёллари ўрайдиган ***“рўмол”*** сўзининг инглиз тилидаги эквиваленти ҳисобланади.

“Теракка қўнган лайлак” ҳақидаги латифада ***“носвой”*** сўзи инглиз тилига ***“tobacco” – “сигара, тамаки”*** деб берилган. **“Носвой”** сўзи ҳам миллий реалия ҳисобланиб, Марказий Осиё халқлари орасида чекиладиган тамаки махсулоти ҳисобланади. Ваҳоланки, у инглизлар учун нотаниш, шунга қарамай ***“носвой”*** сўзини ***“сигара”*** ёки ***“тамаки”*** сўзи билан бериш латифа мазмунини бузиб, ўзбек халқига хос ҳаёт тарзи ҳақида тасаввур уйғотмайди. Шундай экан, бу сўзнинг изоҳини ёки Америкада қўлландаиган ***“chewing tobacco”*** деб бериш энг тўғри йўл ҳисобланарди. Чунки Америкада носни **“chewing tobacco”** деб талқин қилишади.

“Думба жигар” сарлавҳаси остидаги латифада *Афанди бир куни қассобдан жигар олиб келаётган эди, йўлда бир ошнаси учради.*

- Йўл бўлсин? – деди ошнаси.

- Уйга, - деди Афанди.

- Нима харид қилдингиз?

- Жигар.

*- Ундан бўлса **думба-жигар** қилиб енг! – деб маслаҳат берди ошнаси. – Жуда ширин бўлади.*

*- **Думба – жигарни** қанақа пиширади? – деб сўради Афанди. Ошнаси **думба-жигар** қилишни тушунтириб*

[225] Hornby A.S. Oxford Advanced Learner’s Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, – P.844.

берган эди, Афанди:

- Қоғозга ёзиб берсангиз яхши бўларди, бўлмаса уйга боргунимча эсимдан чиқиб қолади, - деди.

Ошнаси қоғозга батафсил ёзиб берди. Афанди қоғозни чўнтакка солиб, хурсанд кетаётган эди, пастлаб учиб юрган кўпансор унинг қўлидаги жигарни илиб учиб кетаётган кўпансорга кўрсатиб қичқирди:

*- Барибир сен **думба-жигар** қилиб ея олмайсан, қоғози менинг қўлимда![226]*

Инглиз тилига "Eating-Matter and Reading-Matter" сарлавҳаси остида таржима қилинган ушбу латифада таржимон аслиятдаги баъзи воқеликларни қолдириб кетган, лекин матн моҳиятига путур етмаган. *Nasrudin was carrying home some liver which he had just bought. In the other hand he had a recipe for **liver pie** which a friend had given him.*

Suddenly a buzzard swooped down and carried off the liver.

"You fool!" shouted Nasrudin, "the meat is all very well – but I still have the recipe!"[227]

Назаримизда, аслият матнидаги кулги таржима матнида ҳам акс этган. Бироқ, ўзбек халқининг турмуш тарзига хос **"*думба-жигар*"** овқат номи инглиз тилига ***"liver pie"*** деб таржима қилинган. *Думба-жигар – думба ёғи ва жигардан тайёрланган овқат ёки газак[228]*. Демак, бу думба-жигар ёғли, кучли калорияли, гўштли овқат. *Liver Pie – a food that consists of meat, vegetables, or fruit cooked inside a case of pastry[229]*. Бундан маълумки, инглиз

[226] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.89.
[227] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. – P.31.
[228] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 660.
[229] Macmillan For Advanced Learners. Printed and bound in Malaysia, in 2010. – P.1123.

тилидаги **"*liver pie*"** гўшт, сабзавотлар ёки меваларни аралаштириб, қандолат махсулотларига ўхшаб пишириладиган таом бўлиб, енгил таом сифатида тановул қилинади. Инглиз ва ўзбек халқининг бу таомларини таққосласак, бир-бирига қарама-қарши хусусиятга эга таомлар эканлиги маълум бўлади. Бундай ҳолатда таржимон аслият матнидаги ***"думба - жигар"*** сўзини тасвирий таржима усулидан фойдаланиб, қуйидагича таржима қилиш керак эди: ***dumba-jigar – a food consists of sheep's fat and liver.***

Ўзбек халқининг ўзига хос маданияти акс этган латифалар қаторига "*Нариги эшикдан*"[230] сарлавҳаси остидаги латифани ҳам киритиш мумкин. Халқимиз одатларига кўра, уйини чақириб келган инсонга уй эгаси ***"Ҳуш келибсиз, меҳмон, уйга марҳамат"*** жумласини ишлатади. Бу ўзбек халқининг ўзига хос меҳмондўстлик хислатларидан биридир. "Нариги эшикдан" латифасида ҳам халқимизнинг мана шундай ҳислатларидан бири акс этган. Ушбу латифада **"*Хуш келибсиз, меҳмон, уйга киринг десам, Афанди йўқлар, энди борларида бошқа келарсиз, - деди.*"** жумласи мавжуд. И.Шоҳ ушбу латифанининг сарлавҳасини "The Alternative"[231] дея таржима қилган ҳолда юқоридаги жумлани оддийгина **"*Nasrudin is out*"** тарзида таржима қилган. Натижада ўзбек халқининг миллий одатлари таржимада ўз аксини топмаган. Фикримизча, ушбу жумла **"Assalomu alaykum, dear guest, welcome to our home. But now Afandi is out. Maybe you will come when he is at home"** деб таржима қилинса, миллийлик таржимада ҳам акс этади.

[230] Саримсоқов Б, Йўлдошева Ф. Афанди латифалари. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.13.
[231] Shah I. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. – P.34.

Демак, латифаларни халқларнинг миллий маданияти, урф-одатлари, турмуш тарзи, ўзига хос анъаналарини тўғри талқин қилган ҳолда хорижий тилларга таржима қилиш аслиятдаги кулгини таржима матнига ҳам олиб ўтишда катта аҳамиятга эга. Бу жиҳат латифаларни таржима қилишда адекват таржимага эришишга ва ўқувчининг аслият матнидаги кулгини тўлақонли ҳис этишига ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони./Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. – № 28

3. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. – Т.: Шарқ, 2010. – 176 б.

4. Абдураҳмонов Ш.А. Ўзбек бадиий нутқида кулги қўзғатувчи лисоний воситалар: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 1997. – 23 б.

5. Абрамович Г.Л. Введение в литературоведение. – М., 1953. – 119 с.

6. Александрова Е.М. Перевод анекдота: проблемы адекватности и эквивалентности: на материале французских и русских анекдотов. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2005. – 25 с.

7. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка.–Ленинград: Просвещение, 1981.–340 с.

8. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 276 б.

9. Бархударов Л.С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода. – М.: Международные отношения, 1975. – 240 с.

10. Бархударов Л.С Общелингвистическое значение теории перевода//Теория и критика перевода. – М.: Изд-во ЛГУ, 1962. – 196 с.

11. Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М., 1975. – 339 с.

12. Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2013. - № 3. – Б. 35-39.

13. Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 140 б.

14. Бородянский И.А. Перевод фразеологических единиц и контекст: Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Киев, 1971. – 25 с.

15. Вайгла Э.А. Эмоциональная лексика современного русского языка и проблемы ее перевода: Автореф. дисс. …канд. филол. наук. – М., 1978. –25 с.

16. Виноградов В.С. Основные типы лексического значения слова. Избранные труды. Лексикография и лексикология. – М.: Наука, 1977. – 312 с.

17. Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы: – М.: Изд-во МГУ, 1978. – 174 с.

18. Виноградов В.С. Перевод: Общие и лексические вопросы. Учебное пособие. – М.: Книжный дом, Университет, 2006. – 236 с.

19. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – М., 1980. – 342 с.

20. Гарбовский Н. Теория перевода.–М., 2004.–554 с.

21. Илюшкина М.Ю. Теория перевода: основные понятия и проблемы. – Екатеринбург, 2015. – 84 с.

22. Исмаилова Б. Категория образности и средства ее выражения в словообразовательной системе английского и киргизского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1989. – 146 с.

23. Караматов Х.С Истоки, оригинал и узбекский перевод. Трагедия К.Марло «Тамерлан великий»: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1990.

24. Комиссаров В. Теория перевода.–М., 1990.–172 с.
25. Комиссаров В.И. Перевод и языковое посредничество. М.: Высшая школа, 1984. – 206 с.
26. Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. – М.: ИМО, 1980 – 167 с.
27. Комиссаров В.Н. Слово о переводе. – М.: ИМО, 1973. – 215 с.
28. Комиссаров В.Н. Общая теория перевода. М., 2003. – 136 с.
29. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. – М., 2004. – 424 с.
30. Левый И. Искусство перевода. – М., 1974. – 398 с.
31. Маслова В.А. Лингвокультурология. 2-издание. – М.: Академия, 2004. – 208 с.
32. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули //Ўзбек тили ва адабиёти.–Т.: 2011. № 3.–Б. 19-24.
33. Махсумхонов С. Абдулла Қодирий ижодида ҳажвий характер муаммоси (кичик насрий асарлар мисолида). Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Т., 2006. – 23 б.
34. Микулина М.Т. Передача своеобразие национальной культуры в переводе: Автореф. дисс. …канд. филол. наук. – Ленинград, 1977. – 15 с.
35. Мўминов О. A guide to consecutive translation. – T.: Tafakkur bo’stoni, 2013. – 320 b.
36. Мўминов О, Қўлдошев А, Ҳошимов Ў. English for translators. – Т.: Шарқ, 2005. – 384 б.
37. Мўминов С.М Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий – лисоний хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Т.: ЎзРФА ТАИ, 2000. – 47 б.
38. Мусаев Қ. Стилистические вопросы художественного перевода с английского языка на

узбекский. Автореф. дисс. … канд. филол. наук. – Самарканд, 1967. – 25.

39. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари.– Т.: Фан, 2005. – 352 б.

40. Намозов А.Н. Ҳозирги ўзбек драматургиясининг комик табиати (Саид Аҳмад ва Ўлмас Умарбеков комедиялари асосида). Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002. – 28 б.

41. Нелюбин Н.Н. Толковый переводоведческий словарь. – М.: Флинта, Наука, 2003. – 320 с.

42. Нормурадов Ю. Проблема научно-литературного перевода узбекского фольклора на немецкий язык. Дисс. канд. филол. наук. – Т., 1982. – 148 б.

43. Нурмонов А. Лингвистик нисбийлик ва лингвистик детерминизм назариялари ҳақида мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2013. – № 5. – Б.10-29.

44. Приволов Б. Анекдоты Омирбека и некоторые вопросы сатирико-юмористического фольклора. Вместо послесловия – В кн. Анекдоты Омирбека. – Нукус, 1970. – С. 258-258.

45. Проскурина АА. Прецедентные тексты англоязычном юмористическом дискурсе. Автореф. дисс. .... канд. филол. наук. – Самара, 2004. – 18 с.

46. Пўлатов Ю. Бадиий асарда номлар таржимаси. – Т.: Фан, 1967. – 68 б.

47. Раҳимов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2016. – 176 б.

48. Родина Е.М. Лингвостилистические особенности короткого юмористического рассказа: опыт социопрагмалингвистической интерпретации: на материале немецкого языка. Дисс. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2002. – 196 с.

49. Рубайло А.Т. Художественные средства в языке. – М., 1961. – 128 с.

50. Русские писатели о языке. – Ленинград, 1995. – 192 с.

51. Сабитова З.К. Лингвокуьтурология. – М.: Флинта, Наука, 2013. – 528 с.

52. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 232 б.

53. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 152 б.

54. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т., 1966. – 103 б.

55. Саломов Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. – Т.: Фан, 1980. – 124 б

56. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. –Т., 1983. – 138 б.

57. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.

58. Сирожиддинов Ш, Одилова Г. Бадиий таржима асослари. Монография. – Т.: Мумтоз сўз, 2011. – 164 б.

59. Сувонқулов Б.М. Ўзбек халқ латифаларининг жанр хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: 2008. – 26 б.

60. Сулайманов М. Опыт научного обобщения проблемы художественного перевода в аспекте сопоставительной стилистики. Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1974. – 152 б.

61. Сухарева О.А. Деревние черты в головных уборах народов Средней Азии. Среднеазатиский этнографический сборник. – М., 1954. – 299 с.

62. Телия В.Н. Русская фразеолоия: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа “Язык русской культуры”, 1996. – 288 с.

63. Файзуллаева Р. К проблеме передачи национального колорита в художественном переводе: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1972. – 148 б.

64. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. – М.: Высшая школа, 1968. – 400 с.

65. Холбеков М. Узбекско-французские литературные взаимосвязи. Автореф. дисс…канд. филол. наук. – Т., 1991. – С.52.

66. Худойберганова Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: Турон замин зиё, 2015. – 44 б.

67. Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. –Т., 2015. –36 б.

68. Чан Тхань Тунг. Русский юмористический текст на фоне вьетнамской лингвокультурной традиции. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2004. – 18 с.

69. Шамсиева Б. Вопросы узбекского фольклора в зарубежном литературоведении. Дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1994. – 174 с.

70. Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар.–Т., 1977. –260 б.

71. Швейцер А.Д. Теория перевода: статус, проблемы, акспекты. – М.: Наука, 1988. – 250 с.

72. Шомақсудов А, Расулов И, Қўнғуров Р, Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т., 1983. – 237 б.

73. Юсупова Ў.Ҳ Ўзбек халқ оғзаки насри намуналарида миллий колоритнинг ифодаланиши(эртаклар, латифалар мисолида)”. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Т., 2011. – 149 б.

74. Қамбаров Н. Инглизча-ўзбекча универсал луғат – маълумотнома. – Т., 2014. – 188 б.

75. Қамбаров Н.М. Таржима трансформациялари ва тил контактлари (назарий масалалар). Fledu.uz Ўзбекистонда хорижий тиллар электрон журнали. –Т: 2016.

76. Ғофуров И, Мўминов О, Қамбаров Н. Таржима назарияси. –Т.: Тафаккур-Бўстон, 2012. – 216 б.

77. Ғофуров И. Таржимон мутахассислигига кириш. – Т.: Меҳридарё, 2008. – 118 б.

78. Ҳакимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри. ... диссертация. – Т.: ЎзР ФА ТАИ, 2001. – 283 б.

79. Alison Ross. Language of Humour. – London and New York, 2005. – 129 p.

80. Asimakoulas Dimitris. Subtitling Humor and the Humor of Subtitling. A Theoretical Approach to the Translation of Verbal Humor and Subtitling with Respect to the Greek Subtitled Versions of Airplane and Naked Gun. Master's thesis, University of Manchester, 2001. – 95 p.

81. Attardo Salvadore. From Linguistics to Humor Research and Back: Applications of Linguistics to Humor and Their Implications for Linguistic Theory and Methodology. PhD thesis. – Indiana: Purdue University, 1991. – 136 p.

82. Aznaurova E.S Abdurakhmonova Kh.I, ... Translation theory and practice. – Т.: Ўқитувчи, 1989.–176 p.

83. Berger A A. An Anatomy of Humour. – New Jersey, 1998. – 196 p.

84. Broeder L. Translating Humor: The Problems of Translating Terry Pratchett. Master of Arts Thesis. 2007. – 112 p.

85. Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation. – Indiana: Oxford University Press, 1965. – 103 p.

86. Chiaro D. The Language of Jokes: Analysing Verbal Play. – London: Routledge, 1992. – 47 p. ISBN 0415030897.

87. Chairo D. Translation, Humour and Literature. – London, 2010. – 135 pp.

88. Chun S. Humour in Korean Literature. International Cultural Foundation. 1977. – 298 p.

89. Dahllöf Mats. Språklig betydelse. En introduktion till semantik och pragmatik. – Lund: Studentlitteratur. 1999. www.google.com

90. Dobrzynska T. Translating Metaphor: Problems of Meaning. Journal of Pragmatics 24 (6): 1995. Pp - 597-603.

91. Galperin I. Stylistics. – M., 1981. – 336 p.

92. Gentzler E. Metaphor and Translation. Encyclopaedia of Literary Translation into English Vol. 2. – London: Fitzroy Dearborn Publisher, 2000. Pp. 941-945.

93. Graham I. Difference in Translation. Carnell University Press, 1985. 256 p.

94. Hempelmann, Christian F. Paronomasic Puns: Target Recoverability towards Automatic Generation. PhD thesis. – Indiana: Purdue University, 2003. – 132 p.

95. Hurtado Albir A. La traductología: lingüística y traductología. Trans 1, 1996. 696 p.

96. Idries Shah. The Exploits of the Incomparable Mulla Nasriddin. – London, 2014. – 112 p.

97. Jakobson R.J. On Linguistic Aspects of Translation//In. R.A. Borrower. On Translation. – New York: Oxford University Press, 1966. http://isg.urv.es/library/papers/jakobson_linguistic.doc

98. Jaskanen, Susanna. On the Inside Track to Loser Ville, USA: Strategies Used in Translating Humour in Two Finnish Versions of Reality Bites. MA Thesis. – Helsinki: University of Helsinki, 1999. – 82 p.

99. Judith K, Ronald R, Swan D. The Book of British humour. – London: Longman Group Ltd, 1981. – 53 p.

100. Hakimov R. Khoja Nasriddin. – T.: Санъат, 2007. – 132 p.

101. Krings H.P. Translation Problems and Translation Strategies of Advanced German Learners of French. In J. House, S. Blum-Kulka (Eds.), Interlingual and intercultural communication. Tubingen: Gunter Narr. 1986. Pp - 263-75. http://www.bokorlang.cpm/jornal/41culture.htm

102. Leppihalme, R. Culture Bumps: an Empirical Approach to the Translation of Allusions. (Topics in Translation 10). – Clevedon: Multilingual Matters, 1997. http://www.bokorlang.cpm/jornal/41culture.htm

103. Long. D and Graesser, A. Wit and Humour in Discourse Processing. –Discourse Processes: A Multidisciplinary Journal. 1988. 11(2): 35-60.

104. Liu Q, Zhang X. Towards the Translation of Figurative Language. Canadian Social Science. Vol.1 No. 1. 2005. Pp-122–126.

105. Lucía M, Hurtardo A. Translation Techniques Revisited: A Dynamic and Functionalist Approach. Meta: Translators' Journal, Vol. 47, № 4, 2002, Pp 498-512.

106. Malmkjer K and Kevin W. The Oxford Handbook of Translation studies. – Oxford: Oxford University Press, 2011. – 256 p.

107. Mason K. Metaphor and Translation. Babel 28 (3): 1982. Pp 140-149.

108. Mateo M. The Translation of Irony. Meta, 40 (1), 1995. Pp 171-178.

109. Mildred L. Meaning – based translation: A Guide to Cross-language Equivalence. – Lanham: University press of America, 1984. – 537 p.

110. Muminov A. A Guide to Consecutive Translation. – T.: Tafakkur bo'stoni, 2013. – 320 p.

111. Muminov O. History of Translation (Europe and Central Asia). – T.: Меҳридарё, 2008. – 128 p.

112. Muminov O, Xodjayeva M, Mirzamuhamedova R, Alimova Z ... Practical Course in Translation. – T.: O'zbekiston Milliy kutubxonaso nashriyoti, 2011. – 192 b.

113. Muminov O.M. Words as Carriers of Culture Meaning// Modern Trends in Teaching Foreign Languages: Achievements, Challenges and Solutions. International Conference Proceedings. May 13-14, 2017. – T.: Pp 209 - 212.

114. Nash W. The Language of Humour: Style and Technique in Comic Discourse. – London and New York: Longman, 1985. – 181 p.

115. Newmark P. A Textbook of Translation. – London: Prentice Hall, (1988/1995). – 292 p.

116. Newmark P. About Translation: Multilingual Matters. Clevedon, Philadelphia, – Adelaide: Multilingual Matters Ltd, 1991. – 184 p.

117. Newmark P. Approaches to Translation. – Hertfordshire: Prentice Hall, 1988. – 234 p.

118. Newmark P. The Translation of Metaphor. In W. Paprotté and R. Dirven (eds). The Ubiquity of Metaphor: Metaphor in Language and Thought. Amsterdam: John Benjamins, 1985. Pp - 295-326.

119. Nida E. Towards a Science of Translating. – Leiden, 1964. – 331 pp. https://ru.scribd.com/doc/294853332/Eugene-Nida-Toward-a-science-of-translating-bible-translating-1964-pdf

120. Nida, E. A. Towards a science of translating, with special reference to principles and procedures involved in bible translating. Leiden: E. J. Brill, 1964. – 331 p.

121. Nida E. and Taber, C. The Theory and Practice of Translation. United Bible Society. 1969. – 321 p.

122. Norrick Neal R. Conversational Joking: Humor in Everyday Talk. Bloomington & Indianapolis: Indiana University Press, 1993. – 175 p.

123. Norton G.P. Some remarks on translation and translators. – Oxford: Oxford University Press, 1984. – 216 p.

124. Peterson Marilyn. Treasury of uzbek legends and lore. – T.: Qatortol – Kamolot, 2000. – 188 p.

125. Raskin Victor. Semantic Mechanisms of Humor. Dordrecht & Boston & Lancaster: D. Redial Publishing Company, 1985. – 308 p.

126. Roger.N.Bell. Translation and translating, (theory and practice). – London, New York, 2001. – 80 p.

127. Rojo, A. Step by Step: A Course in Contrastive Linguistics and Translation. Peter Lang. 2009. – 418 p.

128. Sara Di Maio. Structured Resource for Computational Humor. PhD thesis. The University of Siena, 2000. – 134 p.

129. Savory T. The art of Translation. – London, 1957. – 159 p.

130. Scavée, P. and Intravaia, P.Traité de Stylistique Comparée. Analyse Comparative de l'Italien et du Français, – Bruxelles: Didier, 1979. – 225 p.

131. Schäffner, C. A Roof is an Umbrella: Metaphor, Culture and Translation. In M. Sidiropoulou(ed.). Identity and Difference – Translation Shaping Culture. – Bern: Peter Lang AG, 2005. Pp - 49-78.

132. Snell-Hornby, M. Translation Studies: An Integrated Approach. – Amsterdam / Philadeliphia: John Benjamins Publishing Company, 1988/1995. – 184 p.

133. Susan Bassnet. Translation studies. 3rd edition. – London and New York. Taylor & Francis e-Library, 2005. – 176 p.

134. Venuti, L. Strategies of Translation. In M. Baker (Ed.), Encyclopedia of Translation Studies. London and New

York: Routledge, 1998. Pp - 240-244 http://translationjournal.net/journal/41culture.htm

135. Vinay, J. P. and J. Darbelnet. Stylistique comparée du français et de l'anglais, París: Didier: Georgetown University Press, 1977. – 331 p.

136. Yuliasri, I., & Allen, P. Foreignizing and domesticating Harry: An analysis of the Indonesian translation of Harry Potter and the Sorcerer's Stone. T & I Review, 4. Seoul, Korea: EWHA Research Institute for Translation Studies. 2014. http://www.google.ru/

Луғатлар

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 689 б.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 671 б.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 687 б

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 606 б.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 591 б.

6. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Т., 1985. – 168 бет.

7. Ҳотамов Н, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1979. – 364 б.

8. Abrams M.H. A Glossary of Literary terms. Seventh edition. Cornell University. Printed in the USA, 1999. – 366 p.

9. Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, 2005. – 1780 p.

10. Macmillan For Advanced Learners. Printed and bound in Malaysia, in 2010. – 1748 pp.

11. Shuttleworth M, Cowie M. Dictionary of Translation Studies. – London and New York: Routledge, 2014. – 233 p.

Интернет сайтлари:

Afandi latifalari. www.ziyouz.com kutubxonasi.
http://blogs.rediff.com/jonkynapowhi10/2016/07/11/semantic-mechanisms-of-humor-pdf-free/
http://catalogue.nla.gov.au/Record/2358066
http://isg.urv.es/library/papers/jakobson_linguistic.doc
http://translationjournal.net/journal/41culture.htm
http://www.bokorlang.cpm/jornal/41culture.htm
http://www.e-reading.club/book.php?book=143816
http://www.google.ru/
http://www.hf.uio.no/iba/nettkurs/translation/grammar/top7culture.html
http://www.studfiles.ru/preview/1197033/
http://www.tradulex.org/Actes2000/harvey.pdf
http://www.translators-union.ru/community/recommendation
http://www.tra-service.ru/webinar
http://www.twirpx.com/file/573846/
HTTP://WWW.UNESCO.ORG/
http://www.worldcat.org/title/toward-a-science-of-translating-with-special-reference-to-principles-and-procedures-involved-in-bibletranslating/oclc/591991983
www.barinas.com/what_is_a_translator.htm (translation history)
www.simultrans.com /seminarside-fault.htm
www.translation.net
www.TranslationDirectory.com
www.translators-union.ru/?low/sub_section_51/

МУНДАРИЖА

Кириш.....3
І БОБ. ЖАҲОН ТАРЖИМАШУНОСЛИГИДА ҲАЖВИЙ МАТНЛАР ТАРЖИМАСИ ЎРГАНИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.....5
1.1. Тилшуносликда ҳажвий матнлар таржимасининг ўрганилиш тарихи.....5
1.2. Ўзбек халқ латифаларининг инглиз тилига таржималари тарихи.....14
1.3. Ҳажвий матн ва таржима тушунчаларининг моҳияти.....23
1.4. Ҳажвий матн таржимаси методлари ва трансформациялари.35
ІІ БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛАТИФАЛАРИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....59
2.1. Стилистик усулларни таржима қилиш стратегиялари.....59
2.2. Ўзбек халқ латифаларида тропларнинг таржима қилиш муаммолари.....71
2.2.1. Метафора стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари.....73
2.2.2. Метонимия стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари.....84
2.2.3. Киноя стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари..84
2.2.4. Муболаға стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари.....96
2.2.5. Шахслантириш стилистик усулини таржима стратегиялари.....106
2.2.6. Аллюзия стилистик усулини таржима қилиш стратегиялари.....112
ІІІ БОБ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЛАТИФАЛАРИНИ ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ ЛИНГВО-КУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....120
3.1. Ўзбек халқ латифаларини инглиз тилига таржима қилишда лингвокультурологик ёндашув.....120
3.2. Афанди латифаларининг инглиз тилига таржимасида миллий-маданий лексик бирликлар.....132
3.3. Миллий-маданий лексик бирликларнинг таржима қилиш хусусиятлари.....143
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....155

CONTENTS

Introduction 3
CHAPTER I. TRANSLATION OF HUMOROUS TEXTS AS THE OBJECT OF INVESTIGATION IN WORLD TRANSLATOLOGY.....5
1.1. Investigation of humorous text translation in linguistics 5
1.2. Translation history of Uzbek national anecdotes into English.....14
1.3. The content of notions humorus text and translation.....23
1.4. Translation methods and transformation used in translation of humorous texts.....35
CHAPTER II. LINGUISTIC FEATURES OF TRANSLATING UZBEK NATIONAL ANECDOTES INTO ENGLISH.....59
2.1. Translation strategies of stylistic devices 59
2.2. Translation problems of stylistic devices in Uzbek national anecdotes 71
2.2.1. Translation strategies of metaphor.....73
2.2.2. Translation strategies of metanomy.....84
2.2.3. Translation strategies of irony 84
2.2.4. Translation strategies of hyperbole.....96
2.2.5. Translation strategies of personification.....106
2.2.6. Translation strategies of allusion 112
CHAPTER III. LINGUOCULTURAL FEATURES OF TRANSLATING UZBEK NATIONAL ANECDOTES INTO ENGLISH.....120
3.1. Linguocultural approach in translating Uzbek national anecdotes into English.....120
3.2. National-cultural lexical units in translating Afandi anecdotes ..132
3.3. Peculiarities of translating national-cultural lexical units.....143
LIST OF USED LITERATURES 155

УЛУҒБЕК ЙЎЛДОШЕВ

БАДИИЙ ТАРЖИМАНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Монография

Муҳаррир: С.Каримова
Мусаҳҳиҳ: З.Усманова
Тех.муҳаррир: Ш.Бекназаров

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти
140104, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93

ISBN 978-9943-8229-1-7

Нашриёт тасдиқномаси:
№ 1243-7560-5999-432c-2125-1811-8655

Босишга рухсат этилди: 29.12.2021 йил.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
“Times New Roman ” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб нашриёт т.: 9,5. Шартли б.т.: 6,6.
Адади: 100 нусха. Буюртма № 55.

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти.
Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.